**Нигора Эркабоева, Маҳфуза Усмонбоева,
Марипат Иргашова, Наргиза Хўжаназарова**

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ:
СХЕМА ВА РАСМЛАРДА

Тошкент – 2012

УДК:
ББК:

Педагогик маҳорат: схема ва расмларда / Методик қўлланма. Н.Эркабоева, М.Усмонбоева, М.Иргашова, Н.Хўжаназарова. – Тошкент: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012. – 191 бет.

Методик қўлланма педагогика олий таълим муассасаларида “Педагогик маҳорат” фанини ўқитиш учун ёрдамчи манба сифатида яратилган бўлиб, унда педагогик маҳоратнинг умумий асослари, педагогик фикр тарихи ва мактаб амалиётида энг қадимги даврлардан ХХ асрга қадар бўлган даврларда ўқитувчи маҳорати масалаларининг ўрганилиши, ҳозирги замон педагогикасида педагогик технологиянинг ўрни, педагогик қобилиятнинг ўқитувчи фаолиятидаги аҳамияти, педагогик назокат ва одоб-ахлоқ, педагогик техника, нутқ техникаси, нутқ техникаси ва педагогик мулоқот маданиятига оид маълумотлар берилган. Қўлланмада, шунингдек, Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг асарларида педагоглар, уларнинг касбий тайёргарлиги ҳамда педагогик маҳоратининг таълим-тарбия ривожидаги алоҳида ўрни борасидаги қарашларининг ёритилиши хусусида сўз юритилган.

Мазкур қўлланма педагогика олий таълим муассасаларининг талабалари, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият юритаётган педагоглар, илмий ходимлар, аспирантлар, тадқиқотчилар ҳамда педагогик маҳорат асослари билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Тақризчилар: педагогика фанлари доктори **Д.И.Рўзиева**
педагогика фанлари номзоди, доцент **М.Толипов**

Методик қўлланма Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти Илмий-методик кенгашининг 2012 йил “__”_____даги __-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган

© Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети, 2012 йил

СЎЗБОШИ

Кишилик тараққиёти тарихида шахс тарбияси ғоялари вужудга келган илк даврлардан бошлаб, уни ташкил этувчи шахслар фаолияти масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ўша даврлардаёқ шахс тарбиясини ташкил этиш ниҳоятда мураккаб ва қийин жараён эканлиги англаб етилган. Шу сабабли шахс тарбияси асосан оилада ташкил этилганлигига қарамай, болалар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг пухта ўзлаштирилишига жавобгар шахсларни белгилаш муҳим деб топилган. Қолаверса, хусусий мулкчиликнинг қарор топиши, мактабларнинг пайдо бўлиши натижасида болаларнинг таълим олишлари ва уларни тарбиялаш масалалари тобора ижтимоий характер касб эта бошлади. Шу эса янги ижтимоий қатлам – педагогларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Кишилик жамиятининг тобора тараққий этиши педагогларнинг шахси, уларнинг мутахассис сифатидаги ўрни ва ролига бўлган ижтимоий талабни янада ошира борди. Илм-фан, техника ва технология соҳаларида рўй берган ўзгаришларнинг ҳар бири педагог фаолиятини замон талабларига жавоб бера олиши зарур эканлиги тўғрисидаги фикрни қатъийлаштирди. Шу сабабли турли замон ва маконларда педагог фаолияти, уни самарали ташкил этиш масалалари тадқиқ этила бошланди.

Замонавий шароитда педагогика олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “Педагогик маҳорат” фани бўлажак ўқитувчининг касбий малака ва маҳорат асосларини ўзлаштиришларида таянч фанлардан бири саналади. Мазкур фан доирасида бўлажак ўқитувчилар томонидан педагог техниканинг пухта ўзлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилади.

“Педагогик маҳорат: схема ва расмларда” номли методик қўлланмада “Педагогик маҳорат” фани асосларига доир маълумотларнинг бугунги кун талабига мувофиқ талабаларнинг ўқув фаолликларини ошириш, уларда фанни ўрганишга бўлган қизиқишни ривожлантиришга хизмат қилиши инобатга олинган. Фанга оид асосий маълумотларнинг схема ва расмларда берилиши талабаларда зерикишнинг олдини олади, уларни чарчашдан сақлайди. Қолаверса, ранг-баранглик улардаги қизиқишни янада кучайтиради.

Методик қўлланмада турли замон ва маконларда ўқитувчи (педагог)нинг педагогик маҳоратини ривожлантиришга қўйилган талаблар Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг бу борадаги қарашлари, замонавий талаблар нуқтаи назардан ёритилган.

1-БЎЛИМ. ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ҲАҚИДА ТУШУНЧА. ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИНГ ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Режа:

1. Педагогик фаолият, унинг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий аҳамияти.
2. Педагогик фаолиятнинг асосий йўналишлари.
3. Ўзбекистон Республикасининг таълимга оид ҳужжатларида педагогик фаолиятни ташкил этишга қўйиладиган талабларнинг ифодаланиши.
4. Педагогик билим ва педагогик тафаккур.
5. “Педагогик маҳорат” тушунчасининг моҳияти.
6. Педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмлари.
7. “Педагогик маҳорат”нинг асосий категориялари.
8. Педагогик билимдонлик.
9. Педагогик креативлик.
10. Педагогик рефлексия.
11. Педагогик маданият.
12. Педагогик маданиятнинг таркибий элементлари

1. Педагогик фаолият, унинг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий аҳамияти

Фаолият:
1) англанган мақсад билан бошқариладиган ички (психик) ва ташқи (жисмоний) ҳаракатлар йиғиндиси;
2) шахс томонидан табиий ва ижтимоий мақсадга мувофиқ ташкил этилувчи кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, кўриниши



1-расм. Шахс фаолиятининг асосий турлари



2-расм. Шахс фаолияти асосий турларининг моҳияти

2. Педагогик фаолиятнинг асосий йўналишлар

Отформатировано: узбекский (кириллица)



3-расм. Педагогик фаолиятнинг асосий йўналишлар



4-расм. Педагогик фаолият йўналишларининг моҳияти

3. Ўзбекистон Республикасининг таълимга оид ҳужжатларида педагогик фаолиятни ташкил этишга қўйиладиган талабларнинг ифодаланиши

Ўзбекистон Республикасининг
“Таълим тўғрисида”ги Қонуни (5-модда)

Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга

Педагогик ходимларни олий ўқув юртларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади

Педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишларига йўл қўйилмайди

4. Педагогик билим ва педагогик тафаккур

Билим – объектив борлиқ ҳақидаги ёки муайян (илмий, маданий, маърифий, маънавий, ҳарбий ва б.ш.) соҳаларга оид илмий, амалий маълумотлар, тушунчалар мажмуи
(Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А – Д / 5 жилдли. Биринчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 260-бет)

Педагогик билим – болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, таълим ҳамда тарбия жараёнини ташкил этиш асосида шахсни ҳар томонлама камол топтиришга доир тизимланган маълумотлар йиғиндиси



5-расм. Педагогик билимларни ўзлаштириш босқичлари

Тафаккур – ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг онгда тўлақонли акс этиши, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли

Педагогик тафаккур – педагогик жараён, вазият ва ҳодисалар моҳиятининг, шунингдек, улар ўртасидаги муҳим боғланиш ва алоқаларнинг педагог онгида тўлақонли акс этиши, янги ғояларни илгари суриш, янгиликлар яратиш, шунингдек, педагогик жараён, вазият ва ҳодисаларнинг натижаларини башоратлаш; педагогнинг мутахассис сифатидаги ақлий фаолиятининг юксак шакли

БОСҚИЧЛАР

- Педагогик жараён (вазият)ни идрок этиш
- Педагогик маълумот (ахборот)лар моҳиятини англаш
- Ўзлаштирилган педагогик билимларни мустаҳкамлаш
- Мавжуд педагогик билимларни амалий фаолиятда қўллаш
- Педагогик жараён, ҳодиса, вазиятларни таҳлил қилиш
- Педагогик жараён, ҳодиса, вазиятлар ўртасидаги боғланиш, алоқадорликни баҳолай олиш
- Педагогик жараён самарадорлигини ошириш (педагогик ҳодиса ривожини, педагогик вазиятнинг ижобий натижаланишини таъминлаш) йўлларини излаш
- Ижодий ёндашиш асосида педагогик жараён самарадорлигини ошириш (педагогик ҳодиса ривожини, педагогик вазиятнинг ижобий натижаланишини таъминлаш)га эришиш
- Педагогик жараён, ҳодиса, вазият истиқболини башоратлаш

6-расм. Педагогик тафаккурнинг ривожланиш босқичлари

5. “Педагогик маҳорат” тушунчасининг моҳияти

Маҳорат – бир иш ёки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш

Маҳорат (арабча сўз бўлиб**,** моҳирлик, усталик, эпчилликни англатади**)** – бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада орттирилган усталик, санъат, моҳирлик
(Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Е – М / 5 жилдли. Иккинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 575-бет)

Педагогик маҳорат – 1) ўқитувчининг педагогик жараённи ташкилий, методик, руҳий ва субъектив жиҳатдан ўта моҳирлик, усталик билан ташкил этиш ва бошқариш қобилияти, кўникма-малакасига эгалиги; 2) таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллай олиш қобилияти, юксак педагогик тафаккур; 3) олий таълим муассасаларида ўқитиладиган педагогик туркум фанларнинг бири

Мустақил ўқув фани сифатида **“Педагогик маҳорат”** ижтимоий фанлар туркумига киради ва бўлажак ўқитувчиларда педагогик жараённи самарали, методик жиҳатан тўғри ташкиллаштиришга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилади

“Педагогик маҳорат” фанининг мақсади – Талабаларда педагогик жараённи мустақил, ташкилий илмий-методик жиҳатдан тўғри ташкил эта олиш ва касбий-педагогик фаолиятда юқори самарадорликка эришишни кафолатловчи билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат

“Педагогик маҳорат” фанининг вазифалари:

- талабаларни педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларига доир назарий билимлар билан қуроллантириш;
- уларда педагогик фаолиятни оқилона ташкил этиш, педагогик жараённи самарали йўлга қўйиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;
- талабаларнинг педагогик ҳамкорликни қарор топтириш технологиясига оид билимларни эгаллашларини таъминлаш;
- уларда педагогик одоб ва маданият сифатларини таркиб топтириш, педагогик қобилиятни шакллантириш;
- талабалар томонидан педагогик мулоқот, педагогик назорат (такт), техника ва педагогик таъсир кўрсатиш кўникма, малакаларини етарли даражада ўзлаштирилишини таъминлаш;
- бўлажак мутахассис сифатида талабаларда педагогик маданиятни шакллантириш

6. Педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмлари

7-расм. Педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмлари

“Педагогик маҳорат” тушунчаси “Педагогика”, “Педагогик технология” ҳамда “Педагогик маҳорат” каби фанларга хос муҳим категория бўлиб, у категория сифатида ўтган асрнинг 80-90-йилларида илмий-педагогик жиҳатдан асосланган

7. “Педагогик маҳорат”нинг асосий категориялари

Маҳорат – муайян иш, хатти-ҳаракат ёки касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишига имкон берадиган билим, кўникма ва малакалар мажмуи

Педагогик маҳорат – педагог томонидан касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишини таъминловчи билим, кўникма ва малакалар мажмуи

Педагогик ижод – педагогнинг касбий жараённи самарали ташкил этишга йўналтирилган яратувчанлик фаолияти

Педагогик новаторлик – педагогик фаолиятда илғор тамойил ёки ғояни асослаш, янги йўл, усул ёки воситаларни тавсия қилиш, уларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган ижодий ёндашув

Педагогик билимдонлик – педагог томонидан мутахассислик билимларининг пухта эгалланганлиги; педагогнинг билағонлиги

Педагогик фаолият – педагог томонидан касбий мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган тизимли ҳаракатларнинг муайян шакли

Педагогик техника – педагогик фаолиятда орттирилган кўникма ва малакалар йиғиндиси бўлиб, у педагогик жараён самарадорлигини таъминлайди

Педагогик тажриба – касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнида педагог томонидан ўзлаштирилган орттирилган билим, кўникма ва малакалар мажмуи

Педагогик маданият – педагогнинг шахс ва мутахассис сифатида муайян хулқ-атвор, одоб, муомала ва хатти-ҳаракат кўникма, малакаларини ўзлаштириш даражаси

8. Педагогик билимдонлик

Педагогик билимдонлик:
1) педагог томонидан мутахассислик билимларининг пухта эгалланганлиги; педагогнинг билағонлиги;
2) педагогнинг касбий фаолиятни мавжуд ижтимоий талаб, ҳуқуқий меъёр ва стандартларга мувофиқ ташкил этишга бўлган қобиллиги, лаёқати, касбий тайёргарлик даражаси

Билимдон ўқитувчида акс этадиган сифатлар:
ижтимоий субъектлар билан ўзаро алоқада, маданий мулоқотда бўла олиш; ўқувчи билан субъектив муносабат ўрната олиш; педагогик жараёнлар моҳияти, педагогик воқеликни изчил идрок қила билиш; жаҳон педагогик маданияти асосларини, миллий педагогик тажрибани ўрганиш, уларни интеграциялаштириш асосида ўз фаолиятига татбиқ этиш; инновацион янгиликлар билан доимий хабардор бўлиш; мутахассислик йўналиши бўйича ахборотларни излаш, топиш, уларни таълим мазмунига таянган ҳолда қайта ишлаш ва касбий фаолият жараёнида улардан самарали фойдалана билиш; ўқув ахборотларини таълим олувчи (ўқувчи, талаба)ларга етказиб бера олиш; шахсий тажрибаларни умумлаштириш ва таълим олувчиларга узатиш; касбий фидоийлик, педагогик технологияларни эгаллаш борасидаги билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштириш

9. Педагогик креативлик

Креативлик (инглиз тилидан “create ” – яратиш, “creative ” яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти. П.Торренснинг фикрига кўра, креативлик ўзида муаммога ёки илмий фаразларни илгари суриш, фаразни текшириш ва ўзгаритириш, қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш, уларнинг ечимларини топиш бўйича муайян билим, ҳаракатларнинг қарама-қаршилигига нисбатан юқори даражадаги таъсирчанликни ифодалайди (http://psi.webzone.ru/st/050200.htm)

Педагогик креативлик:
1) педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти (кенг маънода);
2) аниқ белгиланган мақсадга эришиш учун мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш қобилияти сифатида, кенг маънода эса педагогик муаммоларни оқилона, устамонлик билан ҳал қилиниши (тор маънода)

10. Педагогик рефлексия

Рефлексия (лотинчадан “reflexio” – ортга қайтиш, акс этиш):
1) кишининг ўз хатти-ҳаракатлари ва уларнинг асосларини тушуниб етиши, фаҳмлашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида фаолияти (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Н – Тартибли / 5 жилдли. Учинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 380-бет);
2) шахсий кечинмалари, ҳис-туйғулари ва ўй-хаёллари моҳиятини фикрлаш орқали англаш
(Большая психологическая энциклопедия. – Москва: Эксмо, 2007. – С. 394)

Педагогик рефлексия – педагогнинг шахс онги моҳияти ва вазифаларини, шу жумладан, қадриятлари, қизиқишлари, рағбатлантирувчи омиллар, фикрлаш, идрок, қарорлар қабул қилиш, ҳиссий таъсирланиш, хатти-ҳаракатлари ва бошқаларнинг моҳиятини англаб етиши

Фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида,
Ишлаб чиқариш муносабатларининг жадаллашуви, халқ
хўжалигининг турли жабҳаларида янги технологияларнинг
жорий этилиши ва шу каби қатор омиллар инсон руҳиятига
олдингиларига қараганда кўпроқ жисмоний,
руҳий зўриқишлар бермоқда
(Oila psixologiyasi / Mualliflar: G'.B.Shoumarov va boshqalar. Prof.
G'.B.Shoumarov tahriri ostida. – Toshkent: "Sharq" NMAK, 2008. – 60-bet)

Педагог фаолиятида руҳан ёки жисмонан толиққан
ўқувчиларда руҳий ҳамда жисмоний чарчоқларни
бартараф этишга ҳам эътибор қаратиш талаб қилинади.
Мазкур талаб салбий руҳий омиллар таъсири кучайган,
катта ҳажмдаги ахборотлар билан тўқнашиш рўй бераётган
мавжуд шароитда айниқса муҳим аҳамият касб этади

Таълим олувчиларда руҳий ва жисмоний толиқишларни
бартараф этишга қаратилган педагогик фаолият
"р е л а к с о п е д и я" (лотинча "relaxation" – қувватсизлик,
заифлашиш, руҳан ёки жисмонан ҳолда тойиш; ҳолдан
тойишни бартараф этиш педагогикаси) деб номланади.
Сўнгги йиллар жаҳон таълими амалиётида ушбу
педагогика имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда

Педагогик релаксация – таълим олувчилар (ўқувчи, талаба,
тарбияланувчи)ларнг ҳиссий фаолиятини, руҳий-жисмоний
қувватини ҳамда ишчанлик қобилиятини қайта тиклаш

Мураккаб вазиятларда, мас., имконияти чеклнаган
болалар, фанларни ўзлаштира олмайдиган ёки тарбияси
оғир ўқувчилар билан ишлашда релаксопедиянинг
педагогик-психологик имкониятларидан ўринли, мақсадли
ва самарали фойдаланиш кутилган натижаларни беради

Релаксация шароитида бугунги кунда кенг оммалашган тренинг ва автотренинглар ижобий муҳитнинг ҳосил бўлишини таъминлайди. Улардан фойдаланиш вақтида ўқувчилар ташқи ва ички таъсирлардан ҳимояланган бўлиб, уларга фақатгина ўқитувчининг ишонтирувчи овозгина эшитилади. Бу эса ўқитувчининг таъсири ва унинг самарасини янада оширади

Релаксация жараёнида ўқувчилар ўқитувчининг қўллаб-қувватлашларини ҳис этишлари, унинг меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлишлари, ҳамдарлигини ҳис қилишлари лозим. Шундагина ўқувчилардаги руҳий зўриқиш, жисмоний толиқишларни бартараф этиш учун психологик муҳит юзага келади

Мушаклар релаксацияси (яъни мушакларни бўшаштириш) даврида ўз-ўзини ишонтириш ва ахборотга таъсирчанлик юқори бўлади. Шунинг учун ҳам ўз-ўзини ишонтиришга йўналтирилган тренинг ва автотренингларни ухлаш ва уйқудан туришдан олдин қўллаш самарали ҳисобланади. Мушаклар релаксацияси (яъни мушакларни бўшаштириш)нинг самарали кечиши учун ўқитувчи мушакларни бўшаштиришга ёрдам берадиган метод ва воситалардан хабардор бўлиши даркор

Ўқитувчилар ўқувчиларнинг руҳий зўриқиш ва жисмоний толиқишларини бартараф этиш мақсадида релаксация асосларини назарий жиҳатдан ўзлаштриб қолмай, улардан амалий жиҳатдан фойдаланишни ҳам билишлари зарур

Маданият – ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалар, ишлаб чиқаришда инсоният томонидан қўлга киритилган ютуқлар мажмуи

Педагогик маданият – бу педагогнинг касбий вазифаларни ҳал қилиш усул ва воситаларини ўзлаштирганлик, педагогик билимдонлик, такт, техника ва маданиятни намоён қила олишнинг юқори даражаси

Муҳим сифатлар (1)
(http://mirslovarei.com/content_eco/pedagogicheskaja-kultura- 32491.html)**:**

Ўқитувчининг умумий маданияти, у томонидан эъзозланадиган моддий ва маънавий қадриятлар, ижодий педагогик фаолияти

Педагог шахсининг тавсифи;
педагогик қадриятлар, педагогнинг фаолияти ва касбий ҳулқ-атворини ўз ичига олувчи динамик тизим:
педагогик позиция ва шахсий сифатлар;
касбий билимлар ва педагогик тафаккур маданияти;
касбий малака ва педагогик фаолиятнинг ижодий хусусияти;
шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва педагогнинг касбий хатти-ҳаракатлари маданияти

8-расм. Ўқитувчининг педагогик маданияти негизида акс этадиган сифатлар

9-расм. Ўқитувчининг педагогик маданияти негизида акс этадиган сифатлар (2)

12. Педагогик маданиятнинг таркибий элементлари



10-расм. Педагогик маданиятнинг таркибий элементлари

Педагогик маданият таркибий элементларининг моҳияти

Педагогик лойиҳалаш маданияти
У педагог томонидан ўзининг ички имкониятлари билан талаб, хоҳиш-истакларни ўзаро уйғунлаштира олган ҳолда мақсад ҳамда вазифаларни тўғри белгилай олиш, педагогик жараённи босқичлар бўйича режалаштириш, режани амалга оширишда зарур воситаларни танлаб билиш малакаси эгаликни тавсифлайди.
Лойиҳалаш маданияти, шунингдек, фаолиятга ижодий ёндашишни, янгиликларни яратишни, қатъий белгиланган меъёр ва талаблар доирасидагина эмас, балки эркин ижод қилиш қобилиятига ҳам эгаликни билдиради

Касбий билимларни пухта ўзлаштириш маданияти
Бугунги кунда инсоният улкан ҳажмга эга педагогик билимларга эга. Мазкур маданият замонавий педагог томонидан мавжуд педагогик билимларни пухта ўзлаштириш йўлида амалий ҳаракатларнинг ташкил этилаётганлигини англатади

Педагогик дунёқараш

Дунёқарашга эгалик барча соҳа мутахассисларида бўлгани каби педагог ҳаёти, фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Педагогик дунёқараш педагог ва таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлари жараёнининг мазмунини, натижаларини белгиловчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизими саналади

Фикрлаш маданияти

Педагогнинг мавжуд педагогик вазиятларни инобатга ола билиши, уларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тўғри қарорлар қабул қилиши ва уларни амалиётга самарали татбиқ эта олишини ифодалайди. Педагогик жараёнда педагогнинг фикрлаш маданиятига эгалиги уни тўғри, оқилона ташкил этишда одатий ҳамда махсус воситаларда унумли фойдалана олишида кўзга ташланади

Ҳис этиш маданияти

Мазкур маданият педагог томонидан таълим жараёни иштирокчиларининг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, ўй-фикрларини тушуна олиши, улар билан самарали мулоқотни ташкил этишини билдиради

Баҳолаш маданияти

Педагог у ёки бу педагогик воқелик, ҳодиса, жараёнлар бўйича уларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тўғри хулоса чиқариш, оқилона қарор қабул қилиш қобилиятига эгаликни намоён эта олиши зарур. У томонидан чиқарилаётган хулоса ва қабул қилинаётган қарорлар моҳиятан ахлоқий, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, диний ёки фалсафий характерга эга бўлиши мумкин

Маҳоратли педагог, айниқса, ўқувчилар фаолиятини баҳолашда хушёр, эҳтиёткор бўлиши лозим. Зеро, нотўғри қўйилган баҳо ўқувчи шахсига салбий таъсир кўрсатиб қолмай, балки унинг ўқишга бўлган қизиқишини сўндиради. Шу сабабли ўқувчилар фаолиятини баҳолашда В.А.Сухомлинскийнинг педагогик тажрибасига таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўқувчига амалий ёндашиш (“Ўқувчи бўлгандан кейин ўқиб келиш керак-да” тарзида эмас), балки унга шахс сифатида муносабатда бўлиш (“Ўқувчиларим, энг аввало, шахс, бола, сўнгра эса ўқувчи. Мен унга қўядиган баҳо унинг билимлари ўлчови эмас, балки менинг унга нисбатан инсоний муносабатимдир” тарзида ёндашиш).
2. Ҳар бир баҳо ўқувчини келажакка ишонч руҳида тарбиялаши зарур; у ўқувчининг меҳнатини рағбатлантириши, бироқ, унинг дангасалиги ва қобилиятсизлиги учун жазо воситаси бўлмаслиги зарур

Мулоқот маданияти

Таълим ва тарбия жараёни унинг иштирокчилари ўртасидаги фаол мулоқотга асослангандир. Мулоқот маданияти педагог томонидан ўқувчилар, ота-оналар, ҳамкасблар ва таълим муассасаси раҳбарлари билан фаол мулоқотни тўғри, самарали ташкил этилиши асосида таълим самарадорлигига эришилишини ифодалайди. Мулоқот жараёнининг тўғри, самарали ташкил этилиши кўзланган педагог мақсадга эришиш имкониятини юзага келтиради

Ташкилотчилик қобилияти

Педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири бўлиб, у педагог томонидан таълимий ва тарбиявий жараёнларни илмий-назарий, методик ва ҳиссий жиҳатдан тўғри ташкил этилишини билдиради

2-БЎЛИМ. ПЕДАГОГИК ФИКР ТАРИХИ ВА МАКТАБ АМАЛИЁТИДА ЎҚИТУВЧИ МАҲОРАТИ МАСАЛАЛАРИ

1-қисм. Энг қадимги даврлардан эрамизнинг VII асрларигача бўлган даврларда ўқитувчи (мураббий), шогирд ва уларнинг жамиятдаги ўрни, педагогик фаолият борасидаги ижтимоий қарашлар

Режа:

1. Энг қадимги даврлардан эрамизнинг VII асрларигача бўлган даврларда болалар тарбиясини ташкил этиш масалалари.
2. Болалар тарбиясини ташкил этишга масъул шахслар ва уларнинг фаолияти.
3. Энг қадимги даврлардан эрамизнинг VII асрларигача бўлган даврларда таълимнинг ўзига хос жиҳатлари.
4. Энг қадимги даврлардан эрамизнинг VII асрларигача бўлган даврларда ўқитувчи (мураббий)ларнинг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий мавқеи.
5. Энг қадимги даврлардан эрамизнинг VII асрларигача бўлган даврларда ўқитувчи томонидан ташкил этиладиган педагогик фаолият борасидаги ижтимоий қарашлар

1. Энг қадимги даврлардан эрамизнинг VII асрларигача бўлган даврларда болалар тарбиясини ташкил этиш масалалари

Таълим-тарбия ишларини олиб борадиган махсус мактаблар ва кишилар ибтидоий-жамоа тузумининг емирилиш даврида пайдо бўлган

Бу даврда инсониятга хос хусусият – бу гуруҳли, жамоавий тарбиянинг бошланиши бўлган. Ибтидоий-жамоа тузумига хос бўлган тарбия барчани бирдек кундалик ҳаётга тайёрлаган. Тарбиянинг табақаланишида фақат икки ҳолат – ёш ва жинс инобатга олинган
(Джуринский А.Н. История педагогики / Учебное пособие. – Москва: ГИЦ “Владос”, 1999. – С. 13)

2. Болалар тарбиясини ташкил этишга масъул шахслар ва уларнинг фаолияти

Ибтидоий тузум даврида мавжуд тажрибаларни болалар ва ёшларга беришда бажариб кўрсатиш усулидан самарали фойдаланилган. Ёши катта, тажрибали кишилар болаларга овда ишлатиладиган таёқларни ушлаш, ўлдирилган ҳайвоннинг терисини шилиб олиш, истеъмол қилинадиган ўсимликларни излаб топиш ва териш каби меҳнат фаолиятини бевосита бажариб кўрсатиш орқали болаларга ҳаётий билимларни бериб борганлар. Катталарнинг болаларга ҳиссий-психологик таъсир кўрсатишининг асосий усули бу – бирор-бир иш-ҳаракатни механик такрорлаш бўлган

Ибтидоий тарбияда болалар фаолиятини маъқуллаш, алоҳида болани тенгдошларига ўрнак қилиб кўрсатиш каби рағбатлантириш методларидан фойдаланилган. Ибтидоий тарбияда жазолаш методи ҳам қўлланилган. Бироқ, жазолаш оғир жисмоний жазо даражасида бўлмаган. Энг ёмон вазиятларда болаларнинг юзларига, тананинг бирор-бир жойига тарсаки, шапалоқ урилган. Ёки жисмонан жазолаш билан (боланинг изидан таёқ билан ерга уриш тарзида) қўрқитилган

Болаларни жисмонан жазолаш жамиятнинг табақалашуви ва ижтимоий зиддиятлар кучайган давр (эрамиздан аввалги IX-VIII асрлар)дан бошлаб кенг оммалашган. Худди шу даврда болаларга таълим бериш, уларни тарбиялашда тез-тез жисмоний жазолар қўлланила бошланган

Эрамиздан аввалги 9-8 минг йилликларда Кичик, Олд ва Марказий Осиёда ибтидоий тузумнинг ижтимоий ва мулкий жиҳатдан табақаланиши рўй берди. Асосий ижтимоий бўғин оила бўлиб қолди. Бу жараён тарбиянинг ғоя ва мазмунини ҳам ўзгартирди. Жамоанинг умумий, ўзаро тенгликка асосланган, назорат қилинадиган тарбияси табақавий-оилавий тарбияга айланиб борди (Джуринский А.Н. История педагогики / Учебное пособие. – Москва: ГИЦ “Владос”, 1999. – С. 14)

3. Энг қадимги даврлардан эрамизнинг VII асрларигача бўлган даврларда таълимнинг ўзига хос жиҳатлари

Турли табақа вакиллари – доҳийлар, коҳинлар, жангчилар ва жамиятнинг бошқа вакилларининг тарбияси ўртасида кескин фарқлар юзага келди
(Джуринский А.Н. История педагогики / Учебное пособие. – Москва: ГИЦ “Владос”, 1999. – С. 13)

Қулдорлик даврида махсус мактабларда, асосан, юқори табақа вакилларининг болалари таълим олганлар. Юқори табақа вакилларининг фарзандлари хўжалик ишларини юритиш, қулларни бошқаришга, сузишга ва жанг қилишга ўргатилган. Имкон топилиб ўқитилиши йўлга қўйилганда қуйи табақа вакилларининг болалари ўқишга, ёзишга ва ҳисоб-китобни билишга ўргатилган. Болалар тарбияси, асосан, бой ҳаётий тажрибага эга кексалар ва коҳинлар томонидан ташкил этилган

Қадимги Европа мактабларида ўқув фанлари сифатида грамматика, риторика, диалектика, арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа, тиббиёт ва архитектура каби фанлар ўқитилган

Эрамизнинг V асридан бошлаб Рим империясида етти санъат фанларини ўз ичига олган таълим дастурлари қўлланила бошлаган. Етти санъат фанлари сифатида грамматика, риторика, диалектика, арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқа эътироф этилган

Ўқув фанлари икки гуруҳга ажратилган. Улар:
1) тривиум (грамматика, риторика, диалектика) фанлари;
2) квадривиум (арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа)

Таълим-тарбия ишлари ташкил этиладиган махсус мактаблар ва бу борадаги фаолиятни олиб борадиган кишилар ибтидоий-жамоа тузумининг емирилиш даврида пайдо бўлган

Қулдорлик даврида ўқитиш асосини оддий, кўп марталик такрорлаш, луғат сўзлари, атамалари, матнлар, машқлар ва уларнинг ечимлари қаторини механик ёдлаш каби таълим методлари ташкил этган. Қулдорлик даврида ўқитишдаги тараққиёт таълимнинг бошқа методлари: ўқитувчининг ўқувчилар билан суҳбати, қийин сўз ва матнлар бўйича ўқитувчининг тушунтириши, диалог-баҳс каби методларнинг шаклланишини таъминлаган

Диалог-баҳс нафақат ўқитувчилар, ўқувчилар ўртасида, балки фараз қилинган объект билан ҳам ташкил этилган. Бунда ўқувчилар жуфтликларга бириккан ҳолда ўқитувчи раҳбарлигида маълум ҳолатларни исботлашган, тасдиқлашган, инкор этишган, нотўғрилигини исботлашган

4. Энг қадимги даврлардан эрамизнинг VII асрларигача бўлган даврларда ўқитувчи (мураббий)ларнинг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий мавқеи

Эрамиздан аввалги 3 минг йилликнинг бошида Олд Осиёда, м: қадимги Шумер давлатида “Лавҳлар уйи” (шумерчада – эдублар) ташкил этилган бўлиб, унда ўқитиш ишлари лойдан ясалган лавҳалар воситасида ташкил этилган. Дастлабки эдублар биргина ўқитувчи томонидан таълим бериладиган унчалик катта бўлмаган муассаса ҳисобланарди. Бир қадар катта “Лавҳлар уйлари” ёзишни, ҳисоблашни, расм чизишни ва бошқаларни ўргатадиган алоҳида ўқитувчиларга эга бўлганлар

Ўқувчилар ўз уйларида яшашган.
Ўқитувчининг мажбуриятлари мактабни бошқариш, ўқувчилар ўқиш-ёзишни ўрганадиган лавҳа-моделларни тайёрлаш ҳамда машқларни лавҳаларга ёзишдан иборат бўлган

“Лавҳлар уйи” каби таълим муассасаларида махсус бошқарувчи, тартиб ва интизомни назорат қилувчи шахслар ҳам фаолият олиб боришган. Таълим олиш пулли бўлган. Ўқитувчининг иш ҳақи унинг обрўсига боғлиқ бўлган. Педагогнинг ўз фарзандларига қўшимча эътибор кўрсатишлари учун ота-оналар ўқитувчига ҳадялар беришган... Мактабдаги ҳаёт ва ўқитиш катта бир оила жамоасини эслатарди. Эдубга “ота-ўқитувчи” бошчилик қилган; қолган ўқитувчилар “ота-ўқитувчининг биродарлари” ҳисобланишган

(Джуринский А.Н. История педагогики / Учебное пособие. – Москва: ГИЦ “Владос”, 1999. – С. 21-22)

“Лавҳлар уйи”да ўқитиш асосини оддий, кўп марталик такрорлаш, луғат сўзлари, атамалари, матнлар, машқлар ва уларнинг ечимлари қаторини механик ёдлаш каби таълим методлари ташкил этган. Кейинчалик таълимнинг бошқа методлари: ўқитувчининг ўқувчилар билан суҳбати, қийин сўз ва матнлар бўйича ўқитувчининг тушунтириши каби методлар ҳам қўлланилган

(Джуринский А.Н. История педагогики / Учебное пособие. – Москва: ГИЦ “Владос”, 1999. – С. 22)

Ўқитувчи ўқувчиларга қуйидаги тартибда диалогни ташкил этишни таклиф қилган:

Мен сендан сўрашни хоҳлайман,
шунинг учун мен билан гаплаш!
Мен сен билан гаплашишни хоҳлайман,
шунинг учун менга жавоб бер!
Агар сен мендан сўрамасанг,
у ҳолда мен сендан сўрайман!
Агар сен менга жавоб бермасанг, у ҳолда мен сендан
“Нима учун сен менга жавоб бермаяпсан?” деб сўрайман!

(Джуринский А.Н. История педагогики / Учебное пособие. – Москва: ГИЦ “Владос”, 1999. – С. 22)

“Лавҳлар уйи”нинг битирувчиларига алоҳида талаблар қўйилган. Улар арифметик амалларни бажариш, ёзиш, қўшиқ куйлаш ва мусиқа асбобларида куйлар чалиш, қурбонлик келтириладиган маросимларни уюштириш, турли вазиятларни муҳокама қилишга доир кўникма, малакаларини пухта ўзлаштира олган бўлишлари зарур эди

Қадимги Европа мактаблари унчалик катта бўлмай, 25-50 нафар ўқувчи ва бир нафар ўқитувчидан ташкил топган. Ўқувчилар кўп ҳолларда ўқитувчининг уйида ўқитилган, дарслар баъзан шаҳар кўчаларида ташкил этилган. Ўқитувчининг ўзи баланд стулда, ўқувчилар унинг атрофида пастдаккина курсиларда ўтирган. Китоблар жуда кам бўлиб, ўқувчилар билимларни ўқитувчининг нутқи ёрдамида ўзлаштирганлар. Дафтарларни тиззаларига қўйиб ёзишган. Турли ёшдаги болалар бир вақтнинг ўзида шуғулланишган. Бир ўқувчи жавоб бераётганда, қолганлар машқларни бажаришган. Дарслар кун бўйи давом этган. Фақат тушликда ўқувчиларга овқатланиб олиш учун вақт берилган. Таътиллар бўлмаган. Ўқувчилар шаҳар ёки оилавий байрамлардагина дам олишган

Қадимги Афинада эркин фуқароларнинг болалари 7 ёшигача оилада тарбияланган. Кейин болаларни педагог (грекча “пайдагогос” – бола етаклайман) деб номланувчи қуллар назорат қилиб боришган. Педагог сифатида кўп ҳолларда хўжаликда фойда келтирмайдиган қуллар танланган. Бундан ҳам англанадики, педагогнинг ўзи болаларни самарали тарбиялай оладиган даражада сифатларга эга бўлмаган

5. Энг қадимги даврлардан эрамизнинг VII асрларигача бўлган даврларда ўқитувчи томонидан ташкил этиладиган педагогик фаолият борасидаги ижтимоий қарашлар

Қадимги Европада, Афина мисолида айтиладиган бўлса, ўқитувчининг ижтимоий мақоми, айниқса, бошланғич мактабларда ниҳоятда паст бўлган. Унга ниҳоятда кам ҳақ тўланган. Ўқитувчи ўша даврнинг унчалик маҳоратли бўлмаган ҳунарманди билан бир хил ҳақ олган. Шу боис Афинада “У ўлди ва ўқитувчи бўлди” деган мақол шаклланган

Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш ғояси дастлаб эрамиздан аввалги III-II асрларда Афинада асосланган. Унга кўра ҳар бир эркин ва Афина фуқароси бўлган шахс ҳар томонлама ривожланиш ҳуқуқига эга бўлган. Афинада ҳар томонлама ривожланиш деганда шахснинг интеллектуал ва жисмоний ривожланиши (танани тўғри парваришлаш) назарда тутилган

2-қисм. Шарқ мутафаккирлари асарларида таълимни методик жиҳатдан тўғри уюштириш, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатни оқилона ташкил этиш, мударрисларни танлаш ва уларнинг маҳоратига қўйиладиган талаблар ҳақидаги илғор фикрлар

Режа:

1. Муҳаммад ал-Хоразмийнинг таълим-тарбияга муносабати.
2. Абу Наср Форобий ва таълим жараёни.
3. Абу Райҳон Беруний таълимотида таълим масалаларининг ўрни.
4. Абу Али ибн Сино қарашларида ўқитувчи фаолияти.
5. Юсуф Хос Ҳожибнинг педагогик фаолиятга ёндашуви
6. Мирзо Улуғбекнинг устозлик фаолияти.
7. Алишер Навоий талқинидаги ўқитувчи образи.
8. Унсурул Маолий Кайковуснинг устоз-шогирдлик ғоялари.
9. Абдулла Авлоний ҳаётида педагогик фаолиятнинг ўрни

1. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (783-850 йиллар)нинг таълим-тарбияга муносабати

Буюк математик Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий тахминан 783 йилда Хоразмда туғилган. Отаси ўқимишли киши бўлганлиги сабабли бошланғич маълумотни ўз уйида олган. Отаси қадимги диний урф-одатлар, ерли халқ ёзувларини билган. Диний ва илмий адабиётлардан хабардор бўлган. Бўлажак аллома болалигидаёқ илмий манбаларни ўрганиш имконига эга бўлган. Математика билан жуда жиддий шуғулланган. Соҳага оид барча асарларни қунт билан ўрганган. У араб, форс, юнон тилларини ҳам ўрганиб, бу тилларда яратилган асарларни ўқий олган. Аллома “Ал-жабр ва ал-муқобала” асари билан математика фанининг ривожига улкан ҳисса қўшган. Асарда математик амалларнинг амалиётда, кундалик турмушда фаол қўллаш усулларини баён этилган. “Ал-жабр” кейинчалик математика фанининг алоҳида бўлимига айланиб, “Алгебра” деб номланган

Ал-Хоразмий ўз асарларида математик ҳисоб-китобларга оид қоидаларни, энг аввал, аниқ тарифлайди, сўнгра уларни муайян мисоллар ёрдамида тасвирлайди. Ҳисоб-китобларни амалга оширишда йўл қўйилиши мумкин бўлган кўплаб хатолар тўғрисида огоҳлантиради. Кўп хонали сонлар устида амалларни бажаришда дастлаб катта қийматлар асосидаги (чапдаги қийматлар бўйича) ҳисоб-китобни олиб боришн и тавсия этади. Машҳур немис математиги Г.Ганкель (1839-1873 йиллар) Ал-Хоразмий асарларида келтирилган математик қоидаларнинг на ҳиндлар, на юнонларга тегишли китобларда эътироф этилмаганлигини кўрсатади

Улуғ мутафаккир Ал-Хоразмий ижодининг энг юксак намунаси алгебранинг бошланғич асосларига оид “Ал-жабр вал-муқабала” асари саналади. Мазкур асар ўша даврнинг анъанасига мувофиқ Боғдод халифаси Маъмунга бағишлаб ёзилган. Асарнинг сўзбошисида аллома қуйидагиларни баён этган: “Мен бу мўъжазгина рисолани ҳисоблаш фанида бир қадар осон ва фойдали бўлиш билан бирга кишиларга кундалик турмушда асқотадиган мерос, мерос солиқлари, мулкни бўлиш, судлов жараёни, савдо-сотиқ ва барча ишчанлик харктерига эга ўзаро муносабатлар – ер ўлчаш, каналлар қазиш, геометрик ҳисоб-китобларнини олиб бориш ҳамда бошқа турли фанларга доир амаллар асосида яратдим”

Мутафаккирнинг фикрига кўра, а л г е б р а – тенгламалар тўғрисидаги фан саналади. Мутахассисларнинг эътироф этишларига кўра Ал-Хоразмийга қадар тенглама математикада заррача бўлса-да, аҳамиятли роль ўйнамаган, матеатик амаллар тасодифий ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилган. Масала ва мисолларни ечишда умум томонидан эътироф этилган методлар мавжуд бўлмаган. Бинобарин, алгебра фан сифатида шаклланмаганди

Шуни алоҳида эътироф этиш лозим, Ал-Хоразмийнинг буюк хизматлари туфайли Алгебра (лотинча “Алгоритмус” – Алгоритм) Марказий Осиёда пайдо бўлиб, фан сифатида шаклланди ва Ер юзига ёйилди

2. Абу Наср Форобий (873-950 йиллар) ва таълим жараёни

Абу Наср Форобий 873 йилда Сирдарё бўйида жойлашган Фороб қишлоғида туғилган. Бўлажак аллома бошланғич маълумотни ўз юртида олган. 5 ёшда ёзиш ва ўқишни билар эди. Жуда ёшлигидан ўрта аср фанларини чуқур ўрганган. Илмий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида 10 ёшида Шош, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларга келиб таълим олган. Бироқ, бу ерларда илмга бўлган чанқоғини қондира олмади. Шу сабабли Эроннинг Рай, Ҳамадон шаҳарларида бўлиб, умрининг 40 йилдан ортиғини Бағдодда ўтказган

Бир вақтнинг ўзида араб, форс, юнон тилларини ўрганган. Улуғ аллома гарчи аниқ фанлар – илми нужум, риёзиёт, мусиқа, табобат фанларига қизиқса-да, кўпроқ фалсафа илми билан шуғулланган. Тарихий манбаларга кўра Бухорода бўлган кезларида Бухоро амири Мансур ибн Нух Сомонийнинг илтимосига кўра фалсафий асари – “Ат-тахлимий”ни ёзган. Мазкур асари туфайли “Муаллим ас-соний” (“Иккинчи муаллим”) номини олган. Аллома 70 дан ортиқ тилда сўзлаша олган, 160 дан ортиқ асарлар ёзган. Бизгача алломанинг 40 га яқин асари етиб келган, холос

Абу Наср Форобий томонидан яратилган асарларни уларнинг мазмунига кўра етти гуруҳга бўлиш мумкин. Бу каби туркумлашда асосий ўринни тарбия масаласига бағишланган асарлардан иборат еттинчи гуруҳ эгаллайди. Бу гуруҳга алломанинг “Бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида рисола”, “Фозил одамлар шаҳри”, “Фазилатли хулқлар”, “Шаҳарни ўрганиш ҳақида” каби асарлар киритилади

Абу Наср Форобий ижтимоий фанлар йўналишида биринчи бўлиб, “таълим” ва “тарбия” тушунчаларини таърифлаган

Таълим – сўз ва ўрганиш билангина амалга оширилади

Тарбия – амалиёт, иш-тажриба билан, яъни шу йўл орқали амалга оширилади

Инсоний фазилатлар:
1. Фикрий фазилат. 2. Хулқий фазилат

Фикрий фазилат ақлий қувватга кириб, ақллилик, донолик фаҳм-фаросатлилик зеҳнлиликдан иборат

Хулқий фазилат – интилувчи қувватга кириб иффат, шижоат, саҳийлик ва адолатлиликни ўз ичига олади

Абу Наср Форобий фикрига кўра, энг ёмон фазилат разилликдир

Тарбия муаммоси алломанинг фалсафий билимлари тизимида алоҳида ўрин тутади. Унинг концепциясига кўра тарбиянинг мақсади – инсонда эзгу ишларни амалга оширишга имкон берадиган яхши фазилатларни тарбиялаш орқали уни бахтга олиб бориш ҳисобланади. Бироқ, яхши фазилатларга эга бўлиш учун инсон ўзида ахлоқни ҳосил қилувчи билимларни ўзлаштира олиши лозим

Улуғ мутафаккирнинг илмий асарларида билиш орқали яхши фазилатларни ўзлаштиришга оид методлар ёритилган

Тарбия методларининг
асосий турлари

“Юмшоқ” методлар

Агар тарбияланувчилар ўзлари фанларни ўзлаштириш хоҳишларини намоён этсалар, меҳнат қилишга ва эзгу ишларни амалга оширишга рағбат билдирсалар, бундай ҳолатда уларнинг интилишларини кучайтирувчи “юмшоқ” методларни қўллаш ўринлидир

“Қаттиқ методлар”

Агарда васийликка олинган шахс (бола)ларнинг ўзлари ёмон феълли, дангаса бўлсалар, уларга нисбатан “қаттиқ” методларни қўллаш, уларни яхши фазилатларни эгаллашга мажбур қилиш мақсадга мувофиқ саналади

Мазкур методларни қўллашда тарбиячининг ўзида мавжуд бўлган ахлоқийлик даражасини аниқлаб олиш лозим. Шу сабабли тарбиявий фаолият тарбияланувчи эга бўлган тажриба билан тарбиячининг чуқур, кенг билим ва юқори ахлоқий сифатларга эгалигининг ўзаро мувофиқ келишини тақозо этади

Шарқнинг бошқа мутафаккирлари қатори Абу Наср Форобий ҳам тарбия мақсади ва воситаларини ўрганишда сезиларли даражада Аристотелнинг ғояларига таянади, яъни, ахлоқийлик инсоннинг психологик-биологик хусусиятларига кўра мерос бўлиб ўтмайди, балки режали бажарилган машқлар ва одатларнинг “изи” саналади

Шарқ алломалари қадимги юнон олимларининг ғояларига юксак даражада ҳурмат кўрсатганликларига қарамай, айрим қарашларга қўшилмайдилар. Бу ўринда Абу Наср Форобий Аристотелнинг ахлоқий қоидалар ва уларнинг мажмуини ёритувчи илмий ишлари универсал ва мутлоқ характер касб этишини таъкидлаб ўтади

Алломанинг фикрига кўра, ҳар қандай ахлоқий фазилат ҳам қийин вазиятларда ўзгариши мумкин. Қалби эзгуликларга тўлган, долзарб ахлоқий йўналиш олмаган, ҳиссий кечинмалари етарли даражада намоён бўлмайдиган бола учун ҳам унга ижобий таъсир кўрсата оладиган муҳит яратилиши зарур. инсоннинг ахлоқий қиёфасини яратишда муайян муҳитда шахслар ўртасида намоён бўладиган ўзаро муносабатлар ва инсон иродаси ҳал қилувчи омил саналади

Аллома билимларни ўзлаштиришда қуйидаги уч ўзгармас шароитлар мавжуд бўлиши зарурлигини кўрсатади:

- қатъий қоидалар, тамойилларга мувофиқ раҳбарлик қилиш;
- муайян фанга тааллуқли амалий натижалар асосидагина хулосалар чиқариш;
- бошқаларнинг фикр-мулоҳазаларига танқидий ёндашиш

3. Абу Райхон Беруний (973-1048 йиллар) таълимотида таълим масалалари ўрни

Абу Райҳон Беруний 973 йил 4 сентябрда Хоразмда туғилган. Ёшлигидан илм-фанга, айниқса, аниқ фанларга қизиққан. Математика, география, юлдузлар илми, тиббиётга оид кўплаб китобларни ўқиган. Форс ва араб тилларини ва қадимги аждодлар тилларини қунт билан ўрганиб, бир неча йил коинот, металлар ва қимматбаҳо тошлар устида кузатишлар, тажрибалар олиб борган. Кейинчалик тадқиқотлари асосида “Минерология” асарини яратган. Унинг “Геодезия” асарида география ва астрономия фанлари билан бир қаторда полеонтологик кузатишлари натижалари ҳам баён қилинган

11-расм. Абу Райҳон Берунийнинг ёндашувига кўра билимларни эгаллашнинг йўллари

Хулоса чиқариш – Абу Райҳон Беруний фаолиятининг характерли хусусияти ва у томонидан қўлланилган асосий илмий метод саналади

Назария ва амалиёт бирлигининг аҳамиятини таъкидлар экан, аллома, шундай ёзади: тиббиётини такомиллаштириши учун зўр бериб уринаётганликлари туфайли табиблар ўзларига кўпроқ ҳурмат кўрсатилиш ҳуқуқига эгадирлар. Чунки, улар фанни назариянинг қанотларида кўтарсалар-да, бироқ, амалиётга татбиқ этадилар”

“Юлдузлар ҳақидаги фан” асарида Абу Райҳон Беруний предметларни изчил ўрганиш зарурлиги тўғрисида қуйидагича тушунтириш беради: “Мен аввал геометрияни, кейин арифметика ва сонларни, сўнгра оламнинг тузилишини, ва ниҳоят юлдузларнинг жойлашувини ўргандим. Кимки билимларни шу тартибда, ана шу тўрт фанни мукаммал ўрганса, фақат угина астролог (юлдузшунос) мақомини олишга муносибдир”

Аллома ўқитишда кўргазмалиликнинг муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, кўргазмали бўлиши таълимнинг ҳаммабоп, аниқ ва қизиқарли бўлишини таъминлайди, кўргазмалилик асосида инсон тафаккури ривожланади. Мутафаккирнинг “Юлдузлар ҳақидаги фан” номли асарида кўргазмалиликнинг аҳамияти чизмалар, расмлар ва фойдаланиш учун қулай бўлган жадваллар асосида кўрсатиб берилган. Кўргазмалиликнинг аҳамиятини кўрсатар экан, Абу Райҳон Беруний қуйидагиларни ёзади: “Инсон қачонки, зоҳиран (шаклан) кўришга одатланар экан, у ҳақида фикрлашни осон ўзлаштиради”

Алломанинг ишларида материални баён қилиш ва уни етказишда изчиллик ва тизимлиликка эришишни кўргазмалиликдан кам баҳоламаган. У инсоннинг илмий фаолияти фаннинг бошланғич асосларига таянмас экан, бефойда бўлиб қолади, деб ҳисоблайди: “Кўп ҳолларда кишилар ишни ким қойилмақом қилиб бажарадиган бўлса унга топширмайдилар. Улар кўпроқ муайян фан бўйича заррача нарсани билсалар ҳам ўзларига ўзлари тан беришни ёқтирадилар ва ҳеч бир бошланғич негиз бўлмаса-да, фаннинг қолган асосларини ҳам ўзлаштира оламан, деб ҳисоблайдилар

Абу Райҳон Беруний таълим ҳамиша қатъий илмий асосларга таяниши кераклигига алоҳида урғу беради. Ўзнинг “Хронология” асарида илмий асосланганлик ва аниқлик тўғрисида тўхталиб ўтар экан, аллома инсон ўзини қачонки аниқ далилларга эга бўлмагунча, шубҳалиларни шубҳасиз, ишончсизларни ишончли, номаълумларни маълум бўлишига қадар асоссиз бўлган маълумотларга эга бўлишдан чеклаши зарурлиги уқтиради

Ўзининг “Минералогия” асарида билимларни эгаллашнинг завқи ҳақида қуйидагиларни айтади: “Муайян мақсадга интилиш истаги кучаяди, қачонки инсон унга эга бўлса. Шунгагина ҳақиқий завқни ҳис қилиш мумкин. Инсон қалбининг ҳолати шундай, аввал билмаганларини билганида завқ-шавққа тўлади”

Аллома таълимнинг асосида илмийлик ётиши зарурлигини уқтирар экан, таълим жараёни қуйидаги тамойиллар асосида кечишиг зарурлигига эътиборни қаратади: кўрсатмалилик, изчиллик, тизимлилик. Шунингдек, у мақсадга мувофиқликнинг таълимни самарали ташкил этишдаги аҳамиятини юқори баҳолайди

12-расм. Илмий билимларни эгаллаш йўллари, усуллари (Абу Райҳон Берунийнинг ёндашувига кўра)

4. Абу Али Ибн Сино (980-1037 йиллар) қарашларида ўқитувчи фаолияти

Абу Али Ибн Сино 980 йилда Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида кичик амалдор оиласида дунёга келади. Унинг отаси Абдуллоҳ ўзи ва дўстлари билимдон кишилар бўлиб, улар томонилан ташкил этилган илмий мунозараларида ёш Ибн Сино ҳам қатнашар эди. Бундай оилавий муҳит, қолаверса, Бухоро шаҳрида кўплаб мадрасалар, касалхона ва нодир китоблар сақланадиган кутубхоналарнинг мавжудлиги иқтидорли Ибн Синога ижобий таъсир кўрсатади. Мактабда ўз даврининг машҳур кишилари қўлида таҳсил олган. М: Абдуллоҳ Нотилийдан фалсафа, мантиқ, ҳандаса, бухоролик Абу Мансур Қамарийдан тилга оид сабоқларни ўзлаштирган

IX аср охири ва X аср бошларига келиб ўлкада сиёсий, ижтимоий вазият мураккаблашади. Шунинг учун Ибн Сино Хоразмга – Урганчга кўчиб ўтади. Хоразмда бир қатор олимлар билан ҳамкорликда Абу Райҳон Беруний бошқараётган “Маъмун академиясида” илмий иш билан шуғулланади. Йирик асарлари – “Тиб қонунлари”, “Аш-Шифо” устида иш олиб боради. Ибн Сино фаннинг турли соҳасига оид 450 дан ортиқ асар яратади. Лекин бизгача 250 га яқини етиб келган бўлиб, улардан 50 дан ортиқ қўлёзмалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг китоб фондида сақланиб келмокда

Аллома таълим-тарбияга оид кўплаб асарларни яратган. М: “Тадбир ал-Манозил” (“Турар жойни бошкариш”), “Ахлоқ ҳақида рисола”, “Бурч ҳақида рисола”, “Нафсни покиза тутиш”, “Баданни бошқариш”, “Адолат ҳақида китоб”, “Ал-қонун”, “Ишқ ҳакида рисола”, “Ҳай ибн Якзон”, “Зиёрат қилишнинг маъноси ҳақида”, “Ан-Нажот”, “Аш-Шифо”, “Донишнома”

Улуғ мутафаккир ўзининг “Ахлоққа оид рисола”сида инсоннинг умумий фазилати ҳакида гапириб, кишиларда юз берадиган яхши ва ёмон хулқларнинг пайдо бўлиш сабаблари тўғрисида тўхталади. Унинг фикрича, яхши ва ёмон хулқларнинг ҳаммаси одатдан пайдо бўлади, инсонларнинг яхши ёки ёмон бўлишида ҳукумат аҳлларининг таъсири ҳам каттадир.
Ибн Сино ахлоқий хислатлар – иффат, қаноат, сахийлик, шижоат, сабр, мулойимлик, сирни сақлай билишлик, илм- маърифатли бўлиш, камтарлик, адолатлилик, дўстлик, вафодорлик каби ахлоқий категорияларга таъриф беради

Аллома томонидан ижобий хислатларнинг таърифланиши

Жасурлик – бирор ишни бажаришда кишининг жасурлиги

Чидамлилик – инсон бошига тушган ёмонликни тўхтатиб турувчи қувват

Ақллилик – бирор ишни бажаришда шошма-шошарлик қилишдан сақловчи қувват

Зийраклик – сезги берган нарсаларнинг ҳақиқий маъносини тезлик билан тушинишга ёрдам берувчи қувват

Ибн Синонинг фикрича, инсонлар хулқ-атворида бирмунча нуқсонлар бор. Булар – алдаш, рашк, ўч олиш, адоват, бўҳтон, иродасизлик кабилардир

Улуғ мутафаккир фанлар тавсифига ҳам тўхталиб ўтиб, унга кўра биринчи ўринга тиббиёт фанларини, иккинчи ўринга эса фалсафани қўяди. Фанларни: назарий ва амалий фанлар сифатида икки гуруҳга ажратади.
1-гурух: этика, игхтисод, сиёсат;
2-гуруҳ: физика, математика, метафизика, табиий қонуниятларини ўрганувчи фанлар киради

Аллома болаларни жамоа бўлиб мактабда ўкитиш зарурлигини уқтириб, унда куйидагиларга риоя этиш зарур деб ҳисоблайди

- болага билим беришда бирданига китобга банд килиб кўймаслик;

- таълимда енгилдан оғирга бориш оркали билим бериш;

- олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос бўлиши;

- ўкитишда жамоа бўлиб мактабда ўқитишга эътибор бериш;

- билим беришда болаларнинг майли, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;

- ўқитишни жисмоний машқлар билан кўшиб олиб бориш

Абу Али ибн Сино педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш юзасидан ўқитувчиларга амалий тавсияларни беради
(Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – 75-бет)

Амалий тавсиялар

Болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш.

Берилаётган билимнинг талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш.

Таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш.

Талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиши.

Фанга қизиқтира олиш.

Берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажрата бера олиш.

Билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш.

Ҳар бир сўзни болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эътибор бериш

5. Юсуф Хос Ҳожиб (тах. 1019- в.э.й. номаълум)нинг педагогик фаолиятга ёндашуви

Мутафаккир – Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар бизгача тўлиқ етиб келмаган. Бу тўғрисидаги маълумотларни алломанинг асарларида баён этилган фикрлардан билишимиз мумкин

Улуғ мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб тахминан 1019 йилда ҳозирги Хитойнинг Қашқар вилояти (Қўз Ўрду, яъни Боласоғун шаҳри)да туғилган

Маълумки, ҳар бир давлат ўзининг мамлакатни идора қилиш усули, сиёсати ҳамда тарбия тамойиллари ифодаланган қомус – Низомномага эга эди. Эрамизнинг X асрида Қорахонийлар давлатини бошқаришда ҳам ана шундай Низомномага эҳтиёж сезилди. Улуғ мутафаккир ана шундай заруриятни инобатга олган ҳолда ўзининг машҳур “Кутадғу билиг” (1069-1070 йиллар) асарини яратган. “Қутадғу билиг” – “Бахт-саодатга элтувчи билим” маъносини англатади

Асарда аҳолининг ижтимоий табақа, тоифалари, турли табақа ва тоифа кишиларига хос хулқ-атвор, яшаш тарзи, Қорахонийлар давлатини мустаҳкамлаш имконини берадиган бошқарув усуллари, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланиш йўллари, комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш шартлари тўғрисида сўз юритилади

Асар 6500 байтдан ёки 13.000 мисрадан иборат бўлиб, мазмуни 73 бобда ёритилган. Адиб асарни қорахонийлар давлатининг ҳукмдори Тавгач (Тавгоч)хонга тақдим этган. Ҳукмдор эса алломага Хос Ҳожиб унвонини берган

Асарнинг мундарижасидан унда ёритилган ғоялар кенг қамровли эканлигини англаш мумкин. Унда тиббиёт, фалакиёт, тарих, табииёт, география, риёзиёт, ҳандаса, фалсафа, адабиёт, таълим-тарбия, дипломатия, фиқҳ соҳасига оид фикрларни баён этилган

Асар қаҳрамонлари

Кунтуғди (ҳукмдор) – адолат рамзи

Ойтўлди (вазир) – давлат ва бахт рамзи

Ўгдулмиш (вазирнинг ўғли) – ақл рамзи

Ўзғурмиш (вазирнинг қариндоши) – қаноат тимсоли

Асар ғоялари қаҳрамонлар ўртасидаги ўзаро с у ҳ б а т – савол-жавоблар асосида очиб берилади

Буюк мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” китобининг анъанавий бошламасидан кейиноқ инсоннинг ҳақиқий бахти билимда эканлигини баён этади. У илм, заковатнинг аҳамияти ҳақида фикр юритиш билан бирга унга алоҳида боблар ҳам бағишланган. Лекин олим фақат илм-маърифатнинг аҳамиятини кўрсатибгина қолмайди, у билим ва заковатнинг амалиётдаги ўрнини ҳам ёритади (Ҳошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи / Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Тошкент: “Маънавият” нашриёти, 2005. – 112-бет)

Асарда юксак ахлоқий фазилатлар сифатида инсонийлик, ростгўйлик, тўғрилик, софлик, меҳр-муҳаббат, вафо, шафқат, мурувват, инсоф, адолат, ишонч, садоқат, хушмуомалалик, ширинсўзлик, саховат, мардлик, ҳимматлилик, тавозе, ҳурмат ва эҳтиром, тадбиркорлик кабилар улуғланади. Ёлғончилик, ноинсофлик, фисқу фасод, бевафолик, меҳрсизлик, дағаллик, қўполлик, бахиллик, номардлик, уқувсизлик, ҳурматсизлик, нодонлик, жоҳиллик, ҳаромхўрлик, очкўзлик каби иллатлар қораланади

“Қутадғу билиг”да яна жумбоқларни ечиш усулларидан ҳам фойдаланилган. Бу услуб ўқувчини асарга қизиқтиради, уни ўқимишли қилади. Ҳозирги даврда бу муаммоли таълим деб юритилади. Аммо тарбия ва таълим меросимизда жумбоқ-муаммоли таълим ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, асардаги Кунтуғмиш (Элиг) билан Ойтўлди мунозарасини олайлик. Бу мунозарада олим қуйидаги фикрни илгари суради: Элиг Ойтўлдига ўрин берганда ўтирмагани, “хон ёнида менга ўрин йўқ”, -деган эди. Ерга копток қўйгани ва унга ўтиргани билан Ойтўлди -давлат копток каби барқарор эмас, бир жойда турмайди, дегани. Элиг боққанда кўзини юмиб олгани – давлат ҳам кўр киши каби бўлади, кимга илашса, унга қаттиқ ёпишиб олади, деган эди. Юзини яширгани эса, барча қилмишларим - яъни давлат жафо, унга ишонма, дегани, деб киши давлат ва бахтга қувониб кетмаслиги, улардан қувониб, ортиқча ғурурланиб кетмай, аксинча, ўзини эҳтиёт қилиши, йиғилган нарсаларни меъёрида сарфлаши, бехуд бўлиб, ичкиликка берилмаслиги, нарсаларни совурмаслиги керак деб кўрсатади

(Ҳошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи / Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Тошкент: “Маънавият” нашриёти, 2005. – 116-бет)

6. Мирзо Улуғбек (1394-1449 йиллар)нинг устозлик фаолияти

Муҳаммад Тарағай Улуғбек Шоҳрух Мирзонинг тўнғич ўғли бўлиб, 1394 йилиинг 22 мартида Эроннинг ғарбидаги Султония шаҳрида (бобоси соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юриши пайтида) таваллуд топган. Унга Муҳаммад Тарағай деб исм берилди. Лекин уни бобоси алоҳида меҳр билан Улуғбек деб атайвергани учун асосий исми Улуғбек бўлиб қолган ва шу ном билан шуҳрат қозонган. Улуғбекнинг болалик йиллари бобоси Темурнинг ҳарбий юришлари даврига тўғри келади. Унинг тарбияси билан бувиси Сароймулкхоним шуғулланган. 1405-1411 йилларда, ўша даврнинг қонун-қоидаларига биноан амир шоҳ Малик ёш мирзога отабеги бўлиб тайинланган. Отабеги Улуғбекка ҳарбий ва сиёсий билимларни ўргатган

Ўрта асрларга оид манбаларда кўрсатилишича, салтанат ворислари давлатни бошқаришда муайян тартиб-қоидалари баён қилинган қўлланмалардан хабардор бўлишлари керак бўлган. Ёш Улуғбек ҳам ана шу анъанага кўра шаҳзода ва хонзодалар билиши зарур бўлган “Сулук ул-мулк” (“Подшоҳлар учун қўлланма”) асарини мукаммал ўрганиб, давлатни идора қилиш санъати, турли лавозимлар эгаллаш, элчиларни қабул қилиш, хайр-эҳсон, садақа бериш каби тартиб-қоидаларга оид кўникмаларни ўзлаштиради

Улуғбек ёшлигиданоқ математика ва астрономия илмларига қизиққан. Бобосининг хос мунажжими – Мавлоно Бадриддин Тусий билан кўп вақтини ўтказиб, ундан ҳисоб ва тавқимдан дарс олди. Кечалари юлдузларнинг ўрни ва ҳаракатини кузатиш билан машғул бўлди. Шу сабабли Улуғбек болалик йилларидаёқ мавлоно Бадриддин Тусий ёрдамида Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Насриддин Тусий, Абу Райҳон Беруний, Умар Ҳайём асарлари, шунингдек, “Зижи Маликшоҳи” рисоласи билан танишган

Улуғбекнинг ташаббуси билан ўлкада илм-фан, адабиёт, санъат ривожланди. Истеъдодли олим ва ижодкорларни тўплаб, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун шароит яратиб, маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб турди. Унинг раҳномолигида меъморчилик равнақ топиб, Бухоро, Самарқанд ва Ғиждувон шаҳарларида мадрасалар, Марвда хайрия муассасалари, “Чихл устун” (“Қирқ устун”), “Боғи майдон” каби боғлар барпо этилади. 1424 йилда Самарқандда, Обираҳмат ариғи бўйича р а с а д х о н а қурдирди

Расадхонада 1018 юздуз ҳолати ва харакатини аниқланди, астрономияга оид бир неча асарлар, жумладан, жаҳонга машҳур “Зижи Кўрагоний” яратилди

Мирзо Улуғбек “Билим олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир” деган шиорни илгари суриб, уни мадрасанинг пештоҳига ёздириб қўяди

Мадрасалардаги ўқитиш тизимини ислоҳ қилиб, унда фалакиёт, математика, география каби аниқ фанларни ўқитишни жорий эттирди. Натижада таълим мазмуни, сифати яхшиланди, мадрасалардаги таълим муддати 15-20 йилдан 8 йилга туширилди

Алломанинг педагогик қарашларида болаларнинг жисмонан соғлом, ҳарбий ҳунарни пухта эгаллаган, жасур, мард бўлиб етишувига алоҳида аҳамият берилган. Мирзо Улуғбекнинг фикрича, таълим-тарбияда математика, фалакиёт фанлари муҳим аҳамиятга эга, зеро, бу фанлар боланинг ақлий салоҳияти ва қобилиятини ўстиришда муҳим восита бўлса, тарих ва адабиёт фанлари эса болаларнинг ватанпарвар бўлиб етишишларига хизмат қилади

Улуғ аллома ахлоқий масалаларга тўхталар экан, бунда инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабат, дўстлик ва биродарлик алоҳида аҳамият касб этиш кераклигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳақиқий ва сохта дўстларни ажрата олиш лозим. Ғаразли киши ҳеч қачон дўст бўлмайди, аксинча, ғаразгўй киши бошқаларни тўғри йўлдан оздиради. Дўст танлашга эътибор берилмас экан, сохта дўстлар кўпаяди. Бу эса одамлар ўртасида нопок манфаатларнинг ривожланишини таъминлайди. Шу боис ғаразгўй кишилардан қандай йўл билан бўлса-да, йироқ бўлиш, касби ва хулқ-атвори яхши, ҳамма ҳурмат қиладиган, хушфеъл киши билан дўстлашиш лозим, дея таъкидлайди

Беғараз дўстлик ва ҳамкорликнинг ёрқин намунасини Мирзо Улуғбек ва алломанингсевимли шогирди Али Қушчи муносабатларида ҳам кўриш мумкин. Агар Али Қушки умрининг охиригача алломага содиқ қолган бўлса, Мирзо Улуғбек ўзининг машҳур асари “Зижи Кўрагоний”ни унга ишониб топширган

Мирзо Улуғбек таълим-тарбияда порахўрлик, қаллоблик бўлмаслиги зарур эканлигини уқтиради. Мударрислар одил ва ҳалол бўлишга, ўз педагогик маҳоратларини, билимларини ошириб боришга, ҳар бир машғулотни юқори савияда ташкил этишга даъват қилади. Алломанинг фикрича, шундагина ўқувчиларда билим олишга нисбатан қизиқиш ошади. Энг муҳим қоида: тарбиячи аввал ўзини тарбиялаши, билим ва малакаларини пухта эгаллаши лозим

Аллома, шунингдек, таълимда дарсликларнинг ўрнини муҳим деб билади. Шунинг учун дарслик мазмунига катта эътибор беради ва муаллифлар олдига жиддий талаблар қўяди. Мирзо Улуғбекнинг фикрича, дарслик ҳаёт ҳақиқатидан узоқ бўлмаслиги, содда, тушунарли тилда ёзилиши лозим

7. Алишер Навоий (1441-1501 йиллар) талқинидаги ўқитувчи образи

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Темурийлар давлатининг пойтахти Ҳиротда туғилган. Отаси Ғиёсиддин Муҳаммад замонасининг билимдон кишиларидан ва Темурийлар хонадонига яқин шахслардан бўлган. Ёш Алишернинг отаси унинг иқтидорини зукколик билан англаган ҳолда ҳар томонлама камол топиши учун зарур шарт-шароитни яратишга ҳаракат қилган. 1449 йилда сал кам 40 йил ҳукмронлик қилган Шоҳрух Мирзо вафотидан кейин мамлакатда тартибсизликлар бошланди. Шу сабабли Алишерлар оиласи 1449 йилда оиласи билан Ироққа кўчди. Кўчиш вақтида Алишер “Зафарнома” асарининг муаллифи Шарофиддин Али Яздий билан учрашишга муваффақ бўлган

1452 йилда тахтга Абулқосим Бобур Мирзо ўтирганидан кейин, Алишернинг отаси Сабзавор шаҳрига ҳоким этиб тайинланди. Аммо кўп ўтмай, у вафот этди. Шундан сўнг Абдулқосим Бобур Мирзо Алишер ва Ҳусайнни Машҳад шаҳрига олиб кетади

Ўспирин ёшида Алишер бир муддат (1466-1469 йиллар) Самарқандда яшаб, улуғ мутафаккир Файзуллоҳ Абу Лайсдан таълим олди

Султон Ҳусайн Байқаро (ҳукмронлик даври: 1469-1506 йиллар) Хуросон тахтини эгаллагандан сўнг дўсти Алишер Навоийни Ҳиротга чорлаб, дастлаб муҳрдорлик, 1472 йилда эса вазирлик, 1487 йилда эса Астрободга ҳокимлик лавозимига тайинлайди. Қандай лавозимда ишлашидан қатъий назар Алишер Навоий ижтимоий масалаларни ижобий ҳал қилишга эътиборни қаратди. Ўз маблағидан работ, кўприк, ханақо, масжид, мактаб, мадраса ва шифохоналар қурдирди. Муҳтожларга эҳсон улашди, илм аҳлига ҳомийлик қилди. Улуғ аллома 1501 йил 3 январ куни Ҳирот шаҳрида вафот этди

Алишер Навоий ўзидан бой маданий мерос қолдирди. Аллома томонидан яратилган асарлар орасида “Хамса”, “Хазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”), “Вақфия”, “Назм ул-жавоҳир” (“Ҳикматли сўзлар мажмуаси”), “Тарихи анбиё ва ҳукамо” (“Пайғамбарлар ва табиблар тарихи”, “Мажолис ун-нафоис” (“Нафис мажлислар” тазкира), “Мезон ул-авзон” (“Вазнлар ўлчови”), “Маҳбуб ул-қулуб” (“Кўнгилларнинг севгани”)

Улуғ аллома ўз маблағлари эвазига Ихлосия мадрасасини қурдиради, унинг ёнидан мактаб очиб, ўз вақфидан маблағ ажратди. Мадрасада таҳсил олаётган талабаларнинг тартиб-интизомга қатъий амал қилишларини шахсан ўзи назорат қилтиб боради

Алишер Навоийининг “Маҳбуб ул-қулуб” асари негизида инсонпарварлик, халқпарварлик ғоялари ётади. Аллома инсон ҳақида қайғуради, унинг дардини чекади. Чин инсоний фазилатларни улуғлайди, айрим кимсалар қиёфасида намоён бўладиган иллатларни қоралайди

Асосий қисмлари

1-қисм
“Ҳалойиқ аҳволи ва афгори, аҳолининг кайфияти”

Турли табақаларнинг ижтимоий мақоми, вазифаси ҳақида сўз юритилади. Деҳқонлар ва уларнинг меҳнати улуғланади

2-қисм
“Яхши феъллар ва ёмон хислатлар тўғрисида”

Одоб ва ахлоққа оид масалалар ёритилади. Одабли инсонлар улуғланиши, ҳурматли бўлиши кўрсатилади

3-қисм
“Турли фойдали маслаҳатлар ва мақоллар”

Сахийлик, олийжаноблик, мурувват, карам, вафо, мулойимлик каби инсоний хислатлар таҳлил этилади

Аллома мураббийларнинг хизматларини юксак баҳолайди, уларга нисбатан чексиз ҳурмат билдиради. Мураббийларнинг меҳнати машаққатли эканлигини таъкидлайди. Бу ўринда “Маҳбуб ул-қулуб” асарида қуйидагиларни баён этади: “Унинг иши одам қўлидан келмас, одам эмас, балки дев ҳам қила билмас. Бир кучли киши бир ёш болани сақлашга ожизлик қиларди, у эса бир тўда болага илм ва адаб ўргатади, кўрким бунга нима етсин. Шуниси ҳам борки, у тўдада фаҳм-фаросати озлар бўлади, ундай кишига юзларча машаққат келса қандай бўлади. Ҳар қандай бўлса ҳам, ёш болаларга унинг ҳаққи кўпдир. Агар шогирд подшоҳликка эришса ҳам унга (муаллимга) қуллуқ қилса арзийди.

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила[1].

(Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар. Ўн беш томлик. 13-том, – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. – 192-193-бетлар)

Алишер Навоий ўқитувчининг ҳурматини қанчалик юқори деб билса, уларнинг фаолиятига нисбатан талабни шунчалик оширади. Мутафаккирнинг фикрига кўра, мударрислар нафақат билимли, фозил ва доно, балки маънавий жиҳатдан барчага ўрнак бўла оладиган, камтарин, илми толибларга ўрнак бўла оладиган, касбига меҳр билан ёндашадиган, қилган меҳнати учун таъма қилмайдиган, ножоиз хатти-ҳаракатларни содир этмайдиган шахслар бўлишлари зарурлигини айтади: “мударрис керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтишга уринмаса, манманлик учун дарс беришга ҳавас кўргазмаса ва олғирлик учун гап-сўз, ғавғо юргизмаса, нодонликдан салласи катта ва печи узун бўлмаса, гердайиш учун мадраса айвони боши унга ўрин бўлмаса… Ярамасликлардан қўрқса ва нопокликдан қочса, наинки, ўзини олим билиб, неча нодонга турли хил фисқ ишларни мумкин, балки ҳалол қилса; қилмас ишларни қилмоқ ундан содир бўлса ва қилар ишларни қилмаслик унга қоида ва одат бўлиб қолса. Бу мударрис эмасдир, ёмон одатни тарқатувчидир”

(Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар. Ўн беш томлик. 13-том, – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. – 189-190-бетлар)

8. Унсурул Маолий Кайковус (1021 (22) - ? йиллар)нинг устоз-шогирдлик ғоялари

Унсурул Маолий Кайковус ҳақида ҳам бизгача батафсил маълумотлар етиб келмаган. Алломанинг туғилган йили ва жойигина маълум. У 1021 (22) йилда Табаристонда (ҳозирги Каспий денгизининг жанубидаги ҳудуд)да туғилган. Манбалардан маълум бўлишича, аллома Гилон қабиласига мансуб бўлган

Кайковуснинг машҳур асари “Қобуснома” бўлиб, у алломанинг бой ҳаётий тажрибаси, ҳаётий кузатишлари (асар яратилган вақтда аллома олтмишни қоралаган) асосида яратилган. Асар Унсурул Маолий Кайковуснинг ўғли – Гилоншоҳга бағишланган

Асарда жавонмардлик масаласи кенг ўрин берилади

Алломанинг фикрига кўра жавонмардликнинг асоси қуйидагилардир:

Ростлик

Ростликка хилоф қилмаслик

Хайр ишини илгари тутиш

Жувонмардликнинг устунларини (рукнлари)

Жасурлик, мардлик, сабр-матонат, ваъдага вафо қилмоқ, пок дил ва пок забон бўлмоқ; асирларга зиён етказмаслик, бечора кишиларга мадад бериб, ёмонларнинг ёмонлиғини яхшилардан йироқ тутиш, ростгўйлик, яхшига ёмонлик қилмаслик, зиён-заҳматдан сақлаш, одамларга зиён-заҳмат етказмаслик

(Кайковус. Қобуснома. Нашрга тайёрловчи С.Долимов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. 153-бет)

Отформатировано: узбекский (кириллица)

Жувонмардлик йўлини танлаган ёшлар қуйидаги кўрсатмаларга амал қилишлари лозим:

Кўзни ёмон назардан сақлаш

Қўлни ёмон ишдан сақлаш

Тилни ёмон сўздан сақлаш

Жувонмардликнинг камолот нуқтаси қуйидагилардадир:

Ўз мол-мулкини ўзганикидан ажрата билиш

Халқ мулкига таъма қилмаслик

Бировнинг мол-мулкига хиёнат қилмаслик

Халққа ёмонлик қилмаслик

Қаноатли бўлиш

Кайковуснинг фикрига кўра, ахлоқлиликнинг биринчи белгиси – с у х а н д о н л и к саналади. Аллома сухандонлик рост сўзлашдир, дея ҳисоблайди. Сухандонлик нуқтаи назардан кишиларни тўрт тоифага ажратади. Яъни: 1) хил кишилар кўп нарсани билади ва яна билгиси келаверади; улар олимлар бўлиб, уларга бўйсуниш керак; 2) билмаган нарсасини билишга ҳаракат қилади, улар қобил кишилар бўлиб, бундай кишиларга ўргатиш керак; 3) билганини ҳам билмайди, уйқуда яшагандек, уларни “уйғотиш” керак; 4) билмайди ва билмаганини тан олмайди. Булар жоҳил кишилар бўлиб, улардан қочиш керак

9. Абдулла Авлоний (1878-1934 йиллар) ҳаётида педагогик фаолиятнинг ўрни

Абдулла Авлоний 1878 йил 12 июлда Тошкент шаҳрининг Мерганча маҳалласида, майда ҳунарманд-тўқувчи оиласида дунёга келди. Ота-онаси саводли кишилар бўлганлар. Абдулла Авлоний эски усул мактабини тамомлагандан кейин 12 ёшида мадрасага ўқишга киради

Ёш Абдулла дастлабки хат-саводни 7 ёшида Ўқчи маҳалласидаги мактабда, сўнгра шу маҳаллада жойлашган мадрасада чиқарган. Бироқ, 1891 йилдан бошлаб, тирикчилик оғирлашганлиги боис ўқишни бироз давом эттириб, ишлашга мажбур бўлди. Кейинчалик ўқишни бутунлай ташлашга тўғри келди. Адабиётга ҳавас ана шу йилларда туғилди. Шарқ мумтоз адабиёти вакилларининг асарларини, форс тилини катта иштиёқ билан ўрганди. А.Авлоний дастлабки шеърини 1894 йилда ёзган бўлса-да, бироқ, унинг 1905 йилдан кейин яратган асарлари сақланиб қолган

1904 йилда А.Авлоний Мирободда янги усулда фаолият кўрсатадиган мактабни очди (мактаб 1908 йилда ёпилган). 1907 йилда унинг муҳаррирлигида “Шуҳрат” газетасининг биринчи сони чоп этилди. Газета саҳифаларида аҳолини саводли қилиш, эскича яшаш тарзидан воз кечган ҳолда илм-маърифатни ўрганиш асосида янги ҳаётга эришиш, янги усулдаги миллий мактабларни очиш ғоялари тарғиб этилганлиги сабабли ҳукмрон ҳукумат (Туркистон генерал-губернаторлиги) томонидан беркитилди. 1909 йилда “Жамияти хайрия” ташкилотини ташкил этди, шунингдек, Дегрез маҳалласида мактаб очди. Муаллимлик фаолияти жараёнида дарсликларни яратишга нисбатан катта эҳтиёж борлигини ҳис қилди. Шу сабабли адиб 1909-1917 йиллар давомида ўндан ортиқ дарсликларни яратишга муваффақ бўлди. Улар: “Биринчи муаллим” (1909 йил), “Иккинчи муаллим” (1912 йил), “Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ” (1913 йил), “Мактаб гулустони” (1916 йил), “Адабиёт ёҳуд миллий шеърлар” (1909-1915 йиллар) дарслик ва тўпламларни яратди

А.Авлоний 1917 йилда “Турон” газетасини нашр этган бўлса, 1918 йилда “Иштирокиюн” газетасини ташкил этишда фаол иштирок этиб, унинг фаолиятига муҳаррирлик қилган. 1919-1920 йилларда Шўро ҳукуматининг Афғонистондаги элчиси лавозимида ишлаган. 1921 йилда “Касабачилик ҳаракати” журналида бош муҳаррир, 1923-1924 йилларда Тошкентнинг Эски шаҳрида жойлашган хотин-қизлар ва эрлар билим юртларида мудир, 1924-1924 йилларда эса ҳарбий мактабда ўқитувчи, 1930-1934 йилларда эса Ўрта Осиё давлат университетининг “Тил ва адабиёт” кафедрасида раҳбар лавозимларида фаолият олиб борди

1914-1915 йилларда адвокат У.Хўжаев билан “Садойи Туркистон” газетасида ҳамкорликда фаолият олиб борди. 1917 йил Феврал инқилобидан кейин “Турон” газетасини чиқарди. Бироқ, тез орада А.Авлоний газетадан катта таъзиқлар туфайли ишдан кетишга мажбур бўлди. 1933 йилда VII синф учун ўқиш хрестоматиясини яратиб, чоп эттирди

А.Авлоний 1930 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ЎОДУ – САГУ) “Педагогика” факультетининг “Тил билими” кафедраси профессори илмий унвонини олган. Шу йилларда илмий ходимлар секциясида, Ўздавнашрда, Республика терминология комитетида, Давлат илмий кенгашида масъул вазифаларда ишлаган

Маҳоратли адиб, моҳир педагог А.Авлоний 1927 йилда “Меҳнат қаҳрамони”, 1930 йилда эса “Ўзбекистон халқ маорифи зарбдори” фахрий унвонлари билан тақдирланган. А.Авлоний 1934 йилнинг 25 августида вафот этган

Ал-ҳосил тарбия бизлар учун
ё ҳаёт – ё мамот,

ё нажот – ё ҳалокат,

ё саодат – ё фалокат

масаласидур

Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ
бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан
айрилмайдурган, бирининг вужуди
бирига бойланган жон ила тан кабидур

Абдулла Авлоний сўзлашув одобига катта аҳамият
қаратади. Унинг фикрича, сўз инсоннинг ахлоқий
етуклик даражасини белгилаб берадиган ўлчов асбобидир

Сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазилини
ўлчаб кўрсатадурган тарозусидир. Ақл соҳиблари
кишининг тилидаги фикр ва ниятини, илм ва қувватини,
қадр ва қийматини сўзлаган сўзидан билурлар:
“Қуруқ сўз қлоққа ёқмас”, - демишлар

Агар сўз ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлиб, ўзига
ёки эшитувчига бир фойда чиқадургон бўлмаса,
асаларилари орасида ғунғурлаб юрган қовоқари
каби қуруқ ғунғурламоқ фақат бош оғриғидан
бошқа нарса эмасдур. Бошимизга келадурган
қаттиқ кулфатларнинг кўпи юмшоқ тилимиздан
келадур. Шунинг учун:
“Кўп ўйла, оз сўйла”, - дермишлар

Тилларнинг энг яхшиси сўзга уста тил,
сўзларнинг энг яхшиси билуб ва охирини
ўйлаб сўйланган сўздур

Гўзаллик юзда эмас, эй биродар,
Сўзи ширин киши ҳар кимга ёқар.
Сўзинг оз бўлсину маъноли бўлсун,
Эшитканлар қулоғи дурга тўлсун.
Сўзинг бўлса кумуш, жим турмак олтун,
Миси чиқғай, сўзинг кўп бўлса, бир кун.
Кўпайган сўзни бўлғай тўғриси оз,
Шакарнинг кўпидан ози бўлур соз

Ўз асарларида аллома ҳар бир мутахассис ўз вазифасини сидқидилдан адо этиши, касбига фидоий бўлиши, агар у мураббий бўлса, ўз шогирдларининг кўнглига маърифат ишқини солиши, халқ ўртасига маърифат тарқатиши зарурлигини зарурлигини уқтиради

Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ” асарининг “Ахлоқ тарбияси” бўлимида болаларда ахлоқий фазилатларни тарбиялашда ўқитувчининг роли беқиёс эканлигини айтади. Шунинг учун унинг ўзи тарбияли, билимли бўлишига нисбатан юксак талабларни қўяди

... Тарбия қилувчи муаллимларнинг ўзлари илмларига омил бўлиб, шогирдларга берган дарсларини амал ила чоқуштуруб ўргатмаклари лозимдур. Бу равиш таълим ила берилган дарс ва маълумот шогирдларнинг дилига тез таъсир қилуб, муллойи боамал бўлурлар

Расули акрам набиййи мухтарам саллаллоху алайҳи васаллам афандимиз: “Энг ёмон кишилар илмига амал қилмайдурган кишилар”, - дермшлар. Агар тарбия қилувчи муаллиф ўзи олим бўлиб, амалсиз бўлса, бунинг ҳам шогирдларнинг ахлоқига зўр таъсири бўладиур. “Домланинг ўзи фалон жойда фалон ишни қилди. Аммо бизларга қилманглар, ҳаромдур, деб ваъз айтадур”, деб фикр ва хаёлларига бўйла шак ва шуҳба тушуб қоладур

Минбар узра жилва айлаб ваъз этарлар қилма деб,
Ўзларин хилватда кўрсанг, они қилмоқда эмиш.
Илма сув дерлар биза олтун-кумуш асбобда,
Билсамиз мақсудлари қўлтиқға урмоқда эмиш
(Авлоний, Абдулла. Танланган асарлар. – Тошкент: “Маънавият”, 206. – 40-бет)

3-қисм. Юнон ва Рим файласуфларининг асарларида педагоглар ва уларнинг нотиқлик санъати тўғрисидаги ғоялар

Режа:
1. Сукротнинг таълимий ёндашуви.
2. Платон ва педагогик фаолият.
3. Демосфен ва таълим-тарбия масалалари.
4. Аристотельнинг ижтимоий тарбияга оид ғоялари.
5. Цицероннинг таълим тизимига муносабати.
6. Квинтиллианнинг нотиқлик санаъатига оид фикрлари

1. Сукрот (эр.ав. 469-399 йиллар)нинг таълимий ёндашуви

Сукрот эрамиздан аввалги 469 йилда Афинада тош йўнувчи оиласида туғилиб, 399 йилда шу ерда вафот этган. У файласуф сифатида шухрат қозониб, кўплаб шогирдлар етиштирган

Сукрот томонидан асосланган инсоннинг ижобий табиати ҳақидаги қарашлар негизини ўз-ўзини англашга доир ғоя ташкил этади. Сукротнинг энг машҳур тезисларидан бири қуйидагичадир: “Ким ўзини яхши билса, унинг учун нима фойдали эканлигини билади ва ўзининг нимага қодирлигини-ю, нимани уддалай олмаслигини тушунади”

Сукротча суҳбатлар бир ёки бир неча ўқувчилар иштирокида ташкил этилади. Сукротча суҳбатни ташкил этишда аллома ўқувчиларни “Мен фақат ҳеч нарсани билмаслигимни биламан” ғояси (тезиси) асосида фаолият юритишга ундаган

“Сукротча суҳбат” методининг моҳияти йўналтирувчи саволлар бериш орқали ҳақиқатни топишга интилишдан иборатдир. Унга кўра ўқитувчи (файласуф) ўқувчида қизиқиш, билишга интилишни уйғотадиган саволдан фойдаланади, мулоҳаза юритиш асосида ўқувчини воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини идрок этишга ундайди. Ўқитувчининг мулоҳазаси кўпинча риторик саволларни муҳокама қилиш билан тўлдирилиб турилади

Буюк Сукрот одатда ўзи асослаган “баҳс-мунозара асосида ҳақиқатни топишга интилиш” методини амалда бевосита қўллаган. Баҳс-мунозарани ташкил этиш учун машҳур сиёсий арбоб ёки шунчаки таниқли кишилардан бирини танлаган. Ўша давр анъаналарига кўра машҳур сиёсатчи ва таниқли кишилар омма олдиларида турли мавзуларда нутқлар сўзлашган. Ўз нутқларини баён этиб бўлганларидан сўнг Сукрот уларни баҳсга чорлаб, уларга нутқнинг мазмунига оид саволларни бера бошлаган

Улуғ алломанинг суҳбатдошига муносабати ҳам замонавий шароитда ёш ўқитувчилар учун намуна мактаби бўла олади. Аллома саволларни беришдан аввал суҳбатдошини олқишлаган. Унинг ниҳоятда ақлли, доно ва билимдон эканлигини, шуни у томонидан баён этилган нутқдан ҳам билиш мумкинлигини билдирган. Шундай билимдон инсон ўзи томонидан бериладиган ҳар қандай саволга жавоб топа олишини таъкидлаб ўтган

Буюк мутафаккир суҳбатдоши билан баҳс-мунозарага киришар экан, унга дастлаб бир қарашда жуда осон, оддий саволларни берган. Табиийки, суҳбатдоши унинг саволларига ҳеч бир қийинчиликсиз, истар-истамас жавоб қайтарган. Тегишли жавобни олгач, Суқрот аввалги саволни тўлдирувчи навбатдаги саволни берган. Суҳбатдоши яна жавоб қайтара олиш имкониятига эга бўлган. Шу таҳлитда Суқрот ўз суҳбатдошига саволлар беришни давом эттириб, охир-оқибатда дастлабки жавобга мутлақо зид жавоб қайтарилишигача олиб борган. Бундан ниҳоятда жаҳли чиққан, суҳбатдоши Суқротдан саволларга жавобни ўзи билиши ёки билмаслигини сўраган. Шунда аллома уларга жавобни ўзи ҳам билмаслигини тан олган. Суқротнинг асл мақсади суҳбатдошдан тўғри жавобни олиш эмас, балки ҳақиқатни топишга интилиш, ўз "рақиби"ни фикрлашга ундаш, ўз қарашларини қатъий ҳимоялашга мажбурлашдан иборат бўлган. Унинг бундай ёндашуви алломага улкан шон-шуҳрат олиб келган

2. Платон (эр.ав. 427-347 йиллар) ва педагогик фаолият

Платон – қадимги юнон файласуфи, Суқротнинг шогирди ва Аристотелнинг устози саналади. У эр.ав. 427 йилда Афинада бадавлат аристократ оиласида туғилган. Ота-онсининг мавқесига муносиб равишда ҳар томонлама намунали тарбия олган Платон тасвирий санъат билан шуғулланган, трагедик асарлар, эпиграммалар, комедиялар яратган

Эрамиздан аввалги 408 йилда Платон устози Суқрот билан учрашади ва дастлаб унинг шогирдларидан бирига, сўнгра эса дўстига айланади. Улар ўртасида саккиз йил давом этган дўстлик аянчли якун топади: Суқрот ўлимга ҳукм қилинади; Платон эса 12 йиллик сафарга отланади

Сафар даврида Платон Кичик Осиё ва Мисрда бўлиб, таниқли файласуфлар томонидан мавжуд илмий билимларни ўзлаштришни давом эттиради ва бу ўлкаларда ўз қарашлари билан шуҳрат қозонади. Платон Жанубий Италияда бўлганида таниқли математик Пифагорнинг шогирдлари билан танишади. Бу ерда алломанинг қарашлари билан танишиб, ўз билимларини бойитади. Эрамиздан аввалги 387 йилда Афинага қайтган Платон бу ерда билимлар уйи – Академияни ташкил этади. Аллома эр.ав. 347 йилда Афина шаҳрида вафот этади

Улуғ мутафаккир Платон ўзининг “Давлат” асари тарбиянинг катта таъсир кучига эгалигига алоҳида эътибор қаратади. Алломанинг ёзишича, “Ҳар бир ишда, айниқса, ёшлар тарбиясида бошланғич босқич ниҳоятда муҳим. Зеро, бу босқич ўқитувчи ниманинг изини қолдиришни хоҳласа, ўшанинг изи қолади”

Платоннинг эътироф этишича, ўқитувчи (тарбиячи) бола тарбиясини ташкил этишда рўй бериш эҳтимоли бўлган “инқироз”ларнинг инобатга ола билиши ва аввалдан ўз ўқувчиларининг онгида салбий таъсирларга қарши курашиш имкониятини яратувчи табиий тўсиқларни қўя олиши лозим. Бу эса ўз навбатида ўқитувчи (тарбиячи) ишини янада қийинлаштиради ва уни янада масъулиятли бўлишга ундайди

Айнан ўқитувчи (тарбиячи) ўз ўқувчисининг доимий равишда якуний муваффақиятнинг зарур шарти бўлган борлиқни ангаш сари қўйилган бир зинадан иккинчи зинага кўтарилиши йўлида камол топиб бориши учун қайғура билиши зарур

Ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқувчисига бўлган муҳаббати Афина мактаблари тизимига хос бўлиб, у бевосита Платоннинг ғоялари асосида шаклланган. Шу боис мазкур ҳолат “Платонча муҳаббат” деб номланади

Буюк аллома ўзининг “Пир” (“Базм”) асарида мураббий – педагогик идеал тимсолини ёрқин ифодалаган. Асарда айтилишича, ўқитувчи ўз ўқувчиси, шогирдига қанчалик муҳаббат қўйса, ўз навбатида шогирди ҳам устозига нисбатан оташин муҳаббат, беғараз интилиш билан ёндашиши зарур

3. Демосфен (тах.эр.ав 384-322 йиллар) ва таълим-тарбия масалалари

Демосфен тахминанг эрамиздан аввалги 384 йилга яқин Афина шаҳрида бой мулкдор оиласида туғилган. Унинг отаси қарийб 50 га яқин қуллари бўлган мебел ва қурол-яроғлар ишлаб чиқарадиган иккита устахонага эга бўлган. Бўлажак нотиқ 8 ёшга тўлганда отаси вафот этади. Унга ва 5 ёшли синглисига отасидан катта мулк мерос бўлиб қолади. Бироқ, васийларининг очкўзликлари туфайли болаларнинг таълим ва тарбияси тўғрисида қайғуришмади, ўқитувчиларнинг ойлик маошлари учун ҳақ тўлашмади. Демосфен заиф, жисмонан носоғлом бўлиб вояга етди. У товушларни ноаниқ талаффуз қилар ва дудуқланарди

Ҳали болалик вақтидаёқ Демосфен ўқитувчисидан ўзини таниқли нотиқлар нутқини эшитиш учун суд залига олиб боришни сўради. У омма нотиқларни қарсаклар билан олқишлаганлигидан тўлқинланди. Ушбу суд Демосфен учун нотиқлик санъатини қунт билан эгаллаш йўлида тинимсиз машқлар қилиши учун туртки берди. У 4 йил давомида Афинадаги энг машҳур нотиқ Исея қўлида шуғулланди

Нотиқлик сирларини ўрганиб, дастлаб суд йиғилишлари учун нутқлар тайёрлаган Демосфеннинг нияти омма олдида ўзи чиқиш қилиш истагида эди. Унинг мустақил равишда омма олдидаги биринчи ва иккинчи нутқлари тўла барбод бўлди. Омма унинг нутқига нисбатан норозилик билдирди. Шовқин, кулгу ва қичқириқлар туфайли Демосфен ўз нутқини якунлай олмай қолди

Бунинг асосий сабаби – Демосфеннинг ниҳоятда паст овозда гапирганлиги, нутқнинг тушунарсизлиги, ўзининг товушларни нотўғри талаффус қилиши ва дудуқланиши эди. Оммага қилинаётган новербал (оғзаки нутқсиз) мурожаат ҳам тушунарсиз эди. Вақти-вақти билан елкасини кўтариб қўяр, омма олдида ўзини мутлақо тута билмас эди

Иккинчи нутқи ҳам муваффақиятсиз чиққан Демосфен тушкун ҳолда уйга қайтади. Ривоят қилинишича, уни ўз устида ишлашдан тўхтамасликка актёр дўсти рағбатлантирган. Омма унинг оташин нутқларини тушунмаётганлигидан нолиган Демосфендан дўсти Софокл ёки Еврипид асарларидан бирор парчани ўқиб беришини сўрайди. Бу илтимос бажарилади. Демосфен асарлардан парча ўқишни тугаллагач, актёр дўсти ўша парчаларни кўтаринки кайфият, ҳис-ҳаяжон билан қайта ўқийди. Шундагина Демосфен ҳис-ҳаяжон ҳар қандай нутқнинг гўзал бўлишини таъминлай олишини тушуниб етади ва нотиқлик сирларини ўрганишга қайтадан киришади.

Демосфен нутқидаги камчиликлар устида ишлашда давом этди. У бошқалардан узоқроқда ёлғиз ишлай бошлайди. Ёлғизлик кўнглига текканда омма олдига чиқишдан ўзини сақлаш учун сочининг ярмини қириб ташлади. Токи натижага эришмагунча ҳар куни бир неча соатдан шуғуллунишга қарор қилди

Аллома ўз нутқи устида ишлашда энг оддий усулдан фойдаланди. У оғзига тош солиб олиб, гапиришни машқ қилар ва гарчи оғзида тошлар бўлишига қарамай, нутқининг соф, тиниқ бўлишига интиларди

Овози кучи ва нафасини ривожлантириш учун Демосфен тоққа чиқиб, баланд овозда шеърлар ўқирди. У атайдан денгиз бўйларида сайр қилар ва ўз овози билан тўлқинлар шовқинини бостиришга ҳаракат қиларди

Айрим ҳарфларни чучук талаффуз қилишга барҳам бериш мақсадида кучукча сотиб олган Демосфен унинг қандай ҳуришини диққат билан тинглаб, ўзи ҳам “ҳурувчи” товушлар чиқаришга ҳаракат қиларди

Елкасини учириш одатини йўқотиш учун Демосфен жуда ҳам “экзотик” усулни танлади. Шунинг учун у уйнинг шифтига ўткир тиғли қилични осиб қўйди ва ўзи ана шу қилич остида нутқ сўзлашни машшқ қиларди. Борди-ю, елкаси яна ўзига бўйсунмаса, у ҳолда шифтга осилган қиличга бориб тегарди. Ўткир қиличнинг тиғи унинг елкасини шундай оғритиб, Демосфенни ўз танасини назорат қилиш, бошқаришга мажбур қиларди

У актёр дўсти билан маслаҳатлашган ҳолда жестларни, нутқ сўзлаш, танани бошқариш омма олдида ўзини тута билиш малакаларини ўзлаштирди

4. Аристотел (Арасту – эр.ав. 384-322 йиллар)нинг ижтимоий тарбияга оид ғоялари

Аристотель эрамиздан аввалги 384 йилда қадимги Эллин мамлакатининг Стагир шаҳрида бадавлат табиб оиласида туғилган. Унинг отаси Македония шоҳи Аминта саройининг врачи бўлган. Ёш Аристотель бошланғич маълумотни ўз отасидан олганлиги боис унинг қизиқиши, асосан, табиий фанлар ва тиббиётни ўрганишга йўналтирилган эди

Ўн саккиз ёшида Аристотель Платон ташкил этган Академияга ўқишга қабул қилинади ва бу ерда Платоннинг ўлимигача, яъни 20 йил давомида таҳсил олади. Таълимнинг дастлабки йиллари ўқитувчининг бутунлай назорати остида бўлишга кўника олмаган бўлса, бироқ, кейинчалик бу тобелик бир қадар сусайди. Платоннинг ҳаётлик давридаёқ мустақил равишда билимларини ривожлантириш, илмий тадқиқотлар олиб боришга муваффақ бўлди

Устози Платоннинг вафотидан кейин Аристотель Академияда қола олмади. Шу сабабли ўз ота юртига қайтди. Атарния шоҳи Гермия ҳузурида бир неча бор чиқиш қилган Аристотель сарой аҳлига жуда яқин бўлиб қолганлиги сабабли унинг жиянларидан бирига уйланди. Эрамиздан аввалги 343 йилда Македония шоҳи Флипп уни ўз саройига чақирди ва ўз ўғли ёш Александрни унинг тарбиясига топширди. Бўлажак жаҳонгир буюк алломанинг қўлида 3 йил давомида таҳсил олди

Александр Македонский Шарққа юриш бошлаганда, Аристотель сарой аёнларидан бири сифатида ўз юртида қолди. Эрамиздан аввал 335 йилдан бошлаб 20 йил давомида мутафаккир Афина шаҳрида яшаб, ўзи ташкил этган мактаб – Ликей (Лицей)ни бошқарди

Алломанинг бутун илмий фаолияти айнан Ликей (Лицей) билан боғлиқ. Шунинг учундир учун илмий асарлари ҳам маърузалар, оғзаки баён қилинган маълумотлар асосидаги тезислар шаклида яратилган. Аристотелнинг кўплаб асарлари тўғрисидаги маълумотлар бизчага асл ҳолида эмас, балки унинг шогирдларига тегишли бўлган ишлар орқали етиб келган

Улуғ мутафаккир Аристотель умрининг сўнгги йилларини қадимги Грециянинг Халкида шаҳрида ўтказди ва эрамиздан авалги 322 йилда шу ерда вафот этди

Аристотелнинг “Этика”, “Сиёсат”, “Қонунлар”, ”Қалб тўғрисида”, “Риторика”, “Республика” каби асарлари ниҳоятда машҳур

Аристотелнинг фикрига кўра инсоннинг ҳаёт кечиришидан ягона мақсади – бахтга эришиш саналади

Алломанинг фикрига кўра, инсоннинг бахт-саодати энг яхши ва мукаммал фазилатларига мос бўлган қалб фаолияти асосида таъминланади. Бунинг устига унинг қалби эзгу ғоялар билан бутун умр тўлдирилиши, яхши фазилатлар билан бойитилиши лозим. Зеро, “биргина қалдирғоч баҳор келишини таъминлай олмаганидек”, бир кун ёки қисқа муддатли вақт инсонни бахтли ва шод-хуррам этиб қўймайди

Мутафаккир ўзининг “Сиёсат” асарида бахтли ҳаёт формуласини қуйидагича шарҳлайди:

Инсоннинг бутун ҳаёти иш ва бўш вақт, уруш ва тинчлик кабилар ичида кечса, инсон фаолиятининг бир қисми зарур ва фойдали ишларни амалга ошириш, бир қисми эса гўзаллик яратишга йўналтирилган... Тинчлик бўлиши учун урушни афзал кўриш, бўш вақт бўлиши учун ишлаш, гўзалликка эришиш учун зарур ва фойдали амаларни бажариш мумкин

Инсоннинг ҳаёт йўлини ўзгалар эмас, балки унинг ўзи танлаши лозим

Инсондан инсон, ҳайвондан ҳайвон туғилади, шунга кўра яхши ота-онадан фақат яхши фарзандлар туғилиши лозим. Табиат ана шунга ҳаракат қилади, бироқ, бунга ҳамиша ҳам эришилавермайди

Улуғ мутафаккир болаларни уларнинг ёшлигиданоқ гигиеник мақсадларга эришиш учун айрим машқларни бажаришга ўргатиш, уларнинг нозик, заиф таналарини чиниқтириш зарурлигини айтади. Унинг фикрича, болаларга қаттиқ йиғлаш ва қичқиришларига ҳалақит қилмаслик лозим. Зеро, бу ҳолатлар улар учун ўзига хос гимнастика Ҳисобланади. Бир қадар катта ёшдагилар учун эса болалар ўйинлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга

Аристотель бола тарбиясида оиланинг аҳамиятини юқори баҳолаш билан бирга, идеал давлатда оила фаолияти давлат амалдорлари – педанимлар томонидан назорат қилиниши зарурлигини айтади

Педонимларнинг вазифалари оила шароитида болалар вақтларини қандай ўтказаётганликларини, уларнинг имкон қадар қуллар орасида кам вақт бўлишларини назорат қилишдан иборат бўлган. Шунингдек, уларнинг масъулиятлари доирасига болалар учун мўлжалланган ҳикоя ва эртакларни йиғиш вазифалари ҳам киритилган

Буларнинг барчаси навбатдаги машғулотлар учун “эшик олди” (остона) бўлиши лозим. Шунга кўра болаларнинг ўйинлари навбатдаги машғулотлар билан шуғулланишлари учун тақлид бўлиши зарур

5. Цицерон (эр.ав. 106 – эр.ав. 43 йиллар)нинг таълим тизимига муносабати

Марк Туллий Цицерон эрамиздан аввалги 106 йили унча катта бўлмаган Арпинум шаҳрида ўзига тўқ суворий оиласида туғилган. Марк 14 ёшга тўлганида отаси уни ўша давр анъанасига кўра (вилоятларда яшовчи ўзига тўқ оилалар шундай йўл тутишган) Рим шаҳрига олиб бориб қўяди. Ёш Марк Римда математика билан жиддий шуғуллана бошлади, “12 жадвал” қонунларини ёдлади, фалсафий ва бадиий мавзуларда яратилган Юнон ва Рим адабиётларини ўрганди

Цицерон 16 ёшга тўлганида таниқли нотиқлардан чиройли сўзлашиш сирларини ўзлаштириш билан бирга мавжуд билимларини бойитишни давом эттирди. Машҳур нотиқ Форумнинг суд ишларида иштирок этиш орқали нутқлар сўзлаш шартларини ўрганди

Марк 17 ёшга тўлганида ўша давр анъанаси ва талабига мувофиқ бир йил давомида ҳарбий хизматни ўтади. Бир йилдан сўнг Римга қайтгач, аввалги мураббийларидан эски тартибга мувофиқ дарс олишни давом эттирди. Бироз вақтдан сўнг у ҳимоячи (адвокат) сифатида суд жараёнида муваффақиятли чиқишлар қилди. Бу даврда Цицеронда Грецияга сафар қилиш нияти туғилди

Цицерон Грециянинг Афина ва Родос шаҳарларида риторика ва фалсафа мактабларида фаолият кўрсатиб, ўзининг фалсафий билимларини такомиллаштириб борди

Улуғ аллома ўз Платон Академияси фаолиятини юқори баҳолади. Бу ўринда у қуйидагиларни қайд этиб ўтган: “Платон Академияси менга машҳур риториклардан олган билимларидан кўп маълумотларни берди”

Римга қайтганидан сўнг Цицероннинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги янада кучайди. Ўзига тўқ суворийларнинг манфаат ва қизиқишларини ҳимоя қилишда кетма-кет муваффақиятларга эришиб борди. Бироқ, Антонияга қарши чиқиши учун учун фожиали якунланди ва қасддан ўлдирилди.

Цицерон ўзининг қатъий ахлоқий тамойиллари, гўзал характери (гарчи бу унга жуда кўп нохушликлар келтирган бўлса ҳам) билан консул ва ҳимоячи сифатида Рим манфаатларини ёқлаш учун курашди

Улуғ алломанинг фикрига кўра, тарбия – инсонга табиатдан берилган қобилиятларни такомиллаштириш ва ривожлантиришга берилган энг олий неъмат. Тарбия ёрдамида инсон табиат томонидан яратилган сифатларни юксак ахлоқий қарашлар, тамойиллар билан бойитади, бунда, айниқса, унинг онги ривожланади. Тарбия воситасида инсоннинг ахлоқий фазилатлари ривожланади

Цицероннинг ёндашувига кўра, кимки ёшлигидан ўзида энг юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириб, ривожлантириб борса, ана ўшагина давлат манфаатлари учун кўп ишларни амалга оширишга қодир

Болалар тарбиясини ташкил этишга қанчалик эрта киришилса, уларда шакллантирилган ахлоқий фазилатлар шунчалик қатъий бўлади ва улардаги ёвузликларни, салбий иллатларни, айниқса, меҳнатга бўйин эгмасликдек салбий одатни шунчалик тез йўқ қилиш мумкин

Шахсда эзгу хислатлар, юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, бу жараённи изчил ва узлуксиз ташкил этиш талаб қилинади

Бунда асосий масъулият ўқитувчининг зиммасига тушади. Ўқитувчи ўз ўқувчилари билан қисқа, қатъий ва адолатли ёндашган ҳолда мулоқотда бўлиши керак. Болаларни сўз ёки амалий ҳаракатлар билан жазолаш мумкин. Интизомни сақлашга қўйиладиган талабалар эса ўта суст ёки ўта қатъий бўлмаслиги лозим. Ўқувчилар билан мулойим гаплашилганда улар билан ўқитувчи орасида муайян масофа бўлиши шарт. Қолаверса, сўз ва амалий ҳаракатлар билан болаларга бериладиган жазолар улар шахсини ҳақоратлайдиган даражада бўлмаслиги лозим

Белгиланган жазо бола томонидан содир этилган хатти-ҳаракат даражасига мос келиши лозим. Шунингдек, бир кўринишдаги хатти-ҳаракатга айнан бир хил жазони қўллашга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир

Алломанинг фикрича, ўқитувчи, айниқса, жаҳл устида ўқувчиларни жазоламаслиги зарур. Чунки бу ҳолатда ўқувчиларнинг хатти-ҳаракати билан белгиланадиган жазо турининг мос бўлиши инобатга олинмайди. Бу эса ўз навбатида ўқитувчининг обрўсини туширади. Ўқувчиларда унга нисбатан нафрат юзага келади

Ўқитувчи ўқувчини жазоланиши тўғрисидаги қарорини кескин айтаётганда ҳам қизишиб кетишдан ўзини тия билиши зарур. Чунки бундай ҳолатда ўқитувчининг хатти-ҳаракатлари кескинлашади ва айблови кучаяди

6. Квинтилиан (эрамизнинг 35-96 йиллар)нинг нотиқлик санаъатига оид фикрлари

Марк Фабий Квинтилианнинг келиб чиқиши ҳақида аниқ маълумотларга мавжуд эмас. Бир гуруҳ тадқиқотчилар, унинг Испаниядаги таниқли оилада, бошқа гуруҳ олимлари эса унчалик бой ва таниқли бўлмаган оиладан келиб чиққанлигидан гурвоҳлик беришади. Бироқ, шуниси аниқки, унинг отаси ва бобоси таниқли риторик (нотиқ)лар бўлишган

Марк 5-7 ёшларда бўлганда худди Аристотель каби уни ҳам мактабга тайёрлаш учун мураббийлар қўлига топширишди. Римда таҳсил олган Марк ўзини суд нотиғи бўлишга жиддий тайёрлай бошлади. Императорлар Веспасиан, Тит ва Домицианлар даврида бир неча бор судда адвокат сифатида иштирок этди, бироқ, у амалиётчи суд нотиғи сифатида эмас, балки назариётчи ва педагог сифатида катта шуҳрат қозонган

Квинтилиан биринчи профессионал ўқитувчи, давлат мактабининг асосчиси, чиройли нутқ сўзловчи профессор унвонига эга шахс саналади. Эранинг 70-йилларида император Веспасиан унга давлат хазинасидан ажратилган маблағ ҳисобига нафақа тайинлаган

Машҳур педагог 20 йил давомида Римнинг таниқли ва бадавлат ёшларига нотиқлик санъати асослари тўғрисидаги билимлар берган. Унинг ўқувчилари орасида Кичик Плиний ва Ювениал (Римнинг таниқли ҳукмдорлари) бўлган. Унинг тарбиясига императорларнинг меросхўрлари топширилган. У ҳатто Римнинг энг машҳур қаттиққўл ва қонхўр ҳукмдори Домициан билан дўст бўлиб, уни чин дилдан шарафлаган. Ўз навбатида Домициан Квинтилианни моддий маблағ билан қўллаб-қувватлаб, унга нисбатан ҳурмат кўрсатган. Тахмин қилишларича, машҳур педагог ҳукмдорнинг мисли кўрилмаган "нотиқ консули" бўлган

Қанчалик машҳур ва бадавлат бўлмасин, Квинтилианни бахтли деб бўлмасди. Чунки уни ёлғиз қолдирган ҳолда ёш хотини ва навқирон икки ўғли эрта вафот этдилар. Машҳур педагог ҳаётининг сўнгги йиллари император Домицианнинг қонхўрликлари авж олган вақтга тўғри келган. Император у тарбиялаган ўқувчиларнинг ота-оналарини сургун қилди. Бундан норози бўлган Квинтилиан ишдан бўшашга мажбур бўлди

Машҳур педагог болалар 7 ёшга тўлгунларига қадар икки тил – юнон ва она тилини мукаммал ўрганишлари шарт деб ҳисоблаган. У болалар билан тизимли ташкил этилган машғулотларнинг қизиқарли бўлишига мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Педагог кичик ёшдаги болаларни мактаб туриш, улардан нималарнидир илтимос қилиш, тенгдошлари билан мусобақалашишга ундашни, мукофотларни беришда зиқналик қилмасликни маслаҳат беради

Квинтилиан ўзининг 12 томлик “Нотиқни тарбиялаш” асарида қадимги юнон педагогик ғояларини қайта ишлаб, тизимлаштиради ва уни дидактик кўрсатмалар билан бойитади. Шу сабабли машҳур педагогни биринчи дидакт деб номлаш мумкин

Машҳур педагогнинг фикрига кўра таълим жараёни қуйидаги дан иборат:

1. Тақлид қилиш.
2. Панд-насиҳат.
3. Машқ

Марк Фабий Квинтилианнинг методик тавсиялари:

1. Болалар саводга ўргатишда уларга кўрсатмали қурол ёрдамида бир вақтнинг ўзида ҳарфнинг расмини кўрсатиш ва номини айтиш лозим.
2. Таълимда тизимлилик ва изчилликка риоя этиш лозим.
3. Бўлажак нотиқда хотирани ривожлантириш, уни бадиий сўз қудратини ҳис этишга, нутқ суръатини таъминлашга, урғуни тўғри беришга, сўзларни аниқ, равшан ифодалашга, нутқни жонли ифодалашга, турли жест (оёқ, қўл, гавда ҳаракатларидан ўринли фойдаланиш)га ўргатиш мақсадга мувофиқдир.
4. Боланинг мактабгача таълим ёшидан нотиқлик сирларини пухта ўзлаштирилишига ундаш кутилган натижаларни қўлга киритилишини таъминлайди.
5. Нотиқликни ўрганишнинг энг қулай ва осон йўли – бу шеърларни ёддан айтиш ҳисобланади

Машҳур педагог биринчи бўлиб, шеър ёдлаш методикасини қуйидагича асослайди:

1. Шеърни тўлиғича ўқиш.
2. Шеърни мантиқий жиҳатдан қисмларга ажратиш.
3. Шеърнинг ҳар бир қисмини ёдлаш.
4. Шеърни тўлиғича ифодали ўқиш

Марк Фабий Квинтилиан педагогик фикрлар тараққиёти тарихида биринчи педагогик асарни яратган шахс саналади. Унинг “Нотиқни тарбиялаш” асарида дидактика ва методиканинг асоси бўлган мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг тарбиясига қўйиладиган талаблар тизими ишлаб чиқилган. Асарда, шунингдек, бошқа умумпедагогик муаммолар ҳам ўз ечимини топган

“Нотиқни тарбиялаш” асарида инсон табиати ва унинг ривожланишига оид педагогик билимлар ҳам ўз ифодасини топган. У болаларда намоён бўлувчи қобилиятни юқори баҳолаган ва боланинг жуда ёшлигиданоқ қандай қобилиятга эгалигини, унинг даражасини аниқлаш мумкин эканлигига қатъий ишонган

Педагогнинг таъкидлашига кўра болаларнинг қобилиятлари қуйидаги белгиларда намоён бўлади:

Кучли хотира, ўткир зеҳн, тезкор фикрлаш,

эгалланган билимларни узоқ вақт сақлаш, болада

жуда ёшликдан ривожланган тақлидчанлик

Марк Фабий Квинтилиан Рим жамиятининг юқори табақасига хос оила тарбиясини кескин танқид остига олади. Одатда юқори табақа вакилларининг оилаларида уюштириладиган базмларда болалар ҳам иштирок этар ва катталарнинг ножўя хатти-ҳаракатларига гувоҳ бўлардилар. Бу эса, табиийки, уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатарди

Педагог ота-оналарни ўз фарзандларини ҳаддан ташқари эркалатиб юборишлари, шахс сифатида шаклланишларида муҳим босқич бўлган болаликни етарлича баҳолай олмасликлари учун кескин танқид қилади

Болалар ниҳоятда таъсирчан бўлганликлари сабабли уларда ижобий фазилат ва салбий иллатларнинг шаклланиши осон эканлигини таъкидлар экан, Квинтилиан ота-оналар, болаларнинг тарбияси учун жавобгар шахс (васий)лар ва энагалардан улар учун ўртоқ-тенгдош ва педагогларни танлашга жиддий ёндашишни талаб қилади

Марк Фабий Квинтилиан инсонпарвар педагогиканинг асосчиси саналади. Ушбу фикрнинг исботини педагогнинг қуйидаги фикрларидан ҳам англаш мумкин: “Ота, ўғлинг туғилганда унга кўп умидлар боғла, зеро, катта умидлардан катта педагогика шаклланади”. Шунингдек, ўз даврида Марк Квинтилиан педагогикани фан сифатида шакллантириш заруриятини биринчи бўлиб англаган

Педагог болаларни ёшликданоқ уларга танбеҳ бериб бўлса-да, нутқда товушларни тўғри талаффуз этишга ўргатиш зарур, деб ҳисоблаган

Квинтилиан таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчиларнинг диққатларини ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини инобатга олишга қаратади. Унинг қайд этишича, ҳар доим ва ҳар қаерда диққатни турли ёшдаги ўқувчиларнинг ўзига хосликлари ва хусусиятларига қаратиш зарур. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг қобилиятини синаб кўрганидан кейин уни нимага ва қандай ўқитишни ҳал қилади. Зеро, бир ўқувчида тарихий билимларни ўрганишга, иккинчисида шеъриятга, учинчисида ҳуқуқшуносликка қобилият мавжуд бўлади. Болаларни ўқитишни йўлга қўйишда фаолиятнинг ўйин шаклида уюштиришдан бошлаш мақсадга мувофиқдир

Болаларни ўқитишга ўргатишда шошқалоқликка йўл қўйиш ярамайди. Чунки бола, аввало, ҳарфлар, кейин эса сўзлар ўртасидаги боғлиқликни тутилмасдан таъминлаш имкониятига эга эмаслар. Улар бир неча бор машқ қилганларидан кейингина ҳам тўғри, ҳам тез ўқий оладилар

Болаларга ёзишни ўргатишда эса ўқитувчи матннинг мазмунига диққатни қаратиши зарур. Бунда матн мазмунининг шунчаки қуруқ панд-насиҳатдан иборат бўлмай, ўзида ахлоқий қоидаларни ифодалашини инобатга олиш муҳимдир

Марк Квинтилиан ўқитувчи образида билимли, юксак маданиятли, болаларни севадиган, уларга чин дилдан таълим берадиган, ўқувчиларни тақдирлаш ва жазолашда ниҳоятда эҳтиёткор шахсни кўради. У намунали ўқитувчи сифатида Цицеронни эътироф этади

Таълимда бўлгани каби тарбия жараёнида ҳам ўқитувчи ўқувчилар билан бир қадар юқори туриб муносабатда бўлиши, бироқ, бунда меъёр чегарасидан чиқмаслиги лозим

Ўқувчиларни жисмонан жазолашга рағбат билдиришдан қочиш керак. Болаларни жисмонан жазолашдан аввал уларни яхшиликлар қилиш ва ҳақиқат учун курашишга ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Фақат кейингина ўқувчиларнинг у ёки бу талабларни бузганликлари учунгина жазолаш тўғри бўлади

Ўқитувчи ва мураббийлар болаларга нисбатан ота-оналарча меҳр-муҳаббатга эга, таълим назарияси асосларидан хабардор ва маърифатли инсон бўлишлари зарур

Марк Квинтилиан ижтимоий тарбиянинг тарафдори эди. Чунки ижтимоий тарбия индивидуал, уй тарбиясига кўра бир қатор афзалликларга эга

Машҳур педагог мактаб таълимининг ўқувчиларда ўзаро мусобақалашиш, дўстлик муносабатларини ўрнатиш, жамиятда устувор бўлган ахлоқ меъёрларини ўзлаштириш, қунт билан ўқиш асосида мавжуд қобилиятларни ривожлантириш кўникмаларини шакллантириш мумкинлигини ифодаловчи ижобий омилларига эътиборни қаратади

Ижтимоий тарбияни ташкил этадиган ўқитувчи, агар у, тарихчи ва нотиқларнинг ишлари билан яқиндан таниш бўлса, ўқувчиларнинг тезда муваффақиятга эришишларига ёрдам беради, диққатларини гўзалликка қаратади, хатоларини тўғрилайди, ўқувчиларни доимо мустақил фикрлашга ўргатади

Ўз асарида Квинтилиан ҳар предметнинг таълим тизимидаги аҳамиятини батафсил ёритади

4-қисм. Я.А.Коменский, А.Дистерверг, К.Д.Ушинский ва бошқаларининг ўқитувчи, унинг касбий тайёргарлиги ҳамда педагогик маҳоратининг таълим-тарбия ривожидаги алоҳида ўрни борасидаги қарашлари

Режа:

1. Ян Амос Коменскийнинг педагогик қарашлари.
2. Адольф Дистерверг педагогик фаолиятининг етакчи ғоялари.
3. Константин Дмитриевич Ушинскийнинг таълим-тарбияни такомиллаштириш тўғрисидаги фикрлари

1. Я.А.Коменский (1592-1670 йиллар)нинг педагогик қарашлари

Буюк чех педагоги Я.А.Коменский 1592 йил 28 мартда Угорский Брод (Моравия) деган жойда тегирмончи оиласида дунёга келади. Унинг оиласи “Чех қардошлари” жамоасининг вакиллари эди. Ушбу жамоа Чехия озодлиги учун курашувчи ватанпарварлардан таркиб топган эди. Коменский ота-онасидан жуда эрта ажралди. Шу сабабли ўз тенгдошлари билан бирга ўқий олмади. Ян 16 ёшига тўлганда “Чех қардошлари” жамоасининг қўллаб-қувватлаши билан лотин мактабига киради. Бироқ, мактабдаги мавжуд аҳвол уни қониқтирмайди

Мактабни тугатгач Герберн университети (Германия)да таълим олади. Университет таҳсилидан кейин Гейдельберг университетида маъруза курсини тинглайди, Австрия ва Голландия каби мамлакатларда бўлиб, уларнинг ҳаётини ўрганади. Мазкур саёҳат унинг дунёқарашини бойитади

Озодлик ҳаракатларини олиб борганлиги туфайли 1618-1648 йилларда “Чех қардошлари” жамоаси немис дворянлари томонидан мамлакатдан ҳайдаб юборилди. Бу вақтда Я.А.Коменский оиласидан ажралди. Жамоа Польшадаги Лешно шаҳрига келиб ўрнашгач, Я.А.Коменский қардошлик мактабига раҳбарлик қилади ва гимназия ташкил этади. Бу ерда умрининг охиригача яшайди ва педагоглик фаолиятини давом эттиради. Педагогика ва илоҳиятга оид 250 дан ортиқ асарлар, дарсликлар яратади

Я.А.Коменский “Чех қардошлари” жамоасига епископ қилиб тайинлангач, 1648 йилда Лешнога қайтиб келади. Жамоа тарқатилгач яна ўқитувчилик фаолиятини давом эттиради. Шу билан бирга бир неча йил Венгрияда яшайди. Бу ерда у мактабларни бошқаради ва “Ҳислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари” (“Видимый мир в картинках”) номли асарини ёзади. 1656 йили Швед-поляк уруши даврида Лешнодаги “Чех қардошлари” жамоаси тор-мор қилингач, Я.А.Коменский аввал Гамбургга, кейин эса Амстердамга ўтади. Амстердам шаҳрида машҳур педагог катта бир муваффақиятга эришади. Яъни Голландия Сенатининг буйруғига кўра унинг асарлари тўплами чоп этилади

Таниқли педагогнинг йирик асарлари қуйидагилардир:

“Тиллар ва ҳамма фанларнинг очиқ эшиги” (1631 йил);
“Буюк дидактика” (1632 йил);
“Оналар мактаби” (1632 йил);
“Пансофия мактаб” (1651 йил);
“Яхши ташкил этилган мактаб қонунлари” (1653 йил);
“Ҳислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари” (1658 йил);
“Кишилик жамияти ишларини яхшилаш ҳақида ҳаммага тааллуқли маслаҳат”

Я.А.Коменскийнинг дунёқарашида қуйидаги йўналишлар кузатилади:

1. Натур фалсафаси (унга кўра билиш сезишдан бошланади; сезиш бўлмаган ерда билиш ҳам йўқ).

2. Илоҳий ғояларга таяниб иш кўриш (у диний ғояларга амалий нуқтаи назардан ёндашади)

3. Дунёқарашининг шаклланишига Уйғониш даврининг таъсири

Я.А.Коменскийнинг педагогик қарашлари негизида ўрта аср ёндашувидан фарқли равишда инсон, унга бўлган муҳаббат, кишиларнинг эзгуликлар ярата олишига бўлган қатъий ишонч ётади

Педагогнинг энг муҳим ғоялари:

1. Олам бир бутун бўлиб, унда жамики мавжуд нарсалар бир-бири билан уйғун боғлиқ. Ягона тизимда алоҳида нарсанинг ўзи йўқ. Шу билан бирга борлиқ бир-бирига таъсир этувчи қарама-қаршиликлардан иборат. Олам доимий ҳаракатда, шу боис ўсиш ва ривожланиш мавжуд. Ҳар бир ҳаракат, ўсиш муайян қонуниятлар асосида кечади. Мавжуд қонуниятларнинг асосчиси, бутун борлиқ эгаси – Оллоҳ саналади.

2. Тараққиёт асосини “пан софистик” (юнонча “пан” – барча, ҳамма, “София” – донолик, ақллилик) ғоялар ташкил этади. Яъни ҳамма нарсани билиш мумкин ва барчага билим бериш зарур. Барчага табиий ва ижтимоий қонуниятлар тўғрисидаги билимларни беришда мактаб муҳим ўрин тутади. Зеро, мактабда “ҳаммани ҳар нарсага ўргатиш имконияти мавжуд”.

3. Тарбия табиат қонуниятларига мувофиқ ҳолда ташкил этилиши лозим. Чунки боланинг ақлий ва жисмоний ривожланиши табиатдаги ўсиш жараёнинига ўхшайди. Боғбон ниҳолни парваришлаб, вояга етказишда унинг ўсиш хусусиятларини ҳисобга олади. Худди шундай ўқитувчи ҳам ўқувчиларни тарбиялашда уларнинг ёш ва психологик хусусиятларига таяниб иш кўрилиши зарур. Таълим ва тарбия жараёнлари табиий ўсиш сингари аста-секинлик билан, босқичма-босқич олиб борилиши керак. Ўрта асрлар учун инсонни табиатнинг бир бўлаги деб қараш илғор ғоя саналарди. Бироқ, шу билан бирга инсон ижтимоий қонуниятлар таъсирида ривожланишини эътибордан четда қолдирмаслик лозим

Я.А.Коменскийнинг педагогик қарашларида 4 рақами асосий тимсол саналади. Яъни:

1. Оламнинг асосини тўрт унсур ташкил этади. Булар: тупроқ, сув, ҳаво, олов.

2. Табиат ҳам бир йил давомида тўрт кўринишда ривожланади. Улар: баҳор, ёз, куз, қиш.

3. Инсоннинг ривожланиши ҳам тўрт даврда кечади. Булар: гўдаклик, болалик, ўсмирлик, етуклик.

4. Таълим жараёнини ҳам тўрт босқичга ажратиш мумкин. Улар: мактабгача тарбия, бошланғич таълим, ўрта таълим, олий таълим

Я.А.Коменский яшаган даврда барчага таълим бериш шарт эмас, деб ҳисобланарди. Қобилиятли шахснигина ўқиши зарур, деган ғоя устувор эди. У эса барчага таълим беришни, барча (аёлу эркак, ўғил ва қиз болалар, турли миллат вакиллари, турли эътиқод эгалари ҳам) ўз она тилида умумий бошланғич таълимни олиши кераклигини уқтиради

Я.А.Коменский педагогларнинг зиммасига катта талабларни қўяди. Унинг фикрига кўра, ҳар бир бола муайян даражада у ёки бу кўринишдаги истеъдод, қобилиятга эга бўлади. Тўғри қобилият болаларда турли даражада бўлади: бировда кам, бировда кўп. Боланинг тарбиясида асосий масъул шахс – бу ўқитувчи бўлиб, у боладаги истеъдодни сеза билиши ва уни ривожлантириши зарур. Агарда бола педагогик таъсирдан четда ўсса, у ҳолда унинг истеъдоди тасодифий равишда ривожланади. Боланинг билимлилик ва тарбияланганлик даражасини ойна ва унга қўнадиган чангга қиёслайди. Гарчи ойнанинг юзини чанг босса ҳам инсон унда ўз аксини хира бўлса-да, кўра олади. Бироқ, юзаси тоза бўлган ойнада инсон аксини ёрқин, яққол акс этади. Шу боис ўқитувчилар доимий равишда “ойна юзасидаги чангни артиб туришлари”, яъни бола онгига билимларни изчил сингдириб, уни ақлий жиҳатдан ўстиришга ёрдамлашиб боришлари керак

Машҳур педагогнинг ижодида д и д а к т и к а асосий ўринни эгаллайди. Унинг ёндашувига кўра таълим жараёнининг қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилиши кутилган натижаларни қўлга киритишга имконини беради:

1. Кўрсатмалилик тамойили.
2. Онглилик тамойили.
3. Изчиллик ва тизимлилик тамойили.

4. Машқ қилиш, билим ва малакаларни пухта эгаллаш

Я.А.Коменский педагогик фикрлар тараққиёти тарихида “С и н ф-д а р с” тизимининг асосчиси сифатида эътироф этилади. Ўқув йили, ўқув чораклари, ўқув ҳафтаси ва кунларини, таътилларни, мактабга ўқувчиларни қабул қилиш тартибини, шунингдек, дарсликларни яратишга қўйиладиган талабларни асослайди

Машҳур педагог ахлоқий тарбияни ташкил этишга жиддий эътибор қаратади ва уни ташкил этиш воситаларини кўрсатиб беради. Улар:

а) ота-она, ўқитувчи, ўртоқларининг намунаси;

б) болаларга йўл-йўриқ кўрсатиш, улар билан суҳбатлар ўтказиш;

в) болаларни яхши хулққа ўргатишда машқлар ўтказиш, ялқовлик, ўйламай иш қилишга, интизомсизликка қарши курашиш

Машҳур педагог таълимнинг сифатли ва самарали бўлишида ўқитувчининг роли, ўрнини муҳим деб ҳисоблайди. Шу боис унинг зиммасига катта талабларни юклайди. Булар:

1. Ўқитувчи истеъдодсиз, маълумотсиз бўлмаслиги лозим. Зеро, у инсон тарбияси, камолоти учун масъул шахсдир.

2. “Ер юзидаги ҳар қандай касбдан кўра юқорироқ турадиган жуда фахрли касб” эга бўлган ўқитувчи шахсини ҳурмат қилиш, унинг фаолиятини қадрлаш лозим.

3. Ўқитувчи ўз касбининг ижтимоий аҳамиятини муносиб баҳолай олиши, ўз вазифаларин сидқидилдан адо этиши, ўз қадр-қимматини ҳаққоний баҳолай олиши зарур.

4. Ҳар бир ўқитувчи ўзида ахлоқий (соф виждонли, ишчан, саботли, ахлоқли бўлиш) ва касбий (ўз ишини севиш, ўқувчиларга оталардек муомала қилиш, ўқувчиларда билимларни эгаллашга интилиш қобилиятини шакллантира олиш каби) фазилатларни шакллантира олган бўлиши зарур.

4. Ҳар бир ишда ўқитувчининг ўзи намуна кўрсатиши, ўқувчиларни ўзига эргаштира билиши унинг биринчи вазифаси бўлиши мақсадга мувофиқдир

2. Адольф Дистервег (1790-1866 йиллар) педагогик фаолиятининг етакчи ғоялари

Таниқли немис педагоги Фридрих Вильгельм Адольф Дистервег Вестфалиядаги саноат шаҳарчаси Зигенда чиновник-юрист оиласида туғилган. Дастлабки маълумотни ўрта мактабда олган. 1808 йилда Герборн университетига кириб, математика, фалсафа ва тарихни ўрганди. Тюбинген университетида ҳам таҳсил олган. Фалсафа фанлари доктори илмий унвонини олишга мушарраф бўлган. Аввал Мерс-Рейнда, сўнгра Берлинда педагогик семинарияларга раҳбарлик қилади. А.Дистервег семинарияда педагогика, математика, немис тили ва бошланғич таълимдан дарс бериб, дарслик ва қўлланмалар нашр қилди

А.Дистерверг математика, немис тили, география, математик география, астрономияга доир йигирмадан ортиқ дарслик ва қўлланмалар нашр қилди. Улар орасида энг машҳури “Немис ўқитувчиларини ўқитиш учун қўлланма” асари саналади. 1827 йилдан то умрининг охиригача “Тарбия ва таълим учун Рейн варақалари” номли журнал таъсис қилиб, унда педагогик масалаларга оид тўрт юздан ортиқ мақола чоп эттирди. Педагог ҳаётлик вақтидаёқ “немис муаллимларининг муаллими” деган фахрли номни олди. 1866 йилда вабо билан оғриб, навқирон ёшида вафот этди

Адольф Дистервегнинг педагогик ғоялари:

1. Аҳолининг барча қатлами таълим олиши мумкин бўлган ўқув муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш муҳим. Унга кўра таълим муассасаларини маълум турларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. М: камбағаллар учун – халқ мактаби, бюргер (ўртаҳол аҳоли учун) – реал ўрта мактаби, дворянлар ва чиновниклар учун – классик гимназия бўлиши мумкин.

2. Мактабнинг асосий вазифаси “чинакам пруссияликлар”ни эмас, балки инсонпарвар кишилар ва онгли фуқароларни тарбиялашдан иборатдир.

3. Ҳар бир ўқувчида нафақат ўз миллатига, балки бутун инсониятга нисбатан меҳр-муҳаббатни ривожлантириш лозим. Педагогнинг асосий шиори: “Инсон – менинг номим, немис – менинг лақабим”.

4. Тарбиянинг олий мақсади “ҳақиқатга, гўзалликка ва яхшиликка хизмат қилишга қаратилган ташаббускорликдир.

5. Тарбиянинг энг муҳим тамойили – бу унинг табиатга уйғун бўлишидир (Песталоцци каби).

6. Тарбия, яна шунингдек, миллатнинг маданий ривожланиши уйғун характерда бўлиши ҳам керак.

7. Моҳир педагогларнинг болаларни тарбиялашга доир иш тажрибаларини ўрганиш зарур.

8. Психология – тарбия тўғрисидаги фаннинг асоси

Маҳоратли педагог Песталоцци каби таълимнинг асосий вазифаси болаларнинг ақлий кучларини ва қобилиятларини ўстиришдан иборат; ўқувчининг мустақил олган билимлари ва малакалари амалий қимматга эга, деб ҳисоблайди

У ўқув фанларининг ўқувчиларни ҳар томонлама камолга етказишдаги ролини юқори баҳолайди. Айниқса, табиийёт, математика фанларининг аҳамиятини юксак баҳолаб, улар берди болаларнинг ақлий ўсиши учун муҳим восита эканлигини кўрсатди ҳамда барча типдаги умумтаълим мактабларида ушбу фанларнинг ўқитишни, уларнинг воситасида ўқувчиларни ҳаётга амалий тайёрлаш лозим деб ҳисоблайди

Таниқли педагог бошланғич таълимни шахсни маълумотли қилишдаги энг муҳим асос деб билади. Шу сабабли ана шу даврни ташкил этишга жиддий эътибор қаратишни таъкидлайди. А.Дистервег бошланғич мактабнинг ўқув режасига табиийёт, физика, амалий геометрия ва географиядан бошланғич маълумотларнинг киритилишини, режанинг кенгайтирилишни ёқлайди. Унинг фикрича, ўқитувчи бошланғич таълимда кўрсатмали ўқитиш йўли билан болалардаги барча сезги аъзоларини ўстиришга алоҳида эътибор бериши лозим

А.Дистервег ўқитишнинг 33 қонуни ва қоидаси тарзида баён қилинган такомиллаштирилиб бориладиган таълим дидактикасини яратди. Ушбу қоидалар орасида: “Ўқувчилар томонидан ўрганилган билимларнинг унутилишининг олдини олиш”, “Фанлар асосларини ўргатишда шошилмаслик” кабилар муҳим аҳамиятга эга

Таниқли педагог ўқитувчи шахси ва унинг фаолиятига юксак талаблари қўяди. Улар:

Ўқитувчи ўқитиш чоғида болаларнинг ташаббускорлигини ўстириши, уларни билимлар билан қуроллантириши лозим.

Ўқитувчининг ўқитиш ишини пухта ишланган ўқув режаси ва яхши дарслик асосида ташкил этиши кутилган натижаларни беради

Таълимнинг муваффақиятли бўлиши нафақат дарслик ёки қўлланиаётган методга, балки ўқитувчининг маҳоратига ҳам боғлиқ.

Яхши ўқитувчи матахассислик фани асосларини мукаммал эгаллаб олган бўлиши, ўз касбини ва болаларни севиши керак.

Дарсда барча ўқувчилар тетик бўлишлари, ўқитувчи ғайрат билан дарс бериш орқали уларнинг ақлий қобилиятларини ривожлантириши, иродаларини мустаҳкамлаши, характерларини таркиб топтириши керак.

Яхши ўқитувчи ўзининг тарбия тамойилларини қатъият билан, оғишмай амалий жараёнга татбиқ этиб боради

Ўқитувчи ўз устида мунтазам ишлаши лозим, шундагина у ўқувчиларни билимларни матонат билан эгаллашда ўргатади, қийинчиликни енга оладиган шахс этиб тарбиялайди.

Дистервег ўқитувчининг мустаҳкам характери ва ўткир ирода кучи ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Ўқитувчи қаттиқўл ва талабчан бўлиш билан бирга, адолатли бўлиши ҳам керак, фақат шундагина у ўз ўқувчилари орасида обрў қозониши мумкин.

Ўқитувчи ҳақиқий инсон, мустаҳкам эътиқодли бўлиши лозим.

Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни айтиб бериб қўя қолади, яхши ўқитувчи эса ҳақиқатни топишига ўргатади.

Ўқитувчилар ўзлари ўқитаётган фанга тааллуқли асарлар билан изчил танишиб боришлари керак. Қолаверса, тарих, адабиёт, педагогика, психология ва методикага доир манбалардан хабардор бўлиб туришлари зарур

Замонавий шароитда кўрсатмали таълимдан фойдаланишнинг афзалликларини кўрсатиб беради. У эътироф этаётган кўрсатмали таълим “яқиндан узоққа”, “оддий нарсалардан мураккаб нарсаларга”, “осонроқ нарсалардан қийинроқ нарсаларга”, “маълум нарсадан номаълум нарсага” ўтиш тамойилларига асосланиши лозим

3. Константин Дмитриевич Ушинский (1824-1870 йиллар)нинг таълим-тарбияни такомиллаштириш тўғрисидаги фикрлари

К.Д.Ушинский 1824 йилнинг 19 февралида Тула шаҳрида туғилган. 9 ёшга тўлгунча ўз оиласида савод чиқарган. Сўнгра Новгород-Северск гимназиясига ўқишга кирган. 1840 йили Москва университетининг юридик факультетига ўқишга кириб, у ерда таниқли педагоглар қўлида таҳсил олган. 22 ёшида Ярослав лицейига камераль (юридик) фанлар профессори вазифасини бажарувчи сифатида хизматига юборилган. Педагоглик фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ истеъдодли, маҳоратли ўқитувчи эканлигини исботлаган. Лицейда ишлаб юрган чоғларида педагоглик фаолиятини илмий-ижодий иш билан бирга қўшиб олиб борганлиги сабабли 1848 йилда унинг биринчи илмий иши бўлган “Камерал фанларни ўқитиш ҳақида” номли асари яратган.

Ўз асарида эска таълим тизимини танқид қилганлиги ҳукуматга ёқмайди. Шу сабабли 1849 йилнинг сентябрида К.Д.Ушинский, унинг дўстлари, демократик руҳдаги ўқитувчилар “ишончсиз кишилар” сифатида лицейдан четлатиладилар. Педагог иш топиш мақсадида 1949 йилда Петербургга кўчиб боради. Катта қийинчиликлардан сўнг 1850 йилда ички ишлар вазирлигига ишга кириб, у ерда тўрт йил кичик бир амалдор вазифасида ишлайди. 1854 йилда Ярославль лицейи собиқ директорининг тавсияси билан Гатчино институтига тил-адабиёт ва қонуншунослик ўқитувчиси бўлиб ишга киради. Тез орада шу институтнинг синфлар инспектори вазифасига кўтарилади. Бу йиллар К.Д.Ушинский учун сермаҳсул давр бўлган. 1859 йилда Смольний институтининг синфлар инспектори вазифасига тайинланиб, институтнинг илмий бўлим ишларини қайта ривожлантириш топшириғини аъло даражада бажаради

Моҳир педагог фаолиятида илмий-ижодий иш ҳам асосий ўринни эгаллаган. 1857 йилдан бошлаб “Тарбия журнали” (“Журнал для воспитания”)да, сўнгра “Халқ маорифи журнали”да ўз мақолалари билан иштирок этади. 1860 йилда “Халқ маорифи журнали”нинг муҳаррири қилиб тайинланади

1861 йилда “Болалар дунёси” (“Детский мир”) асарини, 1861 йилда I ва II ўқув йиллари учун “Она тили” дарслигини, “Муаллимлар учун қўлланма”, 1870 йилда эса III ўқув йили учун “Она тили” дарслигини, 1867-69 йилларда “Инсон – тарбия предмети сифатида” (“Педагогик антропологиядан тажриба”) номли асари ни нашр эттиради. Қаттиқ шамоллаш, зўр бериб ишлаши ва хизмати билан боғлиқ кўнгилсизликлар натижасида ўта толиққан К.Д.Ушинский 1870 йил 21 декабрда Одессада вафот этади

К.Д.Ушинский ўқитувчининг меҳнатини ва унинг тарбияланувчи шахсга таъсирини юқори баҳолаб, ўқитувчилар тайёрлаш тизимини биринчи марта илмий жиҳатдан асослаб беради

Таълимда икки йўналиш мавжуд. Биринчи йўналишга кўра болалар ўқитувчининг раҳбарлигида буюм ёки ҳодисани кузатадилар ва шу буюм ёки ҳодиса тўғрисида умумий тушунча ҳосил қиладилар. Иккинчи йўналишга кўра эса олинган билимлар умумлаштирилади ва мустаҳкамланади

Ҳар бир дарс маълум мақсадга қаратилган, тугалланган бўлиши ва етарли даражада тарбиявий характерга эга бўлиши лозим

Болаларда мустақил ишлаш қобилиятини ўстириш лозим. Бунда ўқитувчи мактабга янги кирган болаларга дарсда мустақил ишлашнинг тўғри усулларини ўргатиши керак. Болалар то мустақил ишлаш малакаларини мустаҳкам ўзлаштириб олмагунча, уларга уйга вазифалар бериш ярамайди

К.Д.Ушинскийнинг дарсларни бир неча турга ажратади. Улар:

1. Янги билим берадиган дарслар.

2. Ўқувчилар томонидан машқлар бажарилишини таъминлайдиган дарслар.

3. Ўтилганларни такрорлашга имконият яратадиган дарслар.

4. Ўқувчиларнинг билимини ҳисобга олиш дарслари.

5. Ёзма ишларнинг бажарилишини таъминловчи дарслар

Педагогнинг фикрича, ахлоқий тарбиянинг воситалари қуйидагилардир:

1. Таълим (ахлоқий тарбияда китоб ва дарсликларни ўрни).

2. Ўқитувчининг шахсан намуна бўлиши.

3. Эътиқод.

4. Ўқувчиларга моҳирлик билан муносабатда бўлиш (педагогик одоб).

5. Огоҳлантириш чоралари.

6. Рағбатлантириш ва жазолаш



13-расм. Таълим жараёнида ҳал этиладиган асосий дидактик вазифалар

Халқ тили – унинг қадим замонлардан бошланувчи бугунги маънавий ҳаётининг энг яхши, ҳеч қачон сўлмайдиган, доимо янгидан очилиб, яшнаб турадиган гули. Бутун халқ ва унинг ватани тил билан тирикдир. Буларнинг барчаси халқ ижод этган тил орқали ифодаланади

Халқ авлодлари бирин-кетин яшаб ўтаверади, аммо ҳар бир авлод ҳаётининг натижалари кейинги авлодларга тил орқали мерос бўлиб ўтади. Ҳар бир авлод ўз ҳис-туйғуларини, тарихий воқеалар, диний эътиқод, маслак натижаларини, бошидан кечирган қайғу ва хурсандчиликларини она тили хазинасига қўшади

Тил энг жонли, энг бой ва мустаҳкам алоқа воситаси бўлиб, халқнинг яшаб ўтган, яшаётган ва келажакда яшайдиган авлодларини бир-бирлари билан чамбарчас боғлайди, уларнинг улуғ, тарихий, жонли бир бутунга айлантиради. Тил бор экан, халқ ҳам бор, халқнинг ҳаёт эканлигини тил орқали билиш мумкин. Тил халқнинг ҳаётидир. Халқ тили йўқолганида халқнинг ўзи ҳам йўқ бўлади

К.Д.Ушинскийнинг энг муҳим педагогик ғоялари:

Тарбия халқчиллик тамойилига асосланиши зарур.

Тарбияда ифодаланадиган халқ руҳининг энг ёрқин ифодаси – бу она тили. Рус болаларини ўқитишда рус тили асос бўлиши, бошланғич мактабларда таълим рус тилида бўлиши, болалар Россия тарихи, географияси, табиати билан таништирилиб боришлари керак.

Тарбиянинг асосий вазифаси ахлоқий таъсир этишдан иборат, бу ақлни ўстириш, мияни билимлар билан тўлдиришдан кўра муҳимроқ.

Ахлоқий тарбия болаларда одамларга ҳурмат ва муҳаббат билан қарашни, уларга нисбатан самимий, хайрихоҳ ва адолатли муносабатда бўлишни ўстириши керак.

Эски мактабда интизом ниҳоятда ғайритабиий асосга, мукофотлар ва ёки жазолар улашиб берувчи ўқитувчидан қўрқиш асосига қурилган эди. Бу қўрқув болаларни зарарли ҳолатларга: сусткашликка, синф доирасидаги зерикишга ва иккиюзламачиликка олиб келди.

Агар тарбия кишини бахтли қилмоқчи бўлса, уни бахт учун тарбияламаслик керак, балки меҳнат учун тайёрлаши лозим.

Ўқиш меҳнат, меҳнат бўлиб қолиши, тўла маъноли меҳнат бўлиши лозим.

Тез-тез такрорлаш йўли билан ўқувчиларда унутишнинг олди олинади, уларнинг хотираси мустаҳкамланади.

Кўрсатмали таълим ўқувчиларнинг ривожланишини таъмин этадиган шартлардан биридир.

Ўқувчилар ўқув материалини англаб, пухта ва мустаҳкам ўзлаштиришлари зарур.

Ўқитувчининг ўқувчиларга намуна бўлиши ёш қалб учун қуёшнинг баракали нурики, уни ҳеч бир нарса билан алмаштириб бўлмайди.

Педагогнинг ўқувчиларга таъсири шундай тарбиявий кучга эгаки, буни ҳеч қандай устав ва дастур билан, ўқув юртини ҳар қанча қулай ташкил этиш билан алмаштириб бўлмайди.

Тарбия ишида мураббийнинг шахси энг асосий нарса

Бизда медицина факультетлари бор-у, педагогика факультетлари йўқ, бу шуни кўрсатадики, биз ахлоқий ва тарбиявий соғлиғимизга қараганда танамиз соғлиғини кўпроқ қадрлар эканмиз

5-қисм. Ҳозирги замон педагогикасида педагогик технология ва унинг моҳияти

Технология (юнонча “techne” – маҳорат, санъат; “logos” – тушунча, таълимот) – ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида хомашё, материал, ярим фабрикат ва шу кабиларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалари ва шаклини ўзгартиришда қўлланиладиган усуллар (методлар) мажмуи

“Педагогик технология” тушунчасига берилган таърифлар:

Амалиётга тадбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси (В.П.Беспалько)

Фан ва амалиёт оралиғида муайян тамойилларни олға сурувчи методлар ишлаб чиқарувчи, уларни изчил қўллаш каби масалаларни ҳал этишга йўналтирилган мустақил фан (Н.Ф.Талызина)

Технологик лойиҳага асосланган таълим жараёнини ташкил этиш усули бўлиб, у аввалдан белгиланган муайян қоида ва талабларга жавоб беради (С.К.Исламгулова)

Таълим шаклларини такомиллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида, уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, тадбиқ этиш ва аниқлашнинг изчил методи (ЮНЕСКО)

Педагогик мақсадларга эришиш йўлида фойдаланиладиган барча шахсий, ускунали ва методологик воситаларнинг тизимли йиғиндиси ва уларнинг амал қилиш тартиби (М.В.Кларин)

Таълим жараёнига нисбатан ўзига хос ёндошув; ижтимоий-муҳандислик тафаккурининг педагогик ифодаси, технократик онгнинг педагогикага кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандарти (Б.Л.Фарберман)

Дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришиш, таълим жараёнини аввалдан лойиҳалаштириш (У.Н.Нишоналиев)

Ўқитувчининг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароит ва изчилликда таъсир кўрсатиш ҳамда мазкур фаолиятнинг маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган сифатларни шакллантириш жараёни (Н.Саидаҳмедов)

Таълим методи – ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти усули бўлса, таълим методикаси эса муайян ўқув предметини ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини тавсифлайди

Таълим технологияси – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқаришни ифодалайди

“Таълим технологияси” тушунчаси эса луғавий жиҳатдан (инглизча “An educational technology”) – таълим жараёнини юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этиш борасида маълумотлар берувчи фан, таълимот маъносини англатади

Педагогик технологиянинг асосий муаммоси – ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлаш

Кишилик жамияти тараққиётининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини тўлақонли англаш имкониятига эга, фавқулодда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта олувчи малакали мутахассисни тайёрлаш каби талабларни қўйилмоқда



14-расм. Ижтимоий тараққиёт ва узлуксиз таълим мазмуни

“Таълим технологияси” назариясининг шаклланиш босқичи

№	Босқичлар	Йиллар	Таълим технологияси – ТТ
1.	I-босқич	XX аср 30-йиллар	ТТ = Птех: ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва воситалар йиғиндиси (педагогик техника – Птех)
2.	II-босқич	XX аср 50-йиллар	ТТ = Птех. + ТВ: таълим жараёнида техник воситаларни (ТВ) қўллаш, уларнинг имкониятларини такомилаштириш, ахборот сиғимини кенгайтириш, ахборотларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, ўқувчи фаолиятини индивидуаллаштириш:
3.	III-босқич	XX аср 60-йиллар	ТТ = Птех. + ТВ + ДТ + Дастурий таълим (ДТ) – таълим мақсадларининг аниқланиши, таълим жараёнини умумий лойиҳалаш, ўқувчилар томонидан назарий билимлар ўзлаштирилиши эҳтимолини олдиндан ташхислаш, таълим жараёни самарадорлигини аниқлаш, таълим мақсадининг натижаланганлигини ўрганиш, фаолият натижаларини таҳлил этиш
ТТ = Птех + ТВ + ДТ			

Таълим жараёнини лойиҳалаштириш – алоҳида олинган таълим жараёнини самарали ташкил этиш учун барча омилларни инобатга олган ҳолда унинг лойиҳаси (схемаси)ни ишлаб чиқиш



15-расм. Таълим жараёнини технологик лойиҳалаш босқичлари



16-расм. Педагогик технологиянинг умумий дидактик тамойиллари

XX асрнинг 80-йилларида таълим жараёнини ташкил этиш ўқувчиларга мавжуд фанлар соҳалари бўйича оз-оздан маълумот (билим) беришдан иборат деб талқин этилган бўлса, 90-йилларда ўзлаштирилган билимлар негизида муайян, аниқ фан бўйича янги маълумот (билим)ларга эга бўлиш учун қулай шароитни яратиш жараёни сифатида эътироф этилди



17-расм. Янги ўқув материалини ўзлаштириш даражалари

Педагогик технологиянинг асосий вазифалари:

1.Таълим (тарбия) жараёнининг умумий, яхлит лойиҳасини ишлаб чиқиш.

2. Таълим (тарбия) жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш.

3. Таълим (тарбия) жараёни моҳиятини башоратлаш (тахмин қилиш) ва унинг мазмунини ишлаб чиқиш.

4. Таълим (тарбия) жараёни самарадорлигини таъминлашга ёрдам берувчи энг самарали, мақбул шакл, метод, усул, техник воситаларни танлаш.

5. Таълим жараёнида ўқувчининг эркин, мустақил фаолият кўрсатиши учун муайян шарт-шароитларни яратиш, уларда маълум кўникма, малакаларнинг шаклланиши учун вақт ўрнини белгилаш, уларнинг билимлари даражасини аввалдан ташхислаш.

6. Ўқувчилар фаолиятини йўналтириш, назорат қилиш ва баҳолашни ташкил этиш.

7. Ишлаб чиқилган педагогик технология лойиҳасини жамаода синаш, мақсаднинг натижаланганлик даражасини таҳлил этиш

18-расм. Педагогик технология (вертикал тузилма)



19-расм. Педагогик технологиянинг ётиқ тузилмаси



20-расм. Педагогик технология турлари



21-расм. Педагогик жараёнда уюштириладиган мулоқотнинг асосий шакллари

Педагогик бошқариш ўзида икки йўналишни мужассамлаштиради:

1) фаолиятни бошқариш;

2) ўқувчилар жамоасини бошқариш

В.П.Беспальконинг фикрича, педагогик технологиянинг асоси бўлган педагогик тизим қуйидаги элементлардан ташкил топади:

1) ўқувчи;

2) таълим-тарбиянинг мақсади;

3) таълим-тарбия мазмуни;

4) ўқув жараёни;

5) ўқитувчи ёки техник воситалар;

6) таълим- тарбиянинг ташкилий шакллари



22-расм. Педагогик технологиянинг таркибий элементлари



23-расм. Ўқитиш технологиясини лойиҳалаш

Педагогик вазифани белгилашда қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир:

- таълим мақсадларини таҳлил этиш асосида ўқув предмети мазмунини аниқлаш;

ўқув предмети ахборот тузилмасини ишлаб чиқиш ва уни ўқув элементлари тизими кўринишида ифодалаш;

ўқувчиларнинг ўқув элементларини ўзлаштирилиш даражаларини аввалдан белгилаш;

ўқувчиларнинг дастлабки билим даражасини аниқлаш (бу кўрсаткич ўқув предметининг мазмуни асосланадиган ўқув материалини ўзлаштирганлик даражасидан келиб чиқади);

моддий база ва таълимнинг ташкилий шаклларига қўйиладиган чегараларни белгилаш

Педагог фаолиятининг мазмунини белгиловчи асосий омиллар:

1) бошқариш тури;

2) ахборот алмашиш жараёнининг тури;

3) ахборотни узатиш воситаларининг типлари ва билиш фаолиятини бошқариш



24-расм. Таълим жараёнини ташкил этиш шартлари



25-расм. Таълим технологиясининг функционал тузилмаси

Педагогик технология ғояларига кўра таълим жараёнида ўқувчи (талаба)нинг фаолияти етакчи ўринга чиқиши лозим. Унинг таълим жараёнидаги етакчилик роли қуйидаги педагогик вазифаларни ҳал этиш имконини беради:

- ўқувчида билимларни ўзлаштиришга бўлган ички эҳтиёж (рағбат)ни қарор топтириш;

- ўқувчида билимларни ўзлаштиришга нисбатан онгли ёндошувни ҳосил қилиш;

- ўқувчида мустақил фаолият юритиш кўникмаларини шакллантириш;

- ўқувчининг фаоллигини таъминлаш;

- ўқувчида мустақил фикр юритиш, назарий ва амалий билимлар моҳиятини таҳлил этиш, улар борасида хулосалар чиқариш, умумлаштириш ҳамда уларни ўз амалий фаолиятига тадбиқ этиш кўникмаларини юзага келтириш ва такомиллаштириш;

- ўқувчида ўз-ўзини назорат қилиш, баҳолаш сифатларини шакллантириш

Тарбия жараёнини технологиялаштириш – аниқ мақсадга ва ижтимоий ғояга асосланган ва ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ташкилий-техник жиҳатдан уюштирилиши

Тарбия жараёнини анъанавий ёндашув асосида ташкил этиш оқибатлари:

Ўқувчиларда тарбиявий тадбирларга нисбатан салбий муносабат шаклланади; мустақил фикрлаш ва ижодкорлик қобилиятининг тарбияланиши учун имконият яратилмайди; тарбиявий тадбирлар уларнинг шахс сифатида камол топишларини таъминлашга йўналтирилмай, синфнинг таълим муассасаси жамоаси олдида “сохта обрў” орттириши учун хизмат қилувчи восита эканлиги тўғрисидаги хулоса шаклланади

Тарбиявий тадбирларни ташкил этишга нисбатан технологик ёндошув қуйидаги ҳолатларнинг намоён бўлиши билан тавсифланади:

- тарбиявий тадбир мавзуси ва ғоясини ўқувчилар томонидан билдирилган шахсий ташаббуслар, уларнинг ҳоҳиш-истакларига кўра белгилаш;

- тарбиявий тадбир сценарийсини ишлаб чиқишда ўқувчиларнинг мустақил фаолият юритишлари учун шарт-шароитларни яратиш;

- тарбиявий тадбир мазмунида ўз ифодасини топган ролларнинг мажбурий тарзда эмас, балки ўқувчиларнинг лаёқати, қобилияти, шунингдек, қизиқишларини инобатга олиш асосида тақсимланишига эришиш;

- тарбиявий тадбирнинг ташкил этилиши ва ўтказилишида ўқитувчининг роли буйруқ беришдан иборат бўлмай, аксинча, ўқувчиларга йўл-йўриқ кўрсатиш, уларнинг фаолиятини йўналтириб туриш ҳамда зарур ўринларда маслаҳат бериш сифатида акс этишига эришиш;

- тарбиявий тадбир мақсадининг натижаланганлигини синф, гуруҳ ўқувчиларининг фаол иштирокига таянган ҳолда муҳокама қилиш

Тарбия жараёнини лойиҳалаш босқичлари:

1) тарбиявий тадбир мавзусига доир материалларни йиғиш;
2) тарбиявий тадбир мақсади ва вазифаларини белгилаш;
3) тарбиявий тадбирнинг мазмунини ишлаб чиқиш;
4) тарбиявий тадбир шакли, методлари ва воситаларини танлаш;
5) тарбиявий тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш (давомийлиги) вақтини белгилаш;
6) тарбиявий тадбир сценарийсини ишлаб чиқиш;
7) ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, уларнинг фаоллик даражаларини норасмий (ўқувчиларни бу ҳақида хабардор қилмасдан) баҳолаш;
8) лойиҳани амалий фаолиятда қўллаш;
9) тарбиявий тадбирни ташкил этиш жараёни;
10) тарбиявий тадбирнинг ўтказилиш ҳолати (самарали, самарасиз, муваффақиятли, муваффақиятсиз кечганлиги)ни муҳокама қилиш ва якуний хулоса чиқариш



26-расм. Педагогик технологиянинг ўзига хос муҳим хусусиятлари

Педагогик технологиянинг муҳим белгилари:

- **предметлилик** (педагогик технология назариясига оид барча атама, тушунча, категория ва таъкидлар бир предметли ёки муайян соҳага тааллуқли бўлиши керак);

- **мослик ёки тўлиқлик** (педагогик технология назариясининг тили, унинг асосий тушунчалари, категориялари, тамойиллари, моделлари ва ҳ.о.);

- **аниқлик** (объекти маъносини икки аспектда: амалий (тажриба) ва семантик (ифодавий, назарий) жиҳатдан ёритади);

- **текширувчанлик** (назариянинг реал объектга мослик даражасини текширади);

- **ҳаққонийлик** (педагогик технология назариясининг асосий таъкидлари ишончли бўлиши зарур);

- **тизимлилик** (техно-педагогик қонунларни табақалаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи алоқалари ёрдамида ягона тизимга бирлаштириш)



27-расм. Педагогик технология назариясининг таркибий унсурлари

Технологик паспорт (педагогикада) – таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари, уларнинг технологик тавсифини ёритувчи ҳужжат

Олий таълим муассасаларидаги ўқув машғулотининг технологик паспортида акс этадиган маълумотлар:

1) машғулот мавзуси;
2) маърузага ажратилган вақт;
3) талабалар сони;
4) ўқув машғулотининг шакли ва тури;
5) ўқув машғулотининг тузилиши;
6) ўқув машғулотнинг мақсади;
7) педагогик вазифалар;
8) ўқув фаолияти натижалари;
9) таълим методлари;
10) таълимни ташкил этиш шакли;
11) дидактик воситалар;
12) таълимни ташкил этиш шароити;
13) назорат шакли

Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув машғулотининг технологик паспорти

Маъруза мавзуси	
Маърузага ажратилган вақт	Талабалар сони
Ўқув машғулотининг шакли ва тури	
Ўқув машғулотининг тузилиши	
Ўқув машғулотнинг мақсади*:*	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Таълим методлари	
Таълимни ташкил этиш шакли	
Дидактик воситалар	
Таълимни ташкил этиш шароити	
Назорат	

Ўрта махсус таълим муассасаларида ташкил этиладиган машғулотнинг технологик паспортида акс этадиган маълумотлар:

1) дарс (машғулот) учун ажратилган вақт;
2) ўқувчилар сони;
3) дарснинг тури;
4) дарснинг тузилиши;
5) дарснинг мақсади:
а) таълимий мақсад;
б) тарбиявий мақсад;
в) ривожлантирувчи мақсад;
6) дидактик ва тарбиявий вазифалар;
7) дарс самараси (натижаси);
8) дарсда қўлланиладиган таълим методлари;
9) дарснинг ташкилий шакли;
10) дидактик воситалар;
11) дарсни ташкил этиш шароити;
12) ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш шакли

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ташкил этиладиган ўқув машғулотининг технологик паспорти

Дарс мавзуси	
Дарс (машғулот) учун ажратилган вақт	Ўқувчилар сони
Дарснинг тури	
Дарснинг тузилиши	
Дарснинг мақсади: таълимий; тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар	
Дидактик ва тарбиявий вазифалар:	Дарс самараси (натижаси):
Дарсда қўлланиладиган таълим методлари	
Дарснинг ташкилий шакли	
Дидактик воситалар	
Дарсни ташкил этиш шароити	
Ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш шакли	

Маънавий-маърифий тадбирларнинг технологик паспортларида акс этадиган маълумотлар:

1) тадбир мавзуси;
2) тадбирнинг ўтказилиш санаси;
3) тадбирни ўтказиш учун белгиланган масъул шахс;
4) тадбир иштирокчиларнинг ёш кўрсаткичлари;
5) тадбир иштирокчиларнинг тахминий сони;
6) тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад;
7) тадбирнинг ўтказилиш босқичлари;
8) тадбир жараёнида ҳал этиладиган вазифалар;
9) тадбирнинг ташкилий шакли;
10) тадбирнинг таркибий тузилиши (режаси);
11) тадбирда қўлланиладиган тарбия методлари;
12) тарбиявий воситалар;
13) тадбирнинг ташкил этиш шароити;
14) тадбир натижаси;
15) тадбир жараёнида иштирокчилар фаоллигининг таҳлили

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирнинг технологик паспорти

Тадбир мавзуси	
Тадбирнинг ўтказилиш санаси:	Ўқувчилар сони:
Дарснинг тури:	Тадбирни ўтказиш учун белгиланган масъул шахс:
Тадбир жараёнига қамраб олинадиган иштирокчиларнинг ёш кўрсаткичлари:	Тадбир иштирокчиларнинг тахминий сони:
Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад:	Тадбирнинг ўтказилиш босқичлари:
Тадбир жараёнида ҳал этиладиган вазифалар:	Тадбирнинг ташкилий шакли):
Тадбирнинг таркибий тузилиши (режаси)	
Тадбирда қўлланиладиган тарбия методлари:	Тарбиявий воситалар:
Тадбирнинг ташкил этиш шароити:	Тадбир натижаси:
Тадбир жараёнида иштирокчилар фаоллигининг таҳлили	

Технологик харита (педагогикада) – педагогик (таълим ва тарбия) жараённи бажарувчи ёки маълум объектга техник хизмат кўрсатувчи ўқитувчиларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳужжат

Таълим ёки тарбиявий жараёнда бажариладиган фаолият учун мўлжалланган технологик харита қуйидаги саволларга жавоб бера олиши лозим:

1. Белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган педагогик фаолият қандай босқичларни ўз ичига олади?
2. Ҳар бир босқичда аниқ қандай вазифаларни бажариш зарур?
3. Ҳар бир босқич вазифаларини бажаришда ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи (талаба)нинг фаолият мазмуни нимадан иборат бўлади?
4. Вазифалар қандай изчилликда бажарилиши керак?
5. Муайян вазифа айнан қайси вақтда бажарилиши зарур?
6. Ҳар бир вазифани бажариш учун қанча вақт талаб этилади?
7. Ҳар бир бажарилган вазифанинг аниқ натижаси қандай?
8. Вазифаларни бажариш учун зарур қандай асбоб-ускуналар, материаллар ёки воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ташкил этиладиган ўқув машғулотлари учун технологик харита (намуна)

Фан номи: _____ Синф (гуруҳ):_____Дарс №_____ Сана:_____		
Мавзу: _____		
Мақсад: 1) таълимий: _____		
2) тарбиявий: _____		
3) ривожлантирувчи: _____		
Дарснинг чорак (ёки семестр)даги ўрни: _____		
Дарс тури: _____		
Таянч тушунчалар: _____		
Фанлараро алоқадорлик: _____		
Кўргазмали қуроллар: _____		
Таълим воситалари: _____		
Ўқув жиҳозлари: _____		
Педагогик фаолият шакли: _____		
Дарс учун белгиланган шиор: _____		
Дарснинг бориши		
Дарс босқичлари	Метод ва усуллар	Фаолият мазмуни
I. Ташкилий босқич		
II. Ўқув материалининг ўзлаштирилганлик даражасини ҳар томонлама текшириш		
III. Ўқувчиларни ўқув материалини фаол ўзлаштиришга тайёрлаш		
IV. Билишга доир вазифаларнинг қўйилиши		
V. Янги билим ва ҳаракат усулларини ўзлаштириш		
VI. Янги материалнинг ўқувчилар томонидан тушунилишини дастлабки текшириш		
VII. Маълум жисмоний машқларни бажариш учун танаффус		
VIII. Ўзлаштирилган билим ва ҳаракат усулларини мустаҳкамлаш, ўз билимини мустақил текшириш		
IX. Билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш		
X. Рефлексия (хатти-ҳаракатлар моҳиятини англаш)		
XI. Уй вазифаларини бериш		
XII. Дарсни якунлаш		

Шахсга йўналтирилган таълим - таълим жараёнининг асосий объекти ўқувчи (талаба, тарбияланувчи) бўлиб, унинг шахси, қадр-қимматини юқори ўринга қўйадиган ҳамда асосий эътиборни интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарашини бойитиш, маънавий-ахлоқий тафаккурини ривожлантиришга қаратадиган педагогик фаолият тури

Асосий турлар

Муаммоли таълим	Модул таълими	Дастурий таълим
Ривожлантирувчи таълим	Ўйин технологиялари	Интерфаол таълим
Ҳамкорлик таълими	Табақалаштирилган таълим	Индивидуал таълим
Масофавий таълим	Мустақил таълим	Инновацион таълим

28-расм. Шахсга йўналтирилган технологияларининг асосий турлари

Интерфаол методлар – таълим жараёнида ўқувчилар ҳамда ўқитувчи ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш, фаолликни ошириш таълим олувчилар томонидан билимларни самарали ўзлаштириш, уларда шахсий сифатларни ривожлантиришга хизмат қиладиган методлар

3-БЎЛИМ. ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТ

Режа:

1. Қобилиятнинг психологик-педагогик тавсифи.
2. Педагогик қобилият.
3. Педагогик қобилият турлари.
4. Ўқитувчиларда педагогик қобилиятнинг намоён бўлиши.
5. Эмпатия ва перцептив қобилиятлар.
6. Дидактик, ташкилотчилик, конструктив, коммуникатив, билиш ва англаш қобилиятлари.
7. Ўқитувчиларга хос ноёб қобилиятлар.
8. Педагогик қобилиятни ривожлантириш йўллари ва методлари

1. Қобилиятнинг психологик-педагогик тавсифи

Қобилият – шахснинг осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусият (Психология. Қисқача изоҳли луғат /Тузувчилар: М.Г.Давлетшин ва бошқалар. Масъул муҳаррир: М.Г.Давлетшин. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 1998. – 18-бет)

Қобилиятнинг етакчи хусусиятларидан бири – нарса ва ҳодисалар моҳиятини ижодий тасаввур қилишдир (Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул муҳаррир А.Мажидов. – Тошкент: “O’bekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 513-бет)

Асосий турлар

Умумий қобилиятлар – шахс фаолиятининг асосий турларида намоён бўлади

Махсус қобилиятлар – касбий фаолиятнинг айрим турлари (м: математик, техник, мусиқа, тасвирий санъат, адабиёт (поэзия ва проза), жисмоний тайёргарлик ва бошқалар)да намоён бўладиган қобилиятлар

29-расм. Қобилият турлари

2. Педагогик қобилият

Педагогик қобилият – педагогга хос бўлиб, педагогик фаолиятни оқилона ташкиллаштириш ва олиб борилишига имкон берадиган, амалий вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда аҳамиятли бўлган хусусиятлар

Педагогик қобилиятнинг устувор хусусиятлари

- педагогик такт (педагогнинг ўқувчилар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулоқотда мавжуд ахлоқий тамойиллар ҳамда ҳулқ-атвор қоидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ёндашиш малакаларига эгалиги);
- педагогик кузатувчанлик (ўқитувчининг ўқувчиларга хос бўлган ҳатто энг оддий хусусиятларни ҳам пайқаб олиш қобилиятига эгалиги);
- болаларга бўлган муҳаббат (ўқувчиларга меҳр қўя олиш, уларга меҳрибонлик кўрсатиш, ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, орзу-умидлари, ҳаётий интилишлари билан ўртоқлашиш, улар учун қийин бўлган вазиятларда ғамхўрлик қилиш);
- билимларни узатишга бўлган эҳтиёж (педагог сифатида ўзидаги мавжуд билимларни ўқувчиларга беришга интилиш)

3. Педагогик қобилият турлари



30-расм. Педагогик қобилият асосий турлари (Ф.Н.Гоноболиннинг ёндашувига кўра)

31-расм. Педагогик қобилият турлари
(В.А.Крутецкийнинг ёндашувига кўра)

Замонавий шароитда ҳар бир ўқитувчи ўзида қуйидаги педагогик қобилиятларни тарбиялай олиши керак

- педагогик кузатувчанлик;
- педагогик хаёл (фантазия);
- характер сифатларининг тарбияланишига бўлган талабчанлик;
- педагогик такт;
- ташкилотчилик қобилиятлари;
- нутқ маданиятига эгалик.
- мулоқотга киришувчанлик;
- ҳиссий сезгирлик (касбий зийраклик, бошқаларга ҳамдард бўла олиш, ички сезгига эга бўлиш);
- ҳаракатчанлик, таълим жараёни иштирокчиларига иродавий таъсир кўрсатиш ва ишонтириш қобилиятига эгалик;
- ҳиссий барқарорлик (ўз-ўзини тута билиш, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини назорат қилиш);
- келажакни мақбул ҳолда башоратлай билиш;
- касбий мустақиллик, ижодий қобилиятга эгалик

4. Ўқитувчиларда педагогик қобилиятнинг намоён бўлиши

Ўқитувчиларда педагогик қобилият намоён бўладиган шароитлар:

- дарсга тайёргарлик кўриш жараёни;
- дарс лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёни;
- таълим жараёни;
- ўқувчиларнинг фаолиятларини назорат қилиш жараёни;
- ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларини баҳолаш жараёни;
- дарсдан ва таълим муассасасидан ташқарида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш жараёни;
- маънавий-маърифий ишларни ўтказиш жараёни;
- ахборот соатларини ташкил этиш жараёни;
- ҳар бир ўқувчига ва гуруҳ жамоасига ёндашув жараёни; ота-оналар билан мулоқотда бўлиш жараёни;
- ҳамкасблар билан мулоқотда бўлиш жараёни;
- таълим муассасасининг раҳбарияти билан мулоқотда бўлиш жараёни;
- шахсий фаолиятни таҳлил қилиш жараёни;
- ўз устида ишлаш жараёни ва бошқалар

5. Эмпатия ва перцептив қобилиятлар

Педагогик ҳамдардлик (эмпатия) – педагог томонидан таълим жараёни иштирокчилари: ўқувчилар, талабалар, тарбияланувчилар, ота-оналар ва ҳамкасбларининг хатти-ҳаракатлари, ҳиссиётлари, ҳаётий интилишлари, табиатларини тушуниш, бошқалар нуқтаи назарини маъқуллаш асосида жамоадаги муносабатларни меъёрда ташкил этилишини таъминлаш бўлиб, бунда педагог ўқувчи шахси, унинг истакларини тушуниш ва шу орқали ўқувчиларга самарали таъсир этиш зарурлигини англайди

Перцептив қобилиятлар – шахснинг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, ўқувчининг психик ҳолатларининг нозик жиҳатларини тушуна олиш қобилияти бўлиб, уни шакллантиришда ўқитувчининг ҳис-туйғуга, ҳиссиётга бойлиги, таъсирчанлиги, толерантлиги асосий ўрин тутади

Асосий турлари

Педагогик зйраклик

Ўқувчилар руҳий ҳолатларини, дарс, тарбиявий тадбирларни ўтказишга бўлган иштиёқларини тўғри баҳолаш, уларнинг ўзаро ёки педагоглар билан зиддиятларини англаш, ўқувчи ва гуруҳга таъсир кўрсатишда қулай вазиятини танлай билиш

Педагогик эмпатия

Ўқувчиларнинг ички ҳолатини, ўй-фикрларини ва ҳис-туйғуларини тушуна олиш; бошқаларнинг бошига тушган кулфат, фалокатлардан қайғуриш; ролларни қабул қилиш – оғир вазиятда бўлган кишиларнинг ўрнига ўзини тасаввур, мушоҳада ёрдамида қўйиб кўрган ҳолда улардаги ижобий ҳис-туйғуларини қайта тиклашга кўмаклашиш; ўзгаларнинг қайғу-аламларидан, кулфатларидан қайғуриш, кўнгилни кўтарувчи, таскин берувчи сўзлар билан оғир вазиятда қолган ўқувчиларга ижобий таъсир кўрсатиш

Педагогик интуиция

Интуиция (лотинча “intueri” – синчиклаб, диққат билан қараш) – педагог томонидан педагогик воқеа-ҳодисанинг моҳиятини, ўқувчи хатти-ҳаракатлари мазмунини тасаввур, эмпатия ва орттирилган тажриба асосида ҳис-туйғу, сезги ёрдамида, зийраклик билан мантиқий далилларсиз бевосита англаш

32-расм. Перцептив-педагогик қобилиятнинг асосий турлари



33-расм. Перцептив-педагогик қобилиятда акс этувчи сезгирлик турлари

Перцептив-педагогик қобилиятларнинг мавжуд даражаси педагогик интуицияни шакллантиришга хизмат қилади

Интуиция – мантиқий боғланмаган ёки мантиқий хулосага келиш учун етарли бўлмаганда қидирув йўналишлари асосида масалани ечишнинг таркибини бўлган эврестик (унумли ижодий фикрлаш) жараёни

Интуиция учун хос бўлган белгилар:

- тезкорлик, баъзан лаҳзада шаклладиган фараз ва масаланинг ечими;
- фараз ва масала ечимининг етарли даражада мантиқий асосланмаслиги;
- “ижобий” интуиция қарор қабул қилишда намоён бўлади;
- “салбий” интуиция эса қарор қабул қилингандан кейин намоён бўлади

6. Дидактик, ташкилотчилик, конструктив, коммуникатив, билиш ва англаш қобилиятлари

Дидактик қобилият – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоён бўлиб, таълим жараёнини ҳеч бир қийинчиликсиз, осонлик билан ташкил этилишини таъминловчи индивидуал психологик хусусият

Ўқитувчининг дидактик қобилиятга эгалиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- ўқув материалини мақсадга мувофиқ танлай билиш;
- таълим мақсадини аниқ белгилай олиш;
- таълимий вазифаларни оқилона белгилаш;
- ўқув материалларини аниқ, осон тушунтириш;
- ўқувчиларда фанларга қизиқишни уйғота олиш;
- ўқувчиларда ўқув фаоллигини кучайтира билиш;
- ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантира олиш

Ташкилотчилик қобилияти – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоён бўлиб, таълим ва тарбия жараёнларини педагогик талабларга мувофиқ ташкил эта олиш, ўқувчилар жамоасини самарали бошқаришни таъминловчи индивидуал психологик хусусият

Ўқитувчининг ташкилотчилик қобилиятга эгалиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- педагог фаолиятини тўғри ташкиллаштириш;
- ўқувчилар жамоасини самарали бошқариш;
- жамоани мустаҳкам жипслаштира олиш;
- ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини муваффақиятли бошқариш;
- ўқувчиларда илмий билимларни ўзлаштириш кўникма, малакаларини шакллантира билиш;
- дарс жараёнида вақтни тўғри, оқилона тақсимлаш ва режани самарали, тўлақонли бажариш;
- ўқувчилар билан индивидуал ишларни изчил ташкил этиш;
- гуруҳ жамоаси билан доимий равишда жамоавий ёки гуруҳли ишларни олиб бориш;
- ўқувчиларни таълим муассасаси ички тартиб-қоидаларига қатъий риоя этишга одатлантириш;
- ўқувчиларга уларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятларни инобатга олган ҳолда ўқув ва ижтимоий топшириқларни бериш;
- ўқувчиларнинг диққатини муваффақиятли бошқариш;
- ўқувчилар ўртасида қизғин баҳс-мунозарани ташкиллаштириш ва уни самарали бошқариш;
- дарсларда ўйин технологияларидан фойдаланиш ва унда барча ўқувчиларнинг бирдек фаол иштирок этишларига эришиш;
- ўқувчиларнинг ўқув фаолликларини самарали ошириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш;
- ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорликда тарбиявий ишлар рўйхатини ишлаб чиқиш

Конструктив қобилият – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоён бўлиб, ўқув машғулотлари ёки тарбиявий тадбирларни методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштириш, якуний натижаларни қўлга киритишга имкон берувчи самарали йўл ва воситаларни топишга имкон берадиган индивидуал психологик хусусият

Ўқитувчининг конструктив қобилиятга эгалиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- алоҳида-алоҳида маълумотлардан фойдаланган ҳолда яхлит ўқув ва тарбиявий характердаги материални шакллантириш;
- ўқув материалини турли расм, сурат, жадвал, диаграмма, модел ва бошқалар билан бойитиш;
- ўзига хос, оргинал ўқув материалини тайёрлаш;
- мустақил равишда янги методни асослаш;
- ўқув машғулоти (дарс) ва тарбия тадбир учун кўрсатмали қуроллар тўпламини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик паспорти, харитасини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирда фойдаланиш учун мультимедия материалларини яратиш;
- ўқув материалининг тақдимот вариантини тайёрлаш;
- турли мавзулардаги тарбиявий тадбирлар учун ўқувчиларнинг фаол иштирокида видео роликлар яратиш;
- дарс конспектини тайёрлаш;
- турли шакл ва методларга асосланган синов топшириқлари (савол, топшириқ, масала, мисол, машқ, тест), баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- назорат ишларини ташкил этишга ижодий ёндашиш

Коммуникатив қобилият – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоён бўлиб, таълим жараёнининг иштирокчилари – ўқувчилар, ота-оналар, ҳамкасблар ва таълим муассасасининг раҳбарлари билан осон мулоқотга киришиш, улар билан муносабатни тўғри йўлга қўйишга ёрдам берадиган индивидуал психологик хусусият

Ўқитувчининг конструктив қобилиятга эгалиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- ўқувчилар, ота-оналар, таълим муассасаси раҳбарияти, ҳамкасблар билан мулоқотда турли шакл, методлардан фойдаланиш;
- педагогик амалиётнинг барча иштирокчилари билан амалий, ишчанлик ёки шахсий муносабат ўрнатиш;
- ўқувчиларга маълумотларни етказишнинг самарали йўл ва воситаларини топиш;
- топшириқлар юзасидан ўқувчининг жавоби ёки шахсий фикрларини тинглай билиш;
- педагогик жараёнларда юзага келадиган низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш ёки ривожлантириш;
- жамоа ва турли босқичдаги ўқувчилар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш;
- жамоада соғлом рақобатга асосланган муҳитни қарор топтириш;
- ўқувчиларнинг фаолиятларини рағбатлантириш;
- ўқувчи жавобидаги хато ёки хатти-ҳаракатидаги камчиликларга муносабат билдириш;
- ўқувчилар билан таълимий ҳамкорликка эришиш

Билиш қобилияти – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоён бўлиб, таълим жараёнининг иштирокчилари – ўқувчилар, ота-оналар, ҳамкасблар ва таълим муассасасининг раҳбарлари билан осон мулоқотга киришиш, улар билан муносабатни тўғри йўлга қўйишга ёрдам берадиган индивидуал психологик хусусият

Ўқитувчининг билиш қобилиятига эгалиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, жамоанинг ижтимоий-психологик ўзига хослигини инобатга олган ҳолда ўқув-тарбиявий вазифаларни аниқ белгилаш;
- замонавий таълим талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув-тарбия жараёнини дидактик, психологик ва методик жиҳатдан режалаштириш ва таҳлил қилиш;
- таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситаларни асосли равишда танлай олиш;
- ўқувчилар томонидан ўқув дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда материалларни ўзлаштирганлик натижаларини, ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини аниқлай билиш;
- ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқиш, эҳтиёж ва фаолликларини ривожлантириш бўйича турли кўринишдаги ишларни олиб бориш;
- дарсда, дарсдан ташқари шароитларда, куни узайтирилган гуруҳларда, тўгарак, клуб ёки жамиятларда турли тарбиявий ишларни олиб бориш;
- ўқувчилар, уларнинг ота-оналари билан индивидуал ишларни амалга ошириш;
- ўқувчиларда соғлом турмуш кечиришга бўлган эҳтиёжни шахсий ва умумий гигиенага амал қилиш кўникмаларини, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш малакаларини шакллантириш;
- таълим жараёнида турли кўрсатмали қуроллар, замонавий техник воситалар, ахборот ва илғор педагогик технологияларидан самарали фойдаланиш;
- дидактик материал ва кўрсатмали қуролларни ишлаб чиқиш;
- ота-оналарни педагогик билимлар асослари, болаларнинг асосий ёш хусусиятлари, психологик ўзига хосликлари, турли ёш босқичларида фарзандлар билан ота-оналар ўртасида кечадиган муносабатлар моҳиятидан хабардор қилиш;
- ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш ва шахсий фаолиятда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш

Англаш қобилияти – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоён бўлиб, таълим ва тарбия жараёнининг моҳияти, қонуниятлари, ўқувчиларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятлари, таълим иштирокчилари ўртасидаги муносабат мазмуни, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш шартлари ҳамда кутиладиган натижаларни англашга имкон берадиган индивидуал психологик хусусият

Ўқитувчининг англаш қобилиятга эгалиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим ва тарбия жараёнининг моҳияти тушуниш;
- уларнинг ўзига хос жиҳатларидан хабардор бўлиш;
- педагогик фаолиятда таълимй ва тарбия жараёнлари қонуниятларига таяниш иш кўриш;
- ҳар бир ўқувчини шахс сифатида тушуна олиш;
- ўқувчиларнинг ёш, психологик ҳамда шахсий хусусиятларини кўра билиш ва оқилона баҳолай олиш;
- ўқувчилар билан муносабат ва мулоқотни ташкил этиш шартларидан хабардор бўлиш;
- таълим иштирокчилари ўртасидаги низоларни уларнинг моҳиятига кўра баҳолаш;
- ижобий низоларни ривожлантира билиш;
- салбий низоларни ўз вақтида англаш ва уларни бартараф этиш йўлларидан хабардор бўлиш;
- рағбатлантириш ва жазолашнинг ўқувчиларга таъсирини муносиб баҳолаш;
- ўқувчилар фаолиятини ҳаққоний баҳолашнинг педагогик таъсирини башоратлай олиш;
- педагогик фаолиятнинг ижтимоий ва шахсий аҳамияти тўғри баҳолаш;
- ўз фаолиятидан қониқиш учун асосларни топа билиш

7. Ўқитувчиларга хос ноёб қобилиятлар

Ноёб қобилиятлар – шахсга хос индивидуал психологик хусусиятнинг шундай тури бўлиб, у жуда кам сонли шахслардагина кузатилади ва кўп учрайдиган психологик ҳодиса саналмайди

Маҳоратли ўқитувчиларда қуйидаги ноёб қобилиятлар ҳам кўзга ташланади:

- бир вақтнинг ўзида бир неча фаолиятни бажара олиш (масалан, эшитиш, кўриш, ўқиш, ёзиш, фикр юритиш, мулоқот қилиш ва бошқалар);
- атрофида кечаётган икки ёки бир неча воқеликни бирдек қабул қилиш (жумладан, бир ўқувчининг маърузасини эшитгани ҳолда, синфдаги бошқа ўқувчиларнинг фаолиятларини кузата олиш);
- ўта қизиқувчанлик (табиат ва жамиятда кечаётган ҳар бир воқеа-ҳодиса (гарчи улар энг аҳамиятсиз, эътиборга ташланмайдиган бўлса-да) моҳиятини билишга интилиш, ҳаддан зиёд кўп саволларга жавоб топишга интилиш);
- мия фаолиятининг биокимёвий ва электрик фаоллиги (мия деярли тўхтовсиз фаолият кўрсатиб, ниҳоятда кам вақт "дам олади", билиш жараёнида ноаниқликлар кўзга ташланса, улар тезда бартараф этилади;
- уйқучанлик қобилиятли педагогларга хос хусусият эмас);
- нутқи ва фантазиясининг бойлиги (қобилиятли ўқитувчиларнинг аксарияти ниҳоятда бой нутққа эга, шунингдек, уларда фантазия (тасаввур қилиш) қобилияти беқиёс даражада кучли);
- кучли хотира (йирик ҳажмдаги матнни, жумладан, достонларни бир марта ўқиш билан тўлалигига ёдлаб олиб, уни сўзма-сўз қайта ҳикоя қилиб бериш қобилияти)га эгалик кабилар алоҳида ўрин тутади

(Худойбергенова Ў. Иқтидорли болаларни ўқитишга ихтисослашган мактаблар фаолияти самарадорлигини оширишнинг педагогик асослари: Пед.фанл.номз... дисс. – Тошкент: 2006. – 20-21-бетлар)

8. Педагогик қобилиятни ривожлантириш йўллари ва методлари

Педагогик қобилиятни ривожлантириш – мутахассис сифатида фақат педагог (ўқитувчи)ларгагина хос бўлган қобилиятларни янада бойитиш ва такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитни яратиш



34-расм. Педагогик қобилиятни ривожлантириш йўллари



35-расм. Педагогик қобилиятни ривожлантириш шакллари



36-расм. Педагогик қобилиятни ривожлантириш методлари

4-БЎЛИМ. ПЕДАГОГИК НАЗОКАТ ВА ОДОБ-АХЛОҚ

Режа:

1. Педагогик одоб.
2. Педагогик одобга қўйиладиган талаблар.
3. Педагогик одобнинг асосий шакллари.
4. Педагогик такт (назокат).
5. Педагогик такт (назокат)нинг таркибий элементлари.

1. Педагогик одоб

Педагог фаолиятида унинг одоби ҳам яққол акс этади. Қолаверса, педагогик одоб таълим ва тарбия жараёнлари муваффақиятини таъминловчи муҳим талаб ҳамда омиллардан бири саналади

Педагогик одоб – бу педагог (ўқитувчи) олдига унинг ўзига, касбига, жамиятга, болаларга ва ўқув-тарбия жараёнининг бошқа иштирокчиларига муносабатда бўлишига нисбатан қўйиладиган ахлоқий талаблар тизими

2. Педагогик одобга қўйиладиган талаблар

Педагогик одобга қўйиладиган талаблар педагог (ўқитувчи) томонидан ташкил этиладиган педагогик меҳнат, фаолият жараёнини бошқарувчи муҳим омил ҳисобланади. Педагог одоб талабларининг тизими педагог (ўқитувчи) томонидан касбий бурчни адо этиш, жамият, педагогик жамоа ва ўқувчи (талаба, тарбияланувчи) олдидаги ахлоқий мажбуриятларини бажаришида ўзига хос аҳамият касб этади

Педагогик одоб педагогик ахлоқ ва педагогик жараёнда намоён бўладиган ахлоқий қадриятлар каби асосий категорияларнинг моҳиятини ёритишда етакчи ўрин тутади. Педагог фаолиятида ҳам барча умуминсоний ва миллий ахлоқий қадриятлар етакчи ўрин тутади. Шундай бўлса-да, педагогик одоб сирасида педагогик қарашларни, педагогик фаолият ва муносабатни ифодаловчи муҳим категориялар асосий ўринни эгаллайди

3. Педагогик одобнинг асосий шакллари



37-расм. Педагогик одобнинг асосий шакллари

Эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик, тўғрисўзлик ва ёлғончилик, раҳмдиллик ва шафқатсизлик, кўнгли оқлик ва кўнгли қоралик, ватанпарварлик ва ватанфурушлик, тинчлик ва уруш каби умуминсоний ахлоқий қадриятлар инсонлар ҳаёти, турмуш тарзи ва хатти-ҳаракатларида ўзига хос ўлчов бўлиб хизмат қилади

Касбий-педагогик бурч

Педагог ҳам ўз фаолиятида юқорида кўрсатилган қадриятларни улуғлай олиши, уларга таянган ҳолда фаолиятни ташкил этиши лозим. Шунингдек, ҳар бир педагог касбий-педагогик бурчини тўла англай олиши, уни адо этиш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил эта билиши зарур. Педагог томонидан жамият, унинг аъзолари, педагогик ва ўқувчилар жамоаси олдида қандай вазифаларни бажариши зарурлигини, касбий-педагогик бурчни бажаришда қандай тамойилларга таянишни аниқ белгилаб олиниши ҳам шахс, ҳам мутахассис ва фуқаро сифатида ўз мавқеини мустақил белгилаш имкониятини яратади. Агарда у ўз касбий фаолиятини мавжуд ахлоқий тамойилларга мувофиқ ташкил эта олса, у ҳолда ўз-ўзига бўлган ҳурмати ортади, ўз кучига ишонч пайдо бўлади. Бу эса педагогни янгидан янги ютуқларни қўлга киритишга рағбатлантиради. Агарда борди-ю, педагог касбий-педагогик бурчини англаса-да, бироқ, уни мавжуд ахлоқий талабларга мувофиқ ташкил эта олмаса, у ҳолда, энг аввало, ўзига бўлган ҳурматни йўқотади, ўзини шахс сифатида юқори баҳолай олмайди

Адолат – муайян воеқа-ҳодиса, жараён, шунингдек, шахс хатти-ҳаракатларини уларнинг туб моҳиятига кўра ҳаққоний баҳолаш бўлиб, у тарихий шарт-шароит ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан белгиланади

Адолатнинг ахлоқий жиҳати инсонлараро муомалада бир хил муносабатда бўлишни, бир-бирининг иззат-нафсига тегмасликни, ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилишликни билдиради (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-том. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. – 134-бет)”. Қолаверса, адолат инсоний қадр-қиммат билан унинг жамият томонидан тан олинганлиги, мавжуд ахлоқий қоида ва мажбуриятлар ўртасидаги ўзаро мутаносибликни тавсифлашга хизмат қилади

Педагогик мажбурият – жамият томонидан ўқитувчи шахсига, у томонидан бир қатор педагогик мажбуриятларнинг бажарилишига нисбатан қўйиладиган талаб ва ахлоқий йўл-йўриқ, кўрсатмалар мажмуаси

Педагог касбий фаолиятни ташкил этишда қуйидаги мажбуриятларни бажара олиши зарур:

- муайян меҳнат вазифаларини, асосан, ақлий меҳнат вазифаларини амалга ошириш;

- ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкасблар билан ўзаро муносабатни тўғри ташкил этиш;

- танлаган касбига, ўқувчилар ва педагогик жамоага ҳамда жамиятга бўлган шахсий муносабатини чуқур англаш

Педагогик мажбуриятлар сирасида, яна шунингдек, касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий муносабатда бўлиш, ўзига нисбатан талабчанлик, касбий билимларини бойитиб ва педагогик малакасини оширишга интилиш, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан ўзаро ҳурматга асосланган ва талабчан муносабатни ўрнатиш, мураккаб педагогик низоларни ижобий ҳал қилиш кўникмаларини ўзлаштириш кабиларни ҳам кўрсатиш зурур

Педагогнинг педагогик обрўга эга бўлиши у томонидан ташкил этиладиган касбий фаолият самарадорлигини кафолатлайди

Педагогик обрў – бу педагогнинг ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, педагогик жамоа, шунингдек, жамият томонидан эътироф этилган ахлоқий мақоми

Педагог ўзи томонидан қозонган обрўга таяниб, ўқувчи (талаба, тарбияланувчи)ларнинг ҳулқ-атворларини бошқаради, уларнинг ишончларини қозонади. Педагогик обрў педагогнинг маънавий-ахлоқий ва педагогик-психологик тайёргарлигини ҳам ифодалайди. Педагог эга бўлган обрў даражасини унинг чуқур билими, заковати, маҳорати, ўз ишига бўлган муносабати ва бошқалар белгилайди

Маҳоратли педагог фаолиятида педагогик такт ҳам ўзига хос ўрин тутади ва ўқитувчи фаолиятига ғоявий ва амалий жиҳатдан бир-бирига мос келадиган педагогик ахлоқнинг бевосита татбиқ этишнинг шакли сифатида намоён бўлади. Шунга кўра педагогик такт ўз моҳиятига кўра ижодий изланишни талаб этадиган амалий ҳаракатдир

4. Педагогик такт (назокат)

Такт (даҳлдорлик) – бу ахлоқий ҳулқ-атвор, хатти-ҳаракат бўлиб, ўзида барча объектив ҳаракатларнинг оқибати ва уларнинг шахс томонидан субъектив қабул қилишни аввалдан кўра олиш, белгиланган мақсадга осонроқ эришиш йўлларини излашнинг намоён бўлишини ифодалайди

Педагогик такт – педагогнинг ўқувчилар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулоқотда мавжуд ахлоқий тамойиллар ҳамда ҳулқ-атвор қоидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ёндашиш малакаларига эгалиги

5. Педагогик такт (назокат)нинг таркибий элементлари

Ўқитувчига хос бўлган педагог тактнинг асосий таркибий элементлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

1) шахсга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

2) юксак талабчанлик;

3) суҳбатдошни қизиқиш билан тинглай олиш ва унга нисбатан қайғуриш малакаси;

4) руҳий барқарорлик, дадиллик ва оғир вазминлик;

5) муносабатлар жараёнида ишонч билан сўзлай олиш;

6) қатъиятлилик (қайсарлик эмас);

7) ўқувчиларга нисбатан эътиборли ва хушёр бўлиш

(http://imp.rudn.ru/psychology/pedagogical_psychology/13.html)

Талабаларга педагогик маҳорат асосларига доир билимларни беришда уларда педагогик тактнинг қуйидаги элементларини тарбиялашга жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш ва унга нисбатан талабчанлик;

- барча фаолият турлари бўйича ўқувчиларда мустақилликни ривожлантириш ва уларнинг ишларига оқилона педагогик раҳбарлик қилиш;

- ўқувчиларнинг руҳий ҳолатига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳамда унга нисбатан юксак идрок билан изчил талаблар қўйиш;

- ўқувчиларга ишониш ва уларнинг ишларини тизимли назорат қилиб бориш;

- ўқувчилар билан мулоқотни ташкил этишда ўзини оқлаган ишчан ва ҳиссий характерга эга муносабатларни қўшиб олиб бориш

Педагогик тактга хос бўлган муҳим хусусият ўқитувчининг нафақат хушмуомала бўлиши, ўқувчини сева олиши, ҳурмат қилишигина эмас, унинг кўнглига тўғри йўл топа олиши ҳамдир

Ўқитувчининг педагогик тактга эгалиги унинг юриш-туришида, вазминлигида, ўзини тута билишида намоён бўлади, Шунингдек, у ўқувчига ишонч билан қарашни назарда тутади. Ўқувчига ишончсизлик билан қараш ўқитувчининг педагогик тактга эга эмаслигини ифодалайди. Ҳар қандай педагогик низо ёки зиддиятларнинг асосида ўқитувчининг педагогик тактга эга эмаслиги ётади. Ҳар қандай қўполлик, кесатиқ ва койишлар, ўқувчиларни доимий равишда танқид қилиш, уларга ишончсизлик билдириш педагогик низоларни келтириб чиқаради

Педагогик такт, шунингдек, ўқитувчининг ўқувчи жавобини диққат билан тинглашида, жавобнинг мазмунига алоҳида эътибор қаратишида, борди-ю, ўқувчи хатога йўл қўядиган бўлса, уни босиқлик, вазминлик билан тўғрилашда, ўқувчи фаолиятини ҳаққоний, оқилона баҳолашда, қўйилган баҳонинг моҳиятини изоҳлашда намоён бўлади. Бу жараёнда жавоб бераётган ўқувчига жилмайиш, турли имо-ишоралар, қўл ҳаракатлари билан, бошни қимирлатиш, юз ифодалари орқали унинг жавобларини маъқуллаб туриш педагогик фаолият самарадорлигини оширишга ёрдам беради

5-БЎЛИМ. ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА ҲАҚИДА ТУШУНЧА. ПЕДАГОГИК ТЕХНИКАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДЛАРИ

Режа:

1. Педагогнинг ташқи қиёфасига қўйиладиган талаблар.
2. Педагогик техника.
3. Педагогик техниканинг таркибий элементлари.
4. Ўқитувчининг таълим ва тарбия жараёнларига руҳан тайёрланиши.
5. Руҳий барқарорликка эришиш шартлари.
6. Пантомимика.
7. Мимика ва жестлар.
8. Педагогик техника методлари.
9. Ёш ўқитувчиларнинг педагогик техникасидаги камчиликлар

1. Педагогнинг ташқи қиёфасига қўйиладиган талаблар

Педагогик техниканинг самарали бўлишида педагогнинг ташқи қиёфаси ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Ўқувчиларга самарали таъсир кўрсата олиш учун педагог, ўқитувчининг ташқи қиёфаси қуйидаги талабларга жавоб бера олиши зарур

- ўқитувчи ташқи кўринишининг ўқувчиларга эстетик таъсир кўрсатиши, уларни эстетик жиҳатдан завқлантира олиши;
- ўқитувчи сочининг таралган, чиройли турмакланган бўлиши; пардоз буюмларидан ўринли фойдаланиш, юзнинг ортиқча бўёқлардан ҳоли бўлиши;
- ўқитувчи либосларининг тоза, озода, қоматига ярашган бўлиши, осилиб турмаслиги, ҳаддан ортиқ ҳашаматли бўлмаслиги лозим;
- заргарлик буюмларидан имкон қадар ҳоли бўлиш, айниқса, товланувчи металлар – олин ва кумуш тақинчоқлардан фойдаланмаслик, либоснинг ранги ва ўқитувчининг ёш хусусиятларига мувофиқ оддий, ҳашаматли бўлмаган тошли ва металл тақинчоқлардан фойдаланиш

2. Педагогик техника

Педагогик маҳоратнинг муҳим белгиларидан бири бўлган педагогик техника ўз навбатида ўқитувчининг юқори техник малакаларга эгалигини ҳам англатади

Педагогик техника – педагог томонидан ўзлаштирилган алоҳида ўқувчи (талаба, тарбияланувчи)га ҳамда таълим олувчилар жамоаларига педагогик таъсир кўрсатиш методларини амалда самарали қўллай олиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар мажмуи

Педагогик техника асосларини муваффақиятли ўзлаштириш педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унга эришиш педагогика, психологик ҳамда амалий тайёргарлик бўйича махсус билимларга эга бўлишни талаб қилади. Педагогик техникани ўзлаштиришда ўқитувчи ўқувчи ҳулқ-атвори, хатти-ҳаракатларининг ташқи белгиларга кўра унинг ички ҳолатини белгилай олиш малакасига эга бўлиши ниҳоятда муҳимдир

“Педагогик техника” тушунчаси
қуйидагиларни ифодалайди:

1) педагогнинг ўз диққати ҳамда ўқувчилар диққатини мақсадли бошқариш;

2) педагогик фаолиятда жараённинг, ўқувчилар ҳаракатининг суръатини ҳис қилиш

3. Педагогик техниканинг таркибий элементлари



38-расм. Педагогик техниканинг асосий турлари

Ўқитувчининг педагогик маданиятга эгалиги, педагогик техника асосларини пухта ўзлаштира олганлиги унинг юз ифодаси, эркин, вазмин ҳаракатлари, гавдани тўғри тута билиши, йиғинчоқлиги, имо-ишоранинг табиийлиги, ўқувчиларга нисбатан эътиборида яққол акс этади

Педагогик жараёнда ўқитувчи юзини ўринсиз, қўпол тарзида буриштирмаслиги, пала-партишликка йўл қўймаслиги, имо-ишораларнинг сунъий бўлишидан сақланиши, маъносиз бўлишига йўл қўймаслиги зарур. Зеро, буларнинг барчаси ўқитувчининг ўқувчи олдида ҳурмат қозона олмаслигига олиб келади. Ёш ўқитувчилар педагогнинг ҳатто синф хонасига, аудиторияга қандай кириши, ўқувчи, талабаларга назар ташлаши, саломлашиши, стулни суриши, шахсий буюмлари (сумка ёки қоғоз солинган йиғмажилдларни қаерга, қандай қўйиши, хона бўйлаб юриши, ёзув тахтасидан фойдаланишдаги ҳаракатлари. ўқувчи, талабалар билан мулоқотда ўзини қандай тутиши ва бошқалар ҳам катта тарбиявий таъсир кучига эга эканлигини ёдда тутишлари зарур

Вазмин, хушмуомала, ўзига ишонган педагог фаолиятининг илк босқичлариданоқ ўқувчилар меҳрини қозона олади. Бунинг учун ўқитувчи, энг аввало, ўз ҳиссий ҳолатларини, туйғуларини бошқара олиши керак. Педагогнинг ўқувчилар билан мулоқоти расмий характерга эга. Қолаверса, у ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкасблари ҳамда таълим муассасаси ва юқори бошқарув органларининг назорати остида фаолият юритади. Бу эса аксарият ҳолатларда жисмоний толиқишни, руҳий зўриқишни, ўз-ўзига нисбатан ишончсизликни ва тангликни келтириб чиқаради. Натижада ўқитувчининг нутқи қатъийлик касб этмайди, овозда нуқсонлар кўзга ташлана бошлайди, оёқ ва қўллар толиқади. Бу каби салбий ҳодисаларнинг келиб чиқмаслиги учун ўқитувчи ўзини дарс бошланишидан аввал таълим жараёнига руҳан тайёрлаши, мазкур жараёнда юзага келиш эҳтимоли бўлган турли салбий ҳолатларга ўзини психологик нуқтаи назардан тайёрлаши, имкон қадар руҳий барқарорликка эришиши талаб қилинади

4. Ўқитувчининг таълим ва тарбия жараёнларига руҳан тайёрланиши

Ўқитувчи таълим ва тарбия жараёнларига ўзини руҳан тайёрлашда қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

- ўзига, ўз имкониятларига ишониш;

- хушмуомала бўлиш ва келажакка ишонч билан қараш;

- ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш (мускуллар зўриқишини бартараф этиш, қоматни ростлаш, ҳаракатларни тўғрилаш, нутқнинг равон, аниқ бўлишига эътибор қаратиш ва тўғри нафас олишни ўзлаштириш);

- ақлий ва жисмоний меҳнатни ташкил этишда ўзаро уйғунликка эришиш, муайян даврларда ҳордиқ чиқариш (меҳнат ёки мусиқа ёрдамида дам олиш, бадиий асарларни ўқиш, яқинлар, дўстлар билан ҳазил-мутойбани ташкил этиш);

- педагогик жараённинг муваффақиятли, самарали кечишига ўзини ўзи ишонтириш;

- касбий фаолиятни катта иштиёқ, кўтаринки кайфият билан ташкил этишга интилиш;

- турли салбий руҳий омиллар организмига, руҳий ҳолатига, хатти-ҳаракатларига, ўқувчилар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчиларига нисбатан муносабатига таъсир этишига йўл қўймаслик;

- салбий руҳий омиллар ва жисмоний ҳолатларни бартараф этиш учун тренинг ва автотренинглардан самарали фойдаланиш малакасини ўзлаштириш

5. Руҳий барқарорликка эришиш шартлари

Руҳий барқарорликка эришиш шартлари (В.А.Сухомлинский ғояларига кўра):

- қош-қовоқни уюб юрмаслик;

- бошқаларнинг камчиликлари, нуқсонларини ошириб кўрсатмаслик;

- ҳазил-мутойба мойил бўлиш;

- хушмуомала бўлиш ва келажакка ишонч билан қараш

6. Пантомимика

Пантомимика – бу гавда, қўл ва оёқларнинг ҳаракати бўлиб, у педагог томонидан баён этилаётган муайян фикрни алоҳида ажратиб кўрсатишга, маълум қиёфа орқали гавлантиришга имкон беради

Ўқитувчининг тўғри тутилган, чиройли қадди-қомати унинг шахс сифатида намоён бўлишини таъминлайди. Қолаверса, бу ҳолат унинг ўзига, шахсий имкониятларига бўлган ишончи юқорилиги, шахс сифатида ўзини қадрлай олиши, ўзига ўзи юқори баҳо беришини ҳам ифодалайди. Бошнинг қуйи эгилганлиги, қўлларнинг осилиб туриши ўқитувчининг ички заифлиги, ўзига ўзи ишончсизлигидан далолат беради

Узлуксиз талим тизимининг барча босқичларида таълим олувчиларга гавдани тўғри тутишни, эркин ҳаракатланишни, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тута билишни, йиғинчоқликни ўргатиб бориш мақсадга мувофиқдир. Олий таълим муассасаларида талабаларда ушбу сифатларни ҳосил қилиш эса уларни касбий фаолиятга руҳий тайёрлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади

Талабаларга, энг аввало, гавдани тўғри тутиб туриш ўргатилади. Бунда оёқлар елка кенглигида (икки оёқ оралиғи 12-15 смни ташкил этиши лозим), ўнг оёқ бир оз олдинда туриши мақсадга мувофиқдир. Зеро, шундагина тана оғирлиги ҳар икки оёққа бирдек тушиши билан бирга узоқ вақт (деярли 30-30, олий таълим муассасаларида эса 60-70 дақиқа) толиқмай туришни таъминлайди. Ўқитувчининг ҳаракатлари имкон қадар оддий ва эркин бўлиши лозим. Ўзини ўзи мажбурлаб, айрим камчиликларни йўқотиш мақсадида сунъий, зўрма-зўраки ҳаракатларни содир этишнинг ҳожати йўқ

Ҳаракатлар қанчалик самимий ва имкон қадар оддий бўлса, ўқувчиларда ўқитувчига бўлган ишонч, ҳурматни шунчалик оширади. Гавдани олдинга-орқага тебратмаслик, ҳадеб тана оғирлигини бир оёқдан иккинчи оёққа ўтказмаслик, стул суянчиғига ёки кафедра (олий таълим муассасаларида маъруза ўқиш учун ажратилган жиҳоз)га бутунлай суяниб олмаслик, бошни ёки қулоқни қашламаслик, бурунни артмаслик, кўзни ишқаламаслик, қўлда бирор буюмни айлантирмаслик ўқувчига қанчалик завқ берса, унда ўқитувчига нисбатан хайрихоҳликни уйғотса, уларнинг аксини содир этиш ўқувчининг ғашини келтиради. Дарс жараёнида ўқитувчи, шунингдек, гавдаси ҳаракатининг босиқ, ортиқча ҳаракатлардан ҳоли бўлишига эътибор қаратиши, ортиқча силкиниш ва кескин ҳаракатларни содир этишдан ўзини тута олиши зарур

7. Мимика ва жестлар

Мимика – бу юз мускулларининг ҳаракатлари орқали ўз фикри, ҳис-туйғулари, кайфиятини, шунингтдек, мавжуд воқеликка нисбатан муносабатини ифодалаш

Жест (гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари) – муайян ҳодиса ёки объектга нисбатан муносабатнинг гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари ёрдамида ифодаланиши

Инсоният қадим-қадимдан ўзаро муносабат ва мулоқотларни ташкил этишда турли жестлардан ўринли ва самарали фойдаланиб келган. Зеро, жестлар инсоннинг ҳиссиётлари, ички кечинмалари ва ижтимоий борлиққа бўлган муносабатини сўзсиз ифодалаш имкониятига эга. М: ўнг қўл чап кўкрак устига кафтлар ёйилган ҳолда қўйилса, бу ҳолат “Сизга ҳурматим чексиз”, ўнг қўлнинг кафтлари очиқ ҳолда кўрсатилса, “Жим бўлинг!”, “Бас қилинг!”, қўл мушт қилиб тугилса, “Қойил қилдим!” ёки “Қойил қиламан!” каби маъноларни англатади

Жуда қадимдан инсон юз ифодаси ва қараши атрофдагиларга сўздан кўра кучли таъсир қилиши аниқланган. Шу сабабли қадимги Рим ва Юнонистонда нотиқларнинг нафақат сўздан, шу билан бирга мимика, пантомимика ва жестлар (гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари)дан самарали фойдалана олишларига эътибор қаратилади. Бугунги кунда ҳам ривожланган мамлакатларда сиёсатчиларнинг юқорида қайд этилган ҳаракатлар бўйича малакаларни ўзлаштира олишларига жиддий эътибор қаратилади

Ўқитувчи томонидан мимика, пантомимика ва жестлар (гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари)дан самарали фойдалана олиш малакаларини самарали ўзлаштира олиши унинг меҳнатини қисман енгиллаштириш билан бирга, ўқувчиларга таъсир кўрсатишида муайян муваффақиятларни қўлга киритишига имконият яратади

Мимика, пантомимика ва жестлар узатилаётган ахборотнинг ҳиссий аҳамиятини оширади, унинг пухтароқ ўзлаштирилишини таъминлайди. Кўзлар ҳам юз ифодасини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли кўзлар ёрдамида турли маъноларни ифодалаш малакаларини ўзлаштира олиш ҳам маҳоратли педагог бўлиш учун ниҳоятда зарур

Одатда, ўқитувчилар ўқитувчининг кайфияти, руҳий ҳолати ва атрофдагиларга муносабатининг қандай йўналишга эга бўлишини унинг юзидан, хатти-ҳаракатлари, жестлари, ўзини тута билишидан билиб оладилар

Шу боис агарда ўқитувчининг кайфияти ёмон бўлса, уни қандайдир муаммолар безовта қилса, олдида турган педагогик муаммолар ўйлантираётган бўлса, у бу ҳолатларни яшириб тура олиш, ошкор қилмасликни уддасидан чиқиши даркор. Бу каби салбий ҳолатларни очиқ ҳавода пиёда сайр қилиш, табиат қўйнида, айниқса, сув ҳавзаларининг бўйларида дам олиш, қизиқарли китобларни ўқиш орқали мавжуд руҳий зўриқишларни бартараф қилиш мумкин. Юз ифодаси ва ҳаракатлар фақатгина таълим мақсадига, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга йўналтирилиши зарур

Ўқитувчи юз мускулларини ва кўзларини тез-тез ҳаракатлантиришдан, уларнинг бирдай қотиб қолишидан эҳтиёт бўлиши керак. Ўқитувчи нигоҳи ўқувчиларга қаратилган бўлиши, бевосита кўриш алоқасини вужудга келтира олиши зарур. Девор, дераза ва шипга қараб туришдан сақланиши, аксинча, барча ўқувчиларни диққат марказида ушлаб туриш муҳимдир

8. Педагогик техника методлари

Педагогик техника методлари – педагог томонидан ўқувчиларнинг у ёки бу ҳаракатлари ёки уларда намоён бўладиган маънавий-ахлоқий сифатларига ўзининг субъектив муносабат, алоҳида ҳис-туйғуларни маъноли ифодаланишини англатувчи методлар (http://psylist.net/hpor/ped037.htm)

Педагогик техника воситалари – педагог томонидан ўқувчиларнинг у ёки бу ҳаракатлари ёки уларда намоён бўладиган маънавий-ахлоқий сифатларига нисбатан субъектив муносабат, алоҳида ҳис-туйғуларнинг маъноли ифодаланишини таъминловчи воситалар. Педагогик техника воситалари нутқ ва оғзаки бўлмаган мулоқот саналади

39-расм. Педагогик техника методларининг гуруҳлари

9. Ёш ўқитувчиларнинг педагогик техникасидаги камчиликлар

Педагогик амалиётда ёш ўқитувчиларнинг педагогик техникасида қуйидаги жузъий камчиликлар учрайди:

1) ўқувчи ёки унинг ота-онаси билан сидқидилдан сўзлаша олмаслик;

2) ғазабни тўхтата олмаслик ёки уни ўз ўрнида ишлата олмаслик;

3) ўзида ишончсизликни енга олмаслиги;

4) нутқни равон баён эта олмаслик;

5) ортиқча қаттиққўллик;

6) хушмуомала бўлишдан қўрқиш;

7) жуда тез гапириш (айниқса дарсларда);

8) ортиқча ҳаракат ёки бир жойда қотиб қолиш, қўлларини қаерга қўйишни билмаслик;

9) ўз гавдасини тутишда муайян камчиликларга йўл қўйиш (букчайиб, ерга қараб юриш, ўринсиз кулиш, ортиқча ҳаракат, қўлида турли жисмларни айлантириб юриш);

10) монотон – бир оҳангда сўзлаш, нутқнинг зерикарлилиги, жонли эмаслиги;

11) ифодали ўқиш, сўзларни аниқ, тўғри талаффуз қила олмаслк (нотўғри дикция), синф хонаси, аудитория учун зарур товуш баландлигини белгилай олмаслик

Бу каби камчиликлар ўқитувчи томонидан ўқувчиларга самарали таъсир кўрсатилишига имкон бермайди. Шу сабабли олий таълим муассасаларида талабаларда педагогик техника кўникма ва малакаларини шакллантиришга жиддий эътибор қаратиш лозим

6-БЎЛИМ. НУТҚ ТЕХНИКАСИ ВА МАДАНИЯТИ

Режа:

1. “Ўқитувчи нутқи” тушунчасининг моҳияти.
2. Нутқ аппарати.
3. Нутқ техникаси.
4. Нутқли нафас олиш.
5. Нафас олиш техникасининг турлари.
6. Нутқда товуш хусусиятларининг намоён бўлиши.
7. Дикция.
8. Ритмика.
9. Нутқ маданияти

1. “Ўқитувчи нутқи” тушунчасининг моҳияти

Ўқитувчининг ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатишида унинг нутқи ҳам ҳал қилувчи омиллардан бири саналади. **Ўқитувчи нутқи** – педагогнинг таълим-тарбия жараёнида тил воситаларидан фойдаланиши

Ижтимоий муносабатларни ташкил этишда Нутқнинг монолог, диалог, полилог шаклларидан фойдаланилади. Ўқитувчи фаолиятида ҳам нутқнинг айнан мана шаклларидан фойдаланиш ҳолатлари кузатилади

Асосий шакллар

Монолог – ўқитувчининг ўзига ёки ўқувчиларга қаратилган нутқи (ички ва ташқи монолог)

Диалог – ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ташкил этиладиган суҳбат

Полилог – ўқитувчи ва бир нечта ўқувчи ёки ўқувчилар жамоаси ўртасидаги суҳбатни ифодаловчи нутқ

40-расм. Ўқитувчи нутқининг асосий шакллар

Ўқитувчи синфда оғзаки нутқнинг турли шаклларидан фойдаланади. Қуйи синфларда кўпроқ нутқнинг диалог ва полилог шакли самаралидир, чунки бу босқичда таълим суҳбат усули асосланади. Монологик нутқдан ў қитувчи ҳикоя, тасвир, таъриф, тавсиф характеридаги мавзуларни баён этишда фойдаланади. Монологик нутқ юқори синфларда ижтимоий, гуманитар фанлар – фалсафа, сиёсатшунослик, педагогика, психология, социология, маданиятшунослик, “Миллий истиқлол ғояси”, “Маънавият асослари”, тарих, ҳуқуқ ва адабиёт фанларини ўқитишда қўлланилса, диалог шаклидаги нутқ она тили, чет тили, математика, физика, биология, география, информатика ва ахборот асослари фанлари бўйича ташкил этиладиган дарсларида қўл келади. Ўрганилаётган мавзунинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи ҳар бир дарсда оғзаки нутқнинг барча шаклларидан ўринли, мақсадли фойдаланиши мумкин

Таълим-тарбия жараёнида “ўқитувчи мутахассисликка оид ишининг йирик бўлагини нутқи орқали амалга оширади. Шунинг учун унинг нутқи ҳамма вақт ғоявий юксак, равон, юмшоқ, дилкаш бўлиши лозим. Нутқда субутсизлик ўқитувчи учун нолойиқдир. Ҳар бир нутқ болаларнинг ёш хусусиятларини, билими ва тушунчасини назарда тутиб тузилиши шарт. Шу билан бирга, ўқитувчининг нутқи ёш авлод кўз олдида уни ўраб олган моддий ва маънавий дунёнинг янги қирраларини очиб боришни мақсад қилиб қўяди. Ўқитувчининг нутқи таълим ва тарбия беришнинг асосидир” (Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари / Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1993. – 23-бет)

Ўқитувчининг нутқи имкони борича синтактик (юнонча syntaxis – тузиш, бириктириш, бирикма; бирор тилдаги сўзларнинг сўз бирикмаларига ва гапларга бирикиш усуллари; сўз бирикмаларива гапларнинг турлари ва маънолари) жиҳатдан содда, жозибадор, таъсирчан тузилиши лозим (Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари / Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1993. – 23-бет)

Педагогик нутқий мулоқотнинг ўзига хослиги ўқитувчининг ҳамма ерда, ҳар қандай шароитда ҳам тарбиячи эканлиги билан тавсифланади. Педагог ўз тарбияланувчилари билан кўпроқ аудиторияда, дарсда нутқий мулоқотда бўлади. Унинг нутқи илмий-педагогик мазмун касб этади. Бундай нутқда илмнинг турли соҳаларига хос қоидалар, атамалар, хулосалар акс этади, ҳар бир нарса ўз ўрнида, меъёрида бўлади. Атамаларга, янги сўзларга берилган изоҳлар содда, ўқитувчи ҳазм қиладиган синтактик қурилмаларда берилади. Қоида ва назариялар ҳаётий, ўқувчига яқин мисоллар билан тушунтирилади (Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари / Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1993. – 23-бет)

Ўқитувчи мавзулар бўйича материалларни ўқувчиларга етказиб беришда уларнинг хулқларига самарали таъсир этиш мақсадида кўз, қош, қўл, юз, бош, кафтлари ёрдамида муайян ҳаракатларни амалга оширади. Унинг бундай ҳаракатлари тасдиқ ёки инкорни ифодалаши мумкин. Ўқитувчи томонидан содир этилаётган ҳаракатлар ўринли бўлса улар сўзсиз педагогик таъсир жараёнини кучайтиради. Бироқ, бу каби ҳаракатларни ўринсиз, тез-тез содир этавериши ўқувчиларнинг диққатларини сусайтиради, уларни зериктириб қўяди

Педагогик жараёнда ўқитувчининг таъсирини кучайтирадиган омиллардан бири – унинг овози, унга хос бўлган хусусиятлар саналади. Ўқитувчи овозининг ёқимли ва жарангдор бўлиши ўқувчилар эътиборини ўзига тўла қарата олишини таъминлайди. Ўз овозининг таъсирчанлигини аниқлаш учун ўқитувчи овозининг қанчалик даражада кучли, ширадор ва ёқимли эканлигини билиши, шунингдек, зарур вазиятларда овознинг бу каби хусусиятларидан унумли фойдалана олиши зарур. Ўз овозида маълум камчиликлар борлигини сезган ўқитувчи уларни бартараф этишга ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун овоздан фойдаланиш ва уни яхшилаш техникаси устида изчил, доимий машқ қилиб бориши талаб этилади. Бинобарин, бир ёки икки марта қилинган машқ билан овоз хусусиятларини яхшилаб бўлмайди

Ўқитувчи овози ўзида қуйидаги хусусиятларни акс эттира олиши зарур:

1) жарангдорлик (товушнинг тозалиги ва тембрнинг ёрқинлиги);

2) кенг диапазонлик (овознинг энг пастликдан энг юқоригача бўлган даражаси);

3) ҳаводорлик (эркин сўзлаганда яхши эшитувчанликка эга бўлиши);

4) ихчамлик, ҳаракатчанлик;

5) чидамлилик (узоқ ишлаш қобилиятига эга бўлиш);

6) мослашувчанлик (динамика, тембр, оҳандорликнинг турли шароитга мослаша олиши);

7) қарши шовқинларга нисбатан барқарорлик (халақит берувчи шовқинга тембр ва тесситуранинг ўзгариб туриши);

8) суггецивлик (овознинг хаяжон ифодалаши ва бу орқали, қандай сўз айтилаётганидан қатъий назар, тингловчининг хулқига таъсир қилиш хусусияти)

Педагогик фаолиятда ўқитувчи ўз нутқини ташкил этишда қуйидагиларга жиддий эътибор қаратиши зарур:

1) адабий (шева сўзларининг қўлланилмаслиги) меъёрларига (кади – қовоқ, памилдори – помидор, келутти – келяпти, картишка – картошка ва ҳоказо тарзида) амал қилиш;

2) талаффуз (о, а, у ,ў, ф, в, п, д, т, х, ҳ, с, ц, ж, ш) меъёрларига (онор – анор, ухшаш – ўхшаш, палакат – фалокат, Ҳамит – Ҳамид, хам – ҳам, сентнер – центнер, ижтимоий – иштимоий каби шакллар) риоя этиш;

3) келишик меъёрларига (Собирни укаси – Собирнинг укаси, ўқувчини дафтари – ўқувчининг дафтари, поездга келдим – поездда келдим ва бошқалар кўринишида) амал қилиш

Ўқитувчи нутқининг такомиллашган бўлиши ўқув материалининг ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштирилишини таъминлаш кафолати бўла олади. Одатда, ўқувчилар ўқитувчининг нутқига жиддий эътибор берадилар. Бирор ҳарф ёки товушнинг нотўғри талаффуз қилиниши уларнинг кулгиларига сабаб бўлади. Монотон (бир оҳангли) нутқ, ҳаддан ташқари баланд овоз тингловчини тез чарчатса, паст овозда сўзлаш эса ўқувчилар фаолиятининг сустлашувига олиб келади. Индивидуал суҳбат пайтидаги баланд овоздан ўқувчи ўзини алданаётгандек ҳис этганлиги сабабли унга нисбатан ишончсизлик билан қарайди. Бир гуруҳ мутахассислар товуш ва унинг тембри туғма хусусият дея эътироф этишади. Лекин ҳозирги экспериментал физиология товуш сифатини ўзгартириш мумкинлигини тасдиқлайди. Шу боис ҳар бир ўқитувчи нутқ техникасини пухта ўзлаштира олиши лозим

2. Нутқ аппарати

Ўқитувчи нутқи ҳам нутқ товушларини ҳосил қиладиган нутқ органларининг иштирокида ташкил этилади. Нутқ кўплаб органлар иштироки, уларнинг имконияти билан ҳосил қилинади

Нутқ ҳосил қилувчи органлар – нутқни ҳосил қилиш жараёнида иштирок этувчи органлар. Нутқни ҳосил қилишда иштирок этувчи органлар умумий ҳолда **нутқ аппарати** деб юритилади

Ўпка	Иккита бронх	Трахея
Кекирдак	Бўғиз	Ҳиқилдоқ
Ҳалқум	Тишлар	Бурун бўшлиғи
	Лаблар	

41-расм. Нутқ ҳосил қилувчи органлар

3. Нутқ техникаси

Бугунги кунда нутқ техникаси бўйича бир қанча мажмуавий машқлар асосланган. Улар сўзлашиш пайтида тўғри нафас олиш, товуш ҳосил қилиш ва нутқни маъноли ифодалаш малакаларини такомиллаштиришга ёрдам беради

Нутқ техникаси – нутқни тингловчи ёки ўқувчига етказишда қўлланиладиган воситалар мажмуи

4. Нутқли нафас олиш

Ўқитувчини нутқининг ҳосил бўлишида нафас олиш муҳим аҳамият

Нафас олиш организмга ҳаёт бағишловчи физиологик функцияни бажариш билан бирга нутқнинг энергия базаси ҳам ҳисобланади

Нутқли (ёки товушли) нафас олиш (фонацион, юнончадан “phono” – товуш) – нафаснинг нутқ жараёнидаги олиниши. Инсоннинг кундалик ҳаётидаги нутқ асосан диалог шаклида бўлади. Шунинг учун ҳам нафас олиш ортиқча қийинчилик туғдирмайди. Касбий фаолиятни ташкил этиш, айниқса, дарс жараёнида ўқитувчи узоқ сўзлайди. Бу эса янги мавзуни тушунтириш, маъруза ўқиш билан боғлиқ. Агар ўқитувчи нафас олиш техникасини яхши эгалламаган бўлса, унда педагогик фаолият жараёнида узоқ сўзлаш оқибатида томир уришининг тезлашуви, юзнинг қизариб кетиши, нафас қисилиши рўй беради

5. Нафас олиш техникасининг турлари



42-расм. Нафас олиш техникасининг асосий турлари
(Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари / Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1993. – 23-бет**)**

6. Нутқда товуш хусусиятларининг намоён бўлиши

Нутқнинг ҳосил бўлишида товушлар ҳам муҳим ўрин тутади

Товуш – чиқарилган ҳавони хиқилдоқдан ўтиш пайтида овоз пардаларнинг тебраниши натижасида вужудга келадиган ҳодиса, садо, сас

43-расм. Товуш хусусиятлари

7. Дикция

Ўқитувчи нутқини ташкил этишда д и к ц и я ҳам алоҳида ўрин тутади

Дикция сўзларнинг аниқ талаффуз қилиниши демакдир

Талаффузнинг аниқлиги ўқитувчи нутқининг тушунарли бўлишига ёрдам беради, шунингдек, ўқувчилар томонидан тўғри тушунилишини таъминлайди. Талаффуз қанчалик аниқ бўлса, айтилаётган сўз, ифодаланаётган бўғин ва товушлар шунчалик тиниқ, ёрқин ифодаланади. Товуш нутқ аппаратининг барча аъзолари (лаблар, жағ, тишлар, юмшоқ ва қаттиқ танглай, кичик тил, кекирдак, томоқ орқа девори, товуш найчалари)нинг биргаликда унумли ишлашига боғлиқ. Тил, лаблар, юмшоқ танглай, кичик тил, ва пастки жағ нутқда фаол иштирок этади. Шу сабабли уларни доимий машқ қилдириш туриш муҳим аҳамиятга эга

Артикуляция (лотинча articulation < articulare – аниқ талаффуз қилмоқ) нутқ орган (аъзо)ларининг товуш ҳосил қилишдаги ҳаракатлари ҳолати. Товушнинг аниқ талаффуз қилинишини такомиллаштириш артикуляция гимнастикаси асосида амалга оширилади

Нутқ аппарати учун дастлабки машқлар

Ҳар бир унли ва ундош товушларни тўғри ифодалашга ўргатувчи машқлар (ифодали ўқиш, тез айтишлар)

44-расм. Артикуляция гимнастикасининг турлари

8. Ритмика

Ўқитувчи нутқининг ташкил этилишида р и т м и к а ҳам муҳим ўрин эгаллайди

Ритмика – бу айрим сўз ва бўғинларнинг айтилиш муддати ва тўхталиши, нутқ ва ифодаларнинг навбат билан ўз ўрнида ишлатилишини билдиради

Ритм (нутқнинг вазни) нутқнинг муҳим хусусияти саналади, зеро, нутқ оҳанги, тўхтамлар ҳам тингловчиларга бевосита кучли ҳиссий тасир кўрсатади. Нутқнинг ритми (вазни)га кўра ўқувчига узатилаётган билимлар, ўқув материалининг мураккаб ўринлари ўқитувчи томонидан аста-секин баён қилинади, осон ўзлаштириладиган қисмларини эса нутқни бир қадар тезлаштириб баён этиш мумкин

Ўқитувчи ўз фаолиятида аниқ, равон, маъноли, ифодали нутқни ўзлаштира олиши, бир сўз билан айтганда нутқ маданиятини эгаллаши зарур

9. Нутқ маданияти

Нутқ маданияти – ўз фикрини нутқ ёрдамида мантиқли, тўғри, образли, аниқ ва ифодали етказиб бериш малакаларининг ўзлаштирилганлик даражаси

7-БЎЛИМ. ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ

Режа:

1. Педагогик мулоқот маданияти.
2. Педагогик мулоқот йўналишлари.
3. Педагогик мулоқот ёрдамида бажариладиган вазифалар.
4. Педагогик мулоқот турлари.
5. Педагогик мулоқот маданияти.
6. Педагогик мулоқот услублари

1. Педагогик мулоқот маданияти

Мулоқот – 1) кишиларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирларига таъсир кўрсатишларикишилар ўртасидаги алоқани тиклаш ва ривожлантириш жараёни; 2) кишиларнинг бир-бирларига таъсир кўрсатиши асосида улар ўртасида рўй берадиган ахборот алмашинуви

(Большая психологическая энциклопедия. Самое полное современное издание. – Москва: Эксмо, 2007. – С. 287)

Педагогга хос бўлган маҳорат асосини ташкил этувчи педагогик мулоқот маданияти унинг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкасблар ҳамда раҳбарият билан уюштириладиган муносабати жараёнида намоён бўлади. Бунда, айниқса, педагогнинг ўқувчилар жамоаси билан ўзаро мулоқоти муҳим аҳамиятга эга. Педагог ўқувчилар билан мулоқотга киришишга, унинг самарали бўлишига интилади

Педагогик мулоқот маданияти – педагогнинг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкасблар ҳамда раҳбарият билан педагогик одоб ҳамда мулоқот талабларига мувофиқ ҳолда уюштирадиган суҳбати

2. Педагогик мулоқот йўналишлари



45-расм. Педагогик мулоқот йўналишлари

Педагогик мулоқот руҳий-психологик таъсир кучига эга. Шу сабабли педагогик мулоқотни ташкил этишда мулоқот жараёнининг ижобий бўлишини таъминлаш педагогнинг зиммасига катта масъулиятни юклайди

Агарда тўғри ташкил этилган педагогик мулоқот ўқувчида қўрқувнинг юзага келиши, ишончсизликнинг туғилиши, диққат, хотира ва иш қобилиятининг сусайиши, нутқ меъёрининг бузилиши кабиларга сабаб бўлса, аксинча, назарий-педагогик ва амалий жиҳатдан тўғри ташкил этилган мулоқот юқоридаги ҳолатларнинг аксини келтириб чиқаради. Натижада ўқувчиларда ўқишга ва мустақил ўрганишга, фикрлашга бўлган қизиқиш ортади

Педагогик мулоқот ўзига хос ижтимоий-психологик жараён саналади

3. Педагогик мулоқот ёрдамида бажариладиган вазифалар



46-расм. Педагогик мулоқот жараёнда бажариладиган вазифалар

Мулоқот жараёнида ўқувчи томонидан билдирилаётган фикрлар, унинг қарашлари шахсни яқиндан ўрганиш учун имконият яратади. Ўқувчи шахсини яқиндан билиш, унинг ички кечинмалари, ўй-фикрлари, ҳис-туйғулари, орзу-умид, мақсад ва ҳаётий интилишларидан хабардор бўлиш педагогик жараённинг методик, руҳий жиҳатдан тўғри ташкил этилишини таъминлайди. Зеро, бу жараёнда педагогик ўқувчи шахсига хос ёш, психологик ва шахсий хусусиятларни инобатга олган ҳолда фаолиятни ташкил этади

Мулоқот жараёнидаги ахборот алмашинуви таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро ижтимоий жараёнлар, шахс камолотининг кечишига доир маълумотлар алмашишини таъминлайди. Педагогик ва ўқувчилар ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш эса ҳар қандай вазиятда ҳам улар ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви самарали рўй беришини учун шароит яратади. Бу жараёнда ўқитувчи таълим олувчиларнинг энг яқин маслаҳатчиси, йўлбошчиси ва раҳбарига айланади

Мулоқот чоғида ўқувчилар томонидан ўз шахсини, “мени”ни, қадр-қимматини етарлича баҳолаш ва ўз олдидарига ҳаётий мақсадларни қўйган ҳолда олға интилишларини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш лозим. Мулоқот жараёнида ахборот алмашиш вазифаси муайян воситалар ёрдамида амалга оширилади

47-расм. Мулоқот жараёнида ахборот алмашиш воситалари

Паралингвистик тизим

Паралингвистик (юнонча pará – “яқин”, немисча “linguistik” – “тил”) тизим – мулоқот таркибида сўзли, назарий маълумотларни сўзсиз воситалар билан биргаликда узатилиши англатувчи тизим (http://dic.academic.ru/dic.nsf/socio/4789)

Экстралингвистик тизим

Экстралингвистик (инглизча “exterior” – “ташқарида”, немисча “linguistik” – “тил”) тизим – гапираётган шахснинг ижтимоий вазифалари билан бевосита боғлиқ ҳолда нутқнинг ташкил этилиши – нутқий танаффуслар, кулгу, йўталиш, нафас олиш, йиғлаш, тутилиш ва бошқаларни ифодаловчи тизим (http://dic.academic.ru/dic.nsf/socio/4789)

Педагог раҳбарлиги ёки унинг йўл-йўриқлари, кўрсатмаларига асосан ўқув машғулотлари ва тарбиявий ишларни ташкил этишда ҳам мулоқот муҳим аҳамият касб этади. Айни шу вақтда мулоқотнинг фаолиятни ташкил этиш вазифасини намоён бўлади. Яқин-яқингача фаолиятни ташкил этиш жараёнида педагогнинг етакчилиги, унинг бевосита раҳбарлиги устувор омил бўлган бўлса, замонавий шароитда роллар алмашинуви етакчи ўринга чиқди

Замонавий шароитда ўқувчиларнинг ўзлари таълим ва тарбиявий жараёнларни мустақил ташкил этиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Бироқ, бу дегани, таълимий ва тарбияий ишларни ташкил этиш даврида педагогнинг ўрни ва роли мутлақо акс этмайди, дегани эмас. Педагог бу жараёнда раҳбар, етакчи, маслаҳатчи, эксперт сифатида намоён бўлади ва ўқувчиларни педагогик жараёнларни илмий-назарий ва ташкилий-методик жиҳатдан тўғри уюштиришга йўналтиради

Педагогик мулоқотни ташкил этишда, айниқса, педагог ёрдамига муҳтож ўқувчиларга алоҳида эътибор бериши, ҳар бир ўқувчида турли ўқув фанлари асосларини ўзлаштиришга нисбатан қизиқтириш усулларини, ҳамкорлик ва ижодкорликка асосланган меҳнатни ташкил этишни олдиндан ўйлаб қўйиши лозим

Педагогик амалиёт педагог, ўқитувчилар томонидан ташкил этилаётган мулоқотни бир неча турга ажратиш мумкинлиги кўрсатади. Ўқитувчилар ўз фаолиятларида мулоқотнинг муайян турларига таяниб иш кўрадилар

4. Педагогик мулоқот турлари



48-расм. Педагогик мулоқот турлари

Педагогик фаолиятни ташкил этишда ўқитувчининг нафақат ўзи, балки унинг ижобий таъсири асосида ўқувчилар ҳам мулоқот маданиятини ўзлаштириб боришлари лозим

5. Педагогик мулоқот маданияти

Мулоқот маданияти – мулоқот жараёнини ахлоқий меъёрлар, ижтимоий талабларга мувофиқ ташкил этиш асосида суҳбатдошни тушуна олиш эҳтиёжи ва қобилиятига эгалик

Таълим амалиёти педагогик мулоқот жараёнида ўқитувчилар томонидан қуйидаги камчиликларга йўл қўйилишидан далолат беради:

- эҳтиётсизлик;
- шахсиятпарастлик;
- суҳбатдошни ортиқча мажбурлаш;
- сусткашлик;
- ўзини жуда юқори ёки паст қўйиш;
- ҳаддан ташқари жонбозлик кўрсатиш

6. Педагогик мулоқот услублари

Ўқитувчи (педагог) томонидан жамоа билан мулоқотни уюштириш техникасини доимий равишда таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқдир. Маълум вазиятларда ўқитувчи раҳбар сифатида ўқувчилар, тарбияланувчилар фаолиятларини бошқаради. Худди шу жараёнда ҳам мулоқот етакчи омил ҳисобланади. Бироқ, мулоқотнинг самарадорлиги раҳбар сифатида намоён бўлаётган ўқитувчи томонидан қандай услуб (мулоқот услуби)нинг танланганлиги билан белгиланади. Одатда, ўқитувчининг раҳбар сифатидаги мулоқот услублари уч турга ажратилади



49-расм. Педагогик мулоқот услублари

Авторитар услуб

Бу услуб педагогик мулоқотда ўқитувчининг мутлоқ устунлигини ифодаловчи услуб бўлиб, унга кўра ўқувчиларнинг барча турдаги фаолиятларининг ташкил этилиши, мазмуни, шакли, метод ва воситаларининг барчаси фақат ўқитувчи томонидан белгиланади. Ўқувчиларнинг ҳар қандай ташаббуслари рағбатлантирилмайди, аксинча, буйруқ, кўрсатма, йўлланма бериш, шунингдек, жазолаш чораларини кўриш орқали ўқувчиларга таъсир этилади. Ҳатто ўқувчиларнинг фаолиятлари ижобий баҳоланган вақтда ҳам уларга бўлган таъсир турли кесатиқлар билан баён этилади

Яъни: “Сендан ижобий хатти-ҳаракатни кутмаган эдим?!”, “Буни қара-я, наҳотки ўзгарган бўлсанг!?”, “Қара-я, биргина аъло баҳо олиш билан ўзингни яхши инсон бўлиб қолган деб ҳисоблайсанми!?” ва ҳоказо мазмундаги рағбатлар, улар асли ижобий ҳолатни эътироф этишга йўналтирилган бўлса-да, ўқувчини янги ютуқларига илҳомлантирмайди. Аксинча, унда таълим олишга, таълим муассасасига ва педагогларга нисбатан совуққонликни юзага келтиради

Демократик услуб

Бу педагогик мулоқотда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини ифодаловчи услуб бўлиб, унга кўра ўқитувчи педагогик фаолиятни ташкил этишда жамоанинг фикрига таяниб иш кўради. Ўқув машғулотлари ва тарбиявий ишларни ташкиллаштиришда ҳар бир ўқувчининг фикрини инобатга олишга, уларни умумлаштирган ҳолда энг самаралисини танлаб олишга интилади. Муҳокамалар чоғида барча ўқувчиларнинг иштироклари таъминланади. Ўқувчилар томонидан билдирилаётган ташаббуслар қўллаб-қувватланади, мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда бу ташаббуслар амалиётга татбиқ этилади. Демократик услубдан фойдаланаётган педагог, ўқитувчи зиммасидаги вазифа фақатгина ўқувчиларнинг фаолиятини назорат қилиш, тузатишлар киритишдан иборат эмаслигини англаб етади

Асосий эътиборни ўқувчиларнинг ютуқларини эътироф этган ҳолда ёки уларнинг хатоларини ўзларига англатган ҳолда самарали тарбия чорасини кўришга қаратади. Ҳар бир ўқувчининг ютуғи алоҳида эътироф этиладики, бу эса уларни янги зафарларга эришишга руҳлантиради. Ушбу услубга асосланиб иш кўрадиган ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда бажариладиган ишларни тўғри тақсимлашга ҳаракат қилади, фаол ўқувчиларни тақдирлаб боришни фаолиятининг асосий йўналиши сифатида белгилайди. Бу каби педагог, ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқотни ўрнатишда илтимос, маслаҳатга таяниб иш кўради

Либерал услуб

Бу ўқитувчининг педагогик мулоқотдаги эътиборсизлигини ифодаловчи услуб саналади. У ўқитувчи ва ўқувчи муносабларининг келишувчанликка асосланишини таъминлайдиган услуб сифатида ҳам эътироф этилади. Унга кўра иш юритадиган ўқитувчи педагогик жараёнларда ўқувчилар томонидан содир этилаётган салбий ҳолатларга эътибор бермасликка интилади. Ўқувчиларни тартибга чақириш, шунингдек, вазиятдан келиб чиққан ҳолда уларнинг фаолиятини тўғри баҳолаб, жазолаш зарур бўлган вазиятларда ҳам индамасликни одат қилиб олади

Бу эса ўқувчиларнинг одобсиз, ялқов, масъулиятсиз бўлишларига олиб келади. Либерал услубни маъқул кўрадиган педагог, ўқитувчи ўқувчилар ҳаёти билан мутлақо қизиқмайди, уларнинг фаолиятларига аралашмайди, ҳал қилувчи вазиятларда масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилади. Айрим ҳолатларда бир-бирига зид бўлган фикрларни ҳам бирдек маъқуллайди. Натижада бу таҳлитда иш кўрадиган ўқитувчи ҳеч қандай обрўга эга бўлмайди. Чунки унга ишониш мумкин эмас

ХОТИМА

Методик қўлланмада кўрсатиб ўтилганидек, кишилик жамияти тараққиётининг шахс тарбияси масалалари кун тартибига қўйилган илк даврларданоқ болаларнинг таълими ва тарбияси учун масъул шахслар тоифасининг шаклланиши, уларнинг шахс ва мутахассис сифатида муайян ижтимоий талабларга жавоб бера олишлари, касбий маҳоратга эга бўлишларига нисбатан ижтимоий талаблар қўйила бошлаган.

Педагогика олий ўқув юртларида таҳсил олаётган бўлажак ўқитувчиларни мазкур ижтимоий талаблар билан яқиндан таништириш, уларда педагогик малака ва касбий маҳоратни шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Тегишли йўналишда фаолият юритаётган олий ўқув юртларида “Педагогик маҳорат” фанининг ўқитилиши бўлажак ўқитувчиларни таълим ва тарбия жараёнларни методик жиҳатдан пухта, ташкилий жиҳатдан самарали ташкил эта олишларида муҳим пойдевор ҳисобланади. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик техникага эга бўлишлари педагогик жараёнда юзага келадиган шахслараро муносабатларни самарали, салбий низоларсиз уюштирилишини таъминлаш билан бирга ҳеч бир қийинчиликсиз таълим ва тарбиявий ишлар жараёнини ташкил этилишига ҳам ёрдам беради.

Олий ўқув юртидаги таҳсил даврида талабаларни Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг педагог шахси ва фаолиятига қўйиладиган талабларга оид қарашлари билан яқиндан таништириш уларга келгусида ўзларини мутахассис сифатида тасаввур этишлари учун имконият яратади.

“Педагогик маҳорат: схема ва расмларда” номли методик қўлланма педагогика олий ўқув юртлари талабаларини “Педагогик маҳорат” фани бўйича дасрликларда берилган маълумотларни янада бойитиш ва мустаҳкамлашга ҳизмат қилади. Қўлланмада “Педагогик маҳорат” фанидан изоҳли луғати ҳам берилган бўлиб, у ёрдамида бўлажак ўқитувчилар фанга оид тушунчаларини янада ойдинлаштириш, таянч тушунча ва ибораларнинг туб мазмунидан хабардор бўлиш имконига эга бўладилар. Методик қўлланмадан “Педагогик маҳорат” фани бўйича ташкил этиладиган семинар ва лаборатория машғулотларида, талабалар фан олимпиадалари, рейтинг синовларига тайёргарлик кўришда, шунингдек, илмий мақолаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

“ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ” ФАНИДАН ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

Адолат – муайян воеқа-ҳодиса, жараён, шунингдек, шахс хатти-ҳаракатларини уларнинг туб моҳиятига кўра ҳаққоний баҳолаш бўлиб, у тарихий шарт-шароит ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан белгиланади. Адолатнинг ахлоқий жиҳати инсонлараро муомалада бир хил муносабатда бўлишни, бир-бирининг иззат-нафсига тегмасликни, ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилишликни билдиради[1]. Қолаверса, адолат инсоний қадр-қиммат билан унинг жамият томонидан тан олинганлиги, мавжуд ахлоқий қоида ва мажбуриятлар ўртасидаги ўзаро мутаносибликни тавсифлашга хизмат қилади.

Англаш қобилияти – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоён бўлиб, таълим ва тарбия жараёнининг моҳияти, қонуниятлари, ўқувчиларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятлари, таълим иштирокчилари ўртасидаги муносабат мазмуни, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш шартлари ҳамда кутиладиган натижаларни англашга имкон берадиган индивидуал психологик хусусият.

Артикуляция (лотинча articulation < articulare – аниқ талаффуз қилмоқ) нутқ орган (аъзо)ларининг товуш ҳосил қилишдаги ҳаракатлари ҳолати. Товушнинг аниқ талаффуз қилинишини такомиллаштириш артикуляция гимнастикаси асосида амалга оширилади. Артикуляция гимнастикаси икки турга бўлинади. Яъни: 1) нутқ аппарати учун дастлабки машқлар; 2) ҳар бир унли ва ундош товушларни тўғри ифодалашга ўргатувчи машқлар (ифодали ўқиш, тез айтишлар).

Баҳолаш маданияти – педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири бўлиб, педагогнинг у ёки бу педагогик воқелик, ҳодиса, жараёнлар бўйича уларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тўғри хулоса чиқариш, оқилона қарор қабул қилиш қобилиятига эгалигини англатади. Педагог томонидан чиқарилаётган хулоса ва қабул қилинаётган қарорлар моҳиятан ахлоқий, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, диний ёки фалсафий характерга эга бўлиши мумкин. Маҳоратли педагог, айниқса, ўқувчилар фаолиятини баҳолашда ҳушёр, эҳтиёткор бўлиши лозим. Зеро, нотўғри қўйилган баҳо ўқувчи шахсига салбий таъсир кўрсатиб қолмай, балки унинг ўқишга бўлган қизиқишини сўндиради. Шу сабабли ўқувчилар фаолиятини баҳолашда В.А.Сухомлинскийнинг педагогик тажрибасига таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқдир: 1. Ўқувчига амалий ёндашиш (“Ўқувчи бўлгандан кейин ўқиб келиш керак-да” тарзида эмас), балки унга шахс сифатида муносабатда бўлиш (“Ўқувчиларим, энг аввало, шахс, бола, сўнгра эса ўқувчи. Мен унга қўядиган баҳо унинг билимлари ўлчови эмас,

[1] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-том. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. – 134-бет.

балки менинг унга нисбатан инсоний муносабатимдир” тарзида ёндашиш). 2. Ҳар бир баҳо ўқувчини келажакка ишонч руҳида тарбиялаши зарур; у ўқувчининг меҳнатини рағбатлантириши, бироқ, унинг дангасалиги ва қобилиятсизлиги учун жазо воситаси бўлмаслиги зарур.

Билим – объектив борлиқ ҳақидаги ёки муайян (илмий, маданий, маърифий, маънавий, ҳарбий ва б.ш.) соҳаларга оид илмий, амалий маълумотлар, тушунчалар мажмуи

Билимдон ўқитувчига хос сифатлар – мутахассис сифатида ўзида педагогик билимдонликни намоён этувчи ўқитувчига хос бўлган касбий сифат ва шахсий хусусиятлар бўлиб, педагогик билимдонлик қуйидагича намоён бўлади: ижтимоий субъектлар билан ўзаро алоқада, маданий мулоқотда бўла олиш; ўқувчи билан субъектив муносабат ўрната олиш; педагогик жараёнлар моҳияти, педагогик воқеликни изчил идрок қила билиш; жаҳон педагогик маданияти асосларини, миллий педагогик тажрибани ўрганиш, уларни интеграциялаштириш асосида ўз фаолиятига татбиқ этиш; инновацион янгиликлар билан доимий хабардор бўлиш; мутахассислик йўналиши бўйича ахборотларни излаш, топиш, уларни таълим мазмунига таянган ҳолда қайта ишлаш ва касбий фаолият жараёнида улардан самарали фойдалана билиш; ўқув ахборотларини таълим олувчи (ўқувчи, талаба)ларга етказиб бера олиш; шахсий тажрибаларни умумлаштириш ва таълим олувчиларга узатиш; касбий фидоийлик, педагогик технологияларни эгаллаш борасидаги билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштириш

Билиш қобилияти – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоён бўлиб, таълим жараёнининг иштирокчилари – ўқувчилар, ота-оналар, ҳамкасблар ва таълим муассасасининг раҳбарлари билан осон мулоқотга киришиш, улар билан муносабатни тўғри йўлга қўйишга ёрдам берадиган индивидуал психологик хусусият.

Диапазон (юнонча dia pason – барча (торлар) орқали) **–** товуш ҳажми бўлиб, унинг чегараси энг юқори ва қуйи оҳанглар билан белгиланади. Диапазоннинг қисқариши нутқни бир оҳангли (зерикарли) бўлиб қолишига сабаб бўлади. Бир оҳангда гапириш ахборотни идрок қилишни сусайтиради, уйқуни келтиради.

Дикция (лотинча diction – талаффуз қилиш) – сўзларнинг аниқ талаффуз қилиниши. Талаффузнинг аниқлиги ўқитувчи нутқининг тушунарли бўлишига ёрдам беради, шунингдек, ўқувчилар томонидан тўғри тушунилишини таъминлайди. Талаффуз қанчалик аниқ бўлса, айтилаётган сўз, ифодаланаётган бўғин ва товушлар шунчалик тиниқ, ёрқин ифодаланади. Товуш нутқ аппаратининг барча аъзолари (лаблар, жағ, тишлар, юмшоқ ва қаттиқ танглай, кичик тил, кекирдак, томоқ орқа девори,

товуш найчалари)нинг биргаликда унумли ишлашига боғлиқ. Тил, лаблар, юмшоқ танглай, кичик тил, ва пастки жағ нутқда фаол иштирок этади. Шу сабабли уларни доимий машқ қилдириб туриш муҳим аҳамиятга эга.

Жест (гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари) – муайян ҳодиса ёки объектга нисбатан муносабатнинг гавда, қўл ваоёқ ҳаракатлари ёрдамида ифодаланиши. Инсоният қадим-қадимдан ўзаро муносабат ва мулоқотларни ташкил этишда турли жестлардан ўринли ва самарали фойдаланиб келган. Зеро, жестлар инсоннинг ҳиссиётлари, ички кечинмалари ва ижтимоий борлиққа бўлган муносабатини сўзсиз ифодалаш имкониятига эга. М: ўнг қўл чап кўкрак устига кафтлар ёйилган ҳолда қўйилса, бу ҳолат “Сизга ҳурматим чексиз!”, ўнг қўлнинг кафтлари очиқ ҳолда кўрсатилса, “Жим бўлинг!”, “Бас қилинг!”, қўл мушт қилиб тугилса, “Қойил қилдим!” ёки “Қойил қиламан!” каби маъноларни англатади. Жуда қадимдан инсон юз ифодаси ва қараши атрофдагиларга сўздан кўра кучли таъсир қилиши аниқланган. Шу сабабли қадимги Рим ва Юнонистонда нотиқларнинг нафақат сўздан, шу билан бирга мимика, пантомимика ва жестлар (гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари)дан самарали фойдалана олишларига эътибор қаратилади. Бугунги кунда ҳам ривожланган мамлакатларда сиёсатчиларнинг юқорида қайд этилган ҳаракатлар бўйича малакаларни ўзлаштира олишларига жиддий эътибор қаратилади. Ўқитувчи томонидан мимика, пантомимика ва жестлар (гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари)дан самарали фойдалана олиш малакаларини самарали ўзлаштира олиши унинг меҳнатини қисман енгиллаштириш билан бирга, ўқувчиларга таъсир кўрсатишида муайян муваффақиятларни қўлга киритишига имконият яратади.

Интерфаол методлар (лотинча inter – орада, ўртада) – таълим жараёнида ўқувчилар ҳамда ўқитувчи ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш, фаолликни ошириш таълим олувчилар томонидан билимларни самарали ўзлаштириш, уларда шахсий сифатларни ривожлантиришга хизмат қиладиган методлар.

Интуиция (лотинча intuition < intueri – синчиклаб, диққат билан қарамоқ) – мантиқий боғланмаган ёки мантиқий хулосага келиш учун етарли бўлмаганда қидирув йўналишлари асосида масалани ечишнинг таркибини бўлган эврестик (унумли ижодий фикрлаш) жараёни.

Интуицияга хос белгилар: тезкорлик, баъзан лаҳзада шаклланадиган фараз ва масаланинг ечими; фараз ва масала ечимининг етарли даражада мантиқий асосланмаслиги; “ижобий” интуиция қарор қабул қилишда намоён бўлади; “салбий” интуиция эса қарор қабул қилингандан кейин намоён бўлади.

Касбий билимларни пухта ўзлаштириш маданияти – педагогик маданиятнинг муҳим таркибий элементларидан бири бўлиб, замонавий

педагог томонидан мавжуд педагогик билимларни пухта ўзлаштириш йўлида амалий ҳаракатларнинг ташкил этилаётганлигини англатади.

Касбий зийраклик – ўқувчилар руҳий ҳолатларини, дарс, тарбиявий тадбирларни ўтказишга бўлган иштиёқларини тўғри баҳолаш, уларнинг ўзаро ёки педагоглар билан зиддиятларини англаш, ўқувчи ва гуруҳга таъсир кўрсатишда қулай вазиятини танлай билиш.

Касбий-педагогик бурч – мутахассис сифатида ўқитувчи томонидан касбий фаолиятда адо этилиши мажбурий бўлган вазифа. Педагог ҳам ўз фаолиятида эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик, тўғрисўзлик ва ёлғончилик, раҳмдиллик ва шафқатсизлик, кўнгли оқлик ва кўнгли қоралик, ватанпарварлик ва ватанфурушлик, тинчлик ва уруш каби умуминсоний ахлоқий қадриятларни улуғлай олиши, уларга таянган ҳолда фаолиятни ташкил этиши лозим. Шунингдек, ҳар бир педагог касбий-педагогик бурчини тўла англай олиши, уни адо этиш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил эта билиши зарур. Педагог томонидан жамият, унинг аъзолари, педагогик ва ўқувчилар жамоаси олдида қандай вазифаларни бажариши зарурлигини, касбий-педагогик бурчни бажаришда қандай тамойилларга таянишни аниқ белгилаб олиниши ҳам шахс, ҳам мутахассис ва фуқаро сифатида ўз мавқеини мустақил белгилаш имкониятини яратади. Агарда у ўз касбий фаолиятини мавжуд ахлоқий тамойилларга мувофиқ ташкил эта олса, у ҳолда ўз-ўзига бўлган ҳурмати ортади, ўз кучига ишонч пайдо бўлади. Бу эса педагогни янгидан янги ютуқларни қўлга киритишга рағбатлантиради. Агарда борди-ю, педагог касбий-педагогик бурчини англаса-да, бироқ, уни мавжуд ахлоқий талабларга мувофиқ ташкил эта олмаса, у ҳолда, энг аввало, ўзига бўлган ҳурматни йўқотади, ўзини шахс сифатида юқори баҳолай олмайди.

Креативлик (инглиз тилидан “create ” – яратиш, “creative ” яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти. П.Торренснинг фикрига кўра, креативлик ўзида муаммога ёки илмий фаразларни илгари суриш, фаразни текшириш ва ўзгаритириш, қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш, уларнинг ечимларини топиш бўйича муайян билим, ҳаракатларнинг қарама-қаршилигига нисбатан юқори даражадаги таъсирчанликни ифодалайди[2].

Маданият (лотинча cuitura – парваришламоқ, тарбияламоқ) – инсоният томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалар, ишлаб чиқаришда қўлга киритилган ютуқлар мажмуи.

[2] http://psi.webzone.ru/st/050200.htm

Маҳорат – 1) **(**арабча сўз бўлиб**,** моҳирлик, усталик, эпчилликни англатади**)** – бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада орттирилган усталик, санъат, моҳирлик[3]; 2) бир иш ёки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш; 3) муайян иш, хатти-ҳаракат ёки касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишига имкон берадиган билим, кўникма ва малакалар мажмуи

Меҳнат – шахснинг маълум мақсад асосида ўз табиий, ижтимоий эҳтиёжларини қондириш асосида борлиқни билиш, уни қайта қуриш, моддий ва маънавий бойликларни яратишга йўналтирилган фаолияти

Мимика (юнонча mimikos – тақлидий) **–** бу юз мускулларининг ҳаракатлари орқали ўз фикри, ҳис-туйғулари, кайфиятини, шунингдек, мавжуд воқеликка нисбатан муносабатини ифодалаш.

Мулоқот жараёнида ахборот алмашиш воситалари – шахслараро мулоқот жараёнида ахборот алмашинувини таъминловчи моддий ва номоддий нарса, омиллар бўлиб, улар сирасига оғзаки ва ёзма нутқ, паралингвистик ва экстралингвистик тизимлар, мулоқотнинг ташкилий кўлами ва вақти, кўз қарашлар ёрдамида ташкил этиладиган алоқа, белгиларнинг оптик-кинетик тизими (мимика, пантомимика, жестлар – гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари) кабилар киради.

Мулоқот – 1) кишиларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирларига таъсир кўрсатишлари кишилар ўртасидаги алоқани тиклаш ва ривожлантириш жараёни; 2) кишиларнинг бир-бирларига таъсир кўрсатиши асосида улар ўртасида рўй берадиган ахборот алмашинуви[4].

Мулоқот маданияти – 1) мулоқот жараёнини ахлоқий меъёрлар, ижтимоий талабларга мувофиқ ташкил этиш асосида суҳбатдошни тушуна олиш эҳтиёжи ва қобилиятига эгалик; 2) педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири бўлиб, у педагог томонидан ўқувчилар, ота-оналар, ҳамкасблар ва таълим муассасаси раҳбарлари билан фаол мулоқотни тўғри, самарали ташкил этилиши асосида таълим самарадорлигига эришилишини ифодалайди. Таълим амалиёти педагогик мулоқот жараёнида ўқитувчилар томонидан қуйидаги камчиликларга йўл қўйилишидан далолат беради: эҳтиётсизлик; шахсиятпарастлик; суҳбатдошни ортиқча мажбурлаш; сусткашлик; ўзини жуда юқори ёки паст қўйиш; ҳаддан ташқари жонбозлик кўрсатиш.

---

[3] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Е – М / 5 жилдли. Иккинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 575-бет

[4] Большая психологияеская энциклопедия. Самое полное современное издание. – Москва: Эксмо, 2007. – С. 287

Нафас олиш – 1) организмга ҳаёт бағишловчи физиологик функция; 2) нутқнинг энергия базаси.

Нафас олиш техникаси – физиологик функция ёки нутқнинг энергия базаси сифатида нафас олишда қўлланиладиган воситалар мажмуи. Нафас олиш техникасининг муайян турлар мавжуд. Улар: кифтда нафас олиш (нафас кўкракнинг юқори қисмида олиниб, кифтлар кўтарилади; бундай нафас олиш зарарли, чунки у кишини тез чарчатиб, бир меъёрда сўзлашга имкон бермайди); кўкрак-қорин орқали нафас олиш (бундай нафас олганда ўрта қовурғалар, биқин ҳаракатга келади, яъни улар кенгаяди); аралаш нафас олиш (бундай нафас олиш пастки қовурғалар, диафрагма иштирокида нафас олиш саналади. Бунда кўкрак қафаси ва кифтлар кўтарилмайди).

Ноёб қобилиятлар – шахсга хос индивидуал психологик хусусиятнинг шундай тури бўлиб, у жуда кам сонли шахслардагина кузатилади ва кўп учрайдиган психологик ҳодиса саналмайди. Маҳоратли ўқитувчиларда қуйидаги ноёб қобилиятлар ҳам кўзга ташланади: бир вақтнинг ўзида бир неча фаолиятни бажара олиш (масалан, эшитиш, кўриш, ўқиш, ёзиш, фикр юритиш, мулоқот қилиш ва бошқалар); атрофида кечаётган икки ёки бир неча воқеликни бирдек қабул қилиш (жумладан, бир ўқувчининг маърузасини эшитгани ҳолда, синфдаги бошқа ўқувчиларнинг фаолиятларини кузата олиш); ўта қизиқувчанлик (табиат ва жамиятда кечаётган ҳар бир воқеа-ҳодиса (гарчи улар энг аҳамиятсиз, эътиборга ташланмайдиган бўлса-да) моҳиятини билишга интилиш, ҳаддан зиёд кўп саволларга жавоб топишга интилиш); мия фаолиятининг биокимёвий ва электрик фаоллиги (мия деярли тўхтовсиз фаолият кўрсатиб, ниҳоятда кам вақт “дам олади”, билиш жараёнида ноаниқликлар кўзга ташланса, улар тезда бартараф этилади; уйқучанлик қобилиятли педагогларга хос хусусият эмас); нутқи ва фантазиясининг бойлиги (қобилиятли ўқитувчиларнинг аксарияти ниҳоятда бой нутққа эга, шунингдек, уларда фантазия (тасаввур қилиш) қобилияти беқиёс даражада кучли); кучли хотира (йирик ҳажмдаги матнни, жумладан, достонларни бир марта ўқиш билан тўлалигига ёдлаб олиб, уни сўзма-сўз қайта ҳикоя қилиб бериш қобилияти)га эгалик кабилар алоҳида ўрин тутади[5].

Нутқ аппарати – нутқни ҳосил қилишда иштирок этувчи органлар.

Нутқли (ёки товушли) нафас олиш (фонацион, юнончадан “phono” – товуш) – нафаснинг нутқ жараёнидаги олиниши.

---

[5] Худойбергенова Ў. Иқтидорли болаларни ўқитишга ихтисослашган мактаблар фаолияти самарадорлигини оширишнинг педагогик асослари: Пед.фанл.номз... дисс. – Тошкент: 2006. – 20-21-бетлар.

Нутқ маданияти – ўз фикрини нутқ ёрдамида мантиқли, тўғри, образли, аниқ ва ифодали етказиб бериш малакаларининг ўзлаштирилганлик даражаси.

Нутқ техникаси – нутқни тингловчи ёки ўқувчига етказишда қўлланиладиган воситалар мажмуи.

Нутқ ҳосил қилувчи органлар – нутқни ҳосил қилиш жараёнида иштирок этувчи органлар. Бу каби органларга ўпка, иккита бронх, трахея, кекирдак, бўғиз, ҳиқилдоқ, ҳалқум, тишлар, бурун бўшлиғи, лаблар киради.

Пантомимика – бу гавда, қўл ва оёқларнинг ҳаракати бўлиб, у педагог томонидан баён этилаётган муайян фикрни алоҳида ажратиб кўрсатишга, маълум қиёфа орқали гавлантиришга имкон беради.

Паралингвистик тизим (юнонча paŕá – яқин, немисча linguistik – тил) – мулоқот таркибида сўзли, назарий маълумотларни сўзсиз воситалар билан биргаликда узатилиши англатувчи тизим[6].

Педагогик билим – болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, таълим ҳамда тарбия жараёнини ташкил этиш асосида шахсни ҳар томонлама камол топтиришга доир тизимланган маълумотлар йиғиндиси

Педагогик билимдонлик – 1) педагог томонидан мутахассислик билимларининг пухта эгалланганлиги; педагогнинг билағонлиги; 2) педагогнинг касбий фаолиятни мавжуд ижтимоий талаб, ҳуқуқий меъёр ва стандартларга мувофиқ ташкил этишга бўлган қобиллиги, касбий тайёргарлик даражаси.

Педагогик билимларни ўзлаштириш босқичлари – педагогик билимларнинг муайян изчилликда, қадам-бақадам ўзлаштиришнинг муайян даврлари бўлиб, бунда қуйидаги даврлар муҳим саналади: педагогик жараён (вазият)ни идрок этиш; педагогик маълумот (ахборот)лар моҳиятини англаш; ўзлаштирилган педагогик билимларни мустаҳкамлаш; мавжуд педагогик билимларни амалий фаолиятда қўллаш

Педагогик бошқариш – педагогик жараёнларни ташкилий-методик жиҳатдан уюштириш. Педагогик бошқариш бир неча йўналишларда амалга оширилади. Педагогик бошқаришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир: 1) фаолиятни бошқариш; 2) ўқувчилар жамоасини бошқариш

Педагогик дунёқараш – педагогик маданиятнинг муҳим таркибий элементларидан бири бўлиб, у педагог ва таълим олувчилар ўртасидаги

[6] http://dic.academic.ru/dic.nsf/socio/4789.

ўзаро муносабатлари жараёнининг мазмунини, натижаларини белгиловчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизими.

Педагогик ижод – педагогнинг касбий жараённи самарали ташкил этишга йўналтирилган яратувчанлик фаолияти

Педагогик интуиция (лотинча “intueri” – синчиклаб, диққат билан қараш) – педагог томонидан педагогик воқеа-ҳодисанинг моҳиятини, ўқувчи хатти-ҳаракатлари мазмунини тасаввур, эмпатия ва орттирилган тажриба асосида ҳис-туйғу, сезги ёрдамида, зийраклик билан мантиқий далилларсиз бевосита англаш.

Педагогик креативлик (лотинча creatio – яратиш): 1) педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти (кенг маънода); 2) аниқ белгиланган мақсадга эришиш учун мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш қобилияти сифатида, кенг маънода эса педагогик муаммоларни оқилона, устамонлик билан ҳал қилиниши (тор маънода).

Педагогик лойиҳалаш маданияти – педагогик маданиятнинг муҳим таркибий элементларидан бири бўлиб, у педагог томонидан ўзининг ички имкониятлари билан талаб, хоҳиш-истакларни ўзаро уйғунлаштира олган ҳолда мақсад ҳамда вазифаларни тўғри белгилай олиш, педагогик жараённи босқичлар бўйича режалаштириш, режани амалга оширишда зарур воситаларни танлаб билиш малакаси эгаликни тавсифлайди. Лойиҳалаш маданияти, шунингдек, фаолиятга ижодий ёндашишни, янгиликларни яратишни, қатъий белгиланган меъёр ва талаблар доирасидагина эмас, балки эркин ижод қилиш қобилиятига ҳам эгаликни билдиради.

Педагогик маданиятга эгаликни ифодаловчи сифатлар – ўқитувчида касбий хулқ-атвор, одоб, муомала ва хатти-ҳаракат кўникма, малакалар мавжудлигини ифодаловчи сифатлар бўлиб, бу каби сифатларни икки хил гуруҳлаштириш мумкин: 1) ўқитувчининг умумий маданияти, у томонидан эъзозланадиган моддий ва маънавий қадриятлар, ижодий педагогик фаолияти; педагог шахсининг тавсифи; педагогик қадриятлар, педагогнинг фаолияти ва касбий ҳулқ-атворини ўз ичига олувчи динамик тизим: педагогик позиция ва шахсий сифатлар; касбий билимлар ва педагогик тафаккур маданияти; касбий малака ва педагогик фаолиятнинг ижодий хусусияти; шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва педагогнинг касбий хатти-ҳаракатлари маданияти; 2) ўқувчи (талаба, тарбияланувчи)нинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини тушуна олиш, уларга ҳамдардлик билдириш қобилияти; таълим ва тарбия жараёнини шахсан бойита олиш

кўникмаси; ўқувчи (талаба, тарбияланувчи) шахсида ижобий “мен”лик (ўзлик)ни ривожлантириш учун ижобий рағбат билдириш, йўналтира олиш; ўзини ўзи ва ўқувчи (талаба, тарбияланувчи)ларни бошқара олиш; ўқувчи (талаба, тарбияланувчилар билан расмий ва норасмий мулоқотни ташкил этишнинг турли услубларини ўзлаштира олганлик; ҳиссий барқарорлик, ўзини тута билиш, ўз-ўзига ишонч, ҳаётсеварлик; турли диний ғоялар ва анъаналарга эътиқод қилувчи ўқувчи (талаба, тарбияланувчи)ларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш; педагогик рефлексия қобилиятига эгалик; ҳеч қандай мажбурловларсиз педагогик зиддиятларни бошқариш; яратувчилик (ижодкорлик).

Педагогик маданиятнинг таркибий элементлари – ўқитувчининг мутахассис сифатида касбий маданияти сифатларини ҳосил қилувчи таркибий элемент (унсур)лар бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир: педагогик лойиҳалаш маданияти; касбий билимларни пухта ўзлаштириш маданияти; педагогик дунёқараш; фикрлаш маданияти; ҳис этиш маданияти; баҳолаш маданияти; мулоқот маданияти; ташкилотчилик қобилияти.

Педагогик маданият – 1) педагогнинг шахс ва мутахассис сифатида муайян хулқ-атвор, одоб, муомала ва хатти-ҳаракат кўникма, малакаларини ўзлаштириш даражаси; 2) педагогнинг касбий вазифаларни ҳал қилиш усул ва воситаларини ўзлаштирганлик, педагогик билимдонлик, такт, техника ва маданиятни намоён қила олишнинг юқори даражаси.

Педагогик мажбурият – жамият томонидан ўқитувчи шахсига, у томонидан бир қатор педагогик мажбуриятларнинг бажарилишига нисбатан қўйиладиган талаб ва ахлоқий йўл-қўрий, кўрсатмалар мажмуаси. Педагог касбий фаолиятни ташкил этишда муайян меҳнат вазифаларини, асосан, ақлий меҳнат вазифаларини амалга ошириш; ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкасблар билан ўзаро муносабатни тўғри ташкил этиш; танлаган касбига, ўқувчилар ва педагогик жамоага ҳамда жамиятга бўлган шахсий муносабатини чуқур англаш каби мажбуриятларни бажара олиши зарур. Педагогик мажбуриятлар сирасида, яна шунингдек, касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий муносабатда бўлиш, ўзига нисбатан талабчанлик, касбий билимларини бойитиб ва педагогик малакасини оширишга интилиш, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан ўзаро ҳурматга асосланган ва талабчан муносабатни ўрнатиш, мураккаб педагогик низоларни ижобий ҳал қилиш кўникмаларини ўзлаштириш кабиларни ҳам кўрсатиш зурур.

Педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмлари – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоён бўладиган касбий маҳорат асосини ташкил этувчи элемент (унсур)лар бўлиб, педагогик маҳорат асоси қуйидагилардан таркиб топади: педагогик одоб, педагогик билимдонлик, педагогик қобилият, педагогик мулоқот маданияти, педагогик релаксация, коммуникатив

таъсир кўрсатиш қобилияти, педагогик такт (назокат), педагогик техника, нутқ техникаси, педагогик ижодкорлик, педагогик тажриба, педагогик маданият.

Педагогик маҳорат (фан сифатида) – олий таълим муассасаларида ўқитиладиган педагогик туркум фанларнинг бири, мустақил ўқув фани бўлиб, ижтимоий фанлар туркумига киради ва бўлажак ўқитувчиларда педагогик жараённи самарали, методик жиҳатан тўғри ташкиллаштиришга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Ушбу фаннинг мақсади – талабаларда педагогик жараённи мустақил, ташкилий илмий-методик жиҳатдан тўғри ташкил эта олиш ва касбий-педагогик фаолиятда юқори самарадорликка эришишни кафолатловчи билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

“Педагогик маҳорат” фанининг вазифалари: талабаларни педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларига доир назарий билимлар билан қуроллантириш; уларда педагогик фаолиятни оқилона ташкил этиш, педагогик жараённи самарали йўлга қўйиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш; талабаларнинг педагогик ҳамкорликни қарор топтириш технологиясига оид билимларни эгаллашларини таъминлаш; уларда педагогик одоб ва маданият сифатларини таркиб топтириш, педагогик қобилиятни шакллантириш; талабалар томонидан педагогик мулоқот, педагогик назорат (такт), техника ва педагогик таъсир кўрсатиш кўникма, малакаларини етарли даражада ўзлаштирилишини таъминлаш; бўлажак мутахассис сифатида талабаларда педагогик маданиятни шакллантириш.

Педагогик маҳорат – 1) ўқитувчининг педагогик жараённи ташкилий, методик, руҳий ва субъектив жиҳатдан ўта моҳирлик, усталик билан ташкил этиш ва бошқариш қобилияти, кўникма-малакасига эгалиги; 2) таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллай олиш қобилияти, юксак педагогик тафаккур; 3) педагог томонидан касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишини таъминловчи билим, кўникма ва малакалар мажмуи; 4) олий таълим муассасаларида ўқитиладиган педагогик туркум фанларнинг бири. “Педагогик маҳорат” тушунчаси “Педагогика”, “Педагогик технология” ҳамда “Педагогик маҳорат” каби фанларга хос муҳим категория бўлиб, у категория сифатида ўтган асрнинг 80-90-йилларида илмий-педагогик жиҳатдан асосланган.

Педагогик мулоқот – педагогнинг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкасблар ҳамда раҳбарият билан уюштирадиган суҳбати. Педагогик мулоқотнинг бир неча тури мавжуд. Улар: ўзаро ижодий фаолиятга қизиқтирадиган мулоқот, ўзаро дўстона муносабатга асосланган мулоқот, муайян масофани сақлаган ҳолда ташкил этиладиган мулоқот, қўрқитиш, таҳдид қилишга асосланган мулоқот, ҳазил-мутойибага, юморга асосланган мулоқот.

Педагогик мулоқот маданияти – педагогнинг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкасблар ҳамда раҳбарият билан педагогик одоб ҳамда мулоқот талабларига мувофиқ ҳолда уюштириладиган суҳбати. Педагогик мулоқот бир неча йўналишларда ташкил этилади. Яъни: педагогнинг алоҳида ўқувчи билан мулоқоти; педагогнинг бутун синф билан мулоқоти; педагогнинг алоҳида ўқувчи орқали бутун синф билан мулоқоти; педагогнинг бутун синф орқали алоҳида ўқувчи билан мулоқоти. Педагогик мулоқот жараёнида шахсни ўрганиш (билиш); ахборот алмашиш; фаолиятни ташкил этиш; ҳамдард бўлиш каби вазифалар ҳал қилинади.

Педагогик мулоқотнинг авторитар услуби – педагогик мулоқотда ўқитувчининг мутлоқ устунлигини ифодаловчи услуб. Унга кўра ўқувчиларнинг барча турдаги фаолиятларининг ташкил этилиши, мазмуни, шакли, метод ва воситаларининг барчаси фақат ўқитувчи томонидан белгиланади. Ўқувчиларнинг ҳар қандай ташаббуслари рағбатлантирилмайди, аксинча, буйруқ, кўрсатма, йўлланма бериш, шунингдек, жазолаш чораларини кўриш орқали ўқувчиларга таъсир этилади. Ҳатто ўқувчиларнинг фаолиятлари ижобий баҳоланган вақтда ҳам уларга бўлган таъсир турли кесатиқлар билан баён этилади. Яъни: “Сендан ижобий хатти-ҳаракатни кутмаган эдим?!”, “Буни қара-я, наҳотки ўзгарган бўлсанг!?”, “Қара-я, биргина аъло баҳо олиш билан ўзингни яхши инсон бўлиб қолган деб ҳисоблайсанми!?” ва ҳоказо мазмундаги рағбатлар, улар асли ижобий ҳолатни эътироф этишга йўналтирилган бўлса-да, ўқувчини янги ютуқларига илҳомлантирмайди. Аксинча, унда таълим олишга, таълим муассасасига ва педагогларга нисбатан совуққонликни юзага келтиради.

Педагогик мулоқотнинг демократик услуби – педагогик мулоқотда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини ифодаловчи услуб. Унга кўра ўқитувчи педагогик фаолиятни ташкил этишда жамоанинг фикрига таяниб иш кўради. Ўқув машғулотлари ва тарбиявий ишларни ташкиллаштиришда ҳар бир ўқувчининг фикрини инобатга олишга, уларни умумлаштирган ҳолда энг самаралисини танлаб олишга интилади. Муҳокамалар чоғида барча ўқувчиларнинг иштироклари таъминланади. Ўқувчилар томонидан билдирилаётган ташаббуслар қўллаб-қувватланади, мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда бу ташаббуслар амалиётга татбиқ этилади. Демократик услубдан фойдаланаётган педагог, ўқитувчи зиммасидаги вазифа фақатгина ўқувчиларнинг фаолиятини назорат қилиш, тузатишлар киритишдан иборат эмаслигини англаб етади. Асосий эътиборни ўқувчиларнинг ютуқларини эътироф этган ҳолда ёки уларнинг хатоларини ўзларига англатган ҳолда самарали тарбия чорасини кўришга қаратади. Ҳар бир ўқувчининг ютуғи алоҳида эътироф этиладики, бу эса уларни янги зафарларга эришишга руҳлантиради. Ушбу услубга асосланиб иш кўрадиган ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг қизиқишлари ва

қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда бажариладиган ишларни тўғри тақсимлашга ҳаракат қилади, фаол ўқувчиларни тақдирлаб боришни фаолиятининг асосий йўналиши сифатида белгилайди. Бу каби педагог, ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқотни ўрнатишда илтимос, маслаҳатга таяниб иш кўради.

Педагогик мулоқотнинг либерал услуби – педагогик мулоқотда ўқитувчининг эътиборсизлигини ифодаловчи услуб. Ушбу услуб ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларининг келишувчанликка асосланишини таъминлайдиган услуб сифатида ҳам эътироф этилади. Унга кўра иш юритадиган ўқитувчи педагогик жараёнларда ўқувчилар томонидан содир этилаётган салбий ҳолатларга эътибор бермасликка интилади. Ўқувчиларни тартибга чақириш, шунингдек, вазиятдан келиб чиққан ҳолда уларнинг фаолиятини тўғри баҳолаб, жазолаш зарур бўлган вазиятларда ҳам индамасликни одат қилиб олади. Бу эса ўқувчиларнинг одобсиз, ялқов, масъулиятсиз бўлишларига олиб келади. Либерал услубни маъқул кўрадиган педагог, ўқитувчи ўқувчилар ҳаёти билан мутлақо қизиқмайди, уларнинг фаолиятларига аралашмайди, ҳал қилувчи вазиятларда масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилади. Айрим ҳолатларда бир-бирига зид бўлган фикрларни ҳам бирдек маъқуллайди. Натижада бу таҳлитда иш кўрадиган ўқитувчи ҳеч қандай обрўга эга бўлмайди. Чунки унга ишониш мумкин эмас.

Педагогик мулоқот услублари – ўқитувчилар томонидан педагогик жараёнда таълим иштирокчилари билан мулоқотни ташкил этишда қўлланиладиган усуллар мажмуи. Педагогик жараёнда мулоқотнинг уч услубидан фойдаланилади. Улар: авторитар услуб, демократик услуб, либерал услуб.

Педагогик новаторлик – педагогик фаолиятда илғор тамойил ёки ғояни асослаш, янги йўл, усул ёки воситаларни тавсия қилиш, уларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган ижодий ёндашув

Педагогик обрў – педагогнинг ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, педагогик жамоа, шунингдек, жамият томонидан эътироф этилган ахлоқий мақоми.

Педагогик одоб – бу педагог (ўқитувчи) олдига унинг ўзига, касбига, жамиятга, болаларга ва ўқув-тарбия жараёнининг бошқа иштирокчиларига муносабатда бўлишига нисбатан қўйиладиган ахлоқий талаблар тизими. Педагогик одобнинг асосий шакллари қуйидагилар саналади: касбий-педагогик бурч, педагогик адолат, педагогик мажбурият, педагогик обрў.

Педагогик релаксация (лотинча relaxatio – заифлашиш, бўшашиш**) –** таълим олувчилар (ўқувчи, талаба, тарбияланувчи)ларнинг ҳиссий фаолиятини, руҳий-жисмоний қувватини ҳамда ишчанлик қобилиятини қайта тиклаш. Мураккаб вазиятларда, м: имконияти чеклнаган болалар, фанларни

ўзлаштира олмайдиган ёки тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлашда релаксопедиянинг педагогик-педагогик имкониятларидан ўринли, мақсади ва самарали фойдаланиш кутилган натижаларни беради. Релаксация жараёнида ўқувчилар ўқитувчининг қўллаб-қувватлашларини ҳис этишлари, унинг меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлишлари, ҳамдарлигини ҳис қилишлари лозим. Шундагина ўқувчилардаги руҳий зўриқиш, жисмоний толиқишларни бартараф этиш учун психологик муҳит юзага келади

Педагогик рефлексия (reflexio – ортга қайтиш, акс этиш) – педагогнинг шахс онги моҳияти ва вазифаларини, шу жумладан, қадриятлари, қизиқишлари, рағбатлантирувчи омиллар, фикрлаш, идрок, қарорлар қабул қилиш, ҳиссий таъсирланиш, хатти-ҳаракатлари ва бошқаларнинг моҳиятини англаб етиши

Педагогик тафаккурнинг ривожланиш босқичлари – педагог томонидан касбий фаолиятни ташкил этиш ёки педагогик йўналишда таҳсил олаётган ўқувчи, талабаларда ихтисослик билим, кўникма ва малакаларининг ўзлаштирилиши билан боғлиқ ҳолда тафаккурнинг изчил, қадам-бақадам ривожланиб бориш даврлари бўлиб, бу давр қуйидаги изчилликда кечади: педагогик жараён (вазият)ни идрок этиш; педагогик маълумот (ахборот)лар моҳиятини англаш; ўзлаштирилган педагогик билимларни мустаҳкамлаш; мавжуд педагогик билимларни амалий фаолиятда қўллаш; педагогик жараён, ҳодиса, вазиятларни таҳлил қилиш; педагогик жараён, ҳодиса, вазиятлар ўртасидаги боғланиш, алоқадорликни баҳолай олиш; педагогик жараён самарадорлигини ошириш (педагогик ҳодиса ривожини, педагогик вазиятнинг ижобий натижаланишини таъминлаш) йўлларини излаш; ижодий ёндашиш асосида педагогик жараён самарадорлигини ошириш (педагогик ҳодиса ривожини, педагогик вазиятнинг ижобий натижаланишини таъминлаш)га эришиш; педагогик жараён, ҳодиса, вазият истиқболини башоратлаш

Педагогик тажриба – касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнида педагог томонидан ўзлаштирилган орттирилган билим, кўникма ва малакалар мажмуи

Педагогик такт (лотинча tactus – даҳл қилиш, даҳлдорлик, ҳис этиш, туйғу) – педагогнинг ўқувчилар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулоқотда мавжуд ахлоқий тамойиллар ҳамда ҳулқ-атвор қоидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ёндашиш малакаларига эгалиги. Ўқитувчига хос бўлган педагог тактнинг асосий таркибий элементлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин: шахсга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш; юксак талабчанлик; суҳбатдошни қизиқиш билан тинглай олиш ва унга нисбатан қайғуриш малакаси; руҳий барқарорлик, дадиллик ва оғир вазминлик; муносабатлар жараёнида

ишонч билан сўзлай олиш; қатъиятлилик (қайсарлик эмас); ўқувчиларга нисбатан эътиборли ва хушёр бўлиш[7]. Ўқитувчининг педагогик тактга эгалиги унинг юриш-туришида, вазминлигида, ўзини тута билишида намоён бўлади, Шунингдек, у ўқувчига ишонч билан қарашни назарда тутади. Ўқувчига ишончсизлик билан қараш ўқитувчининг педагогик тактга эга эмаслигини ифодалайди. Ҳар қандай педагогик низо ёки зиддиятларнинг асосида ўқитувчининг педагогик тактга эга эмаслиги ётади. Ҳар қандай қўполлик, кесатиқ ва койишлар, ўқувчиларни доимий равишда танқид қилиш, уларга ишончсизлик билдириш педагогик низоларни келтириб чиқаради. Педагогик такт, шунингдек, ўқитувчининг ўқувчи жавобини диққат билан тинглашида, жавобнинг мазмунига алоҳида эътибор қаратишида, борди-ю, ўқувчи хатога йўл қўядиган бўлса, уни босиқлик, вазминлик билан тўғрилашда, ўқувчи фаолиятини ҳаққоний, оқилона баҳолашда, қўйилган баҳонинг моҳиятини изоҳлашда намоён бўлади. Бу жараёнда жавоб бераётган ўқувчига жилмайиш, турли имо-ишоралар, қўл ҳаракатлари билан, бошни қимирлатиш, юз ифодалари орқали унинг жавобларини маъқуллаб туриш педагогик фаолият самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Педагогик тафаккур – педагогик жараён, вазият ва ҳодисалар моҳиятининг, шунингдек, улар ўртасидаги муҳим боғланиш ва алоқаларнинг педагог онгида тўлақонли акс этиши, янги ғояларни илгари суриш, янгиликлар яратиш, шунингдек, педагогик жараён, вазият ва ҳодисаларнинг натижаларини башоратлаш; педагогнинг мутахассис сифатидаги ақлий фаолиятининг юксак шакли

Педагогик техниканинг воситалари – педагог томонидан ўқувчиларнинг у ёки бу ҳаракатлари ёки уларда намоён бўладиган маънавий-ахлоқий сифатларига нисбатан субъектив муносабат, алоҳида ҳис-туйғуларнинг маъноли ифодаланишини таъминловчи воситалар. Педагогик техника воситалари нутқ ва оғзаки бўлмаган мулоқот саналади.

Педагогик техника методлари – педагог томонидан ўқувчиларнинг у ёки бу ҳаракатлари ёки уларда намоён бўладиган маънавий-ахлоқий сифатларига ўзининг субъектив муносабат, алоҳида ҳис-туйғуларни маъноли ифодаланишини англатувчи методлар саналади[8]. Педагогик техника методлари икки гуруҳга ажратилади. Улар: 1) шахсий хатти-ҳаракатларини бошқариш методлари; ўз организмини бошқариш (мимика) методлари; ҳиссиёт ва кайфиятни бошқариш (психологик зўриқишни бартараф қилиш, ўзини ҳис қилишга ижодий ёндашиш) методлари; ижтимоий-перцептив қобилият (диққат, кузатувчанлик, тасаввур)ни ривожлантирувчи методлар; нутқ техникаси (нафас олиш, овоздан фойдаланиш, урғу бериш, нутқ

[7] http://imp.rudn.ru/psychology/pedagogical_psychology/13.html.
[8] http://psylist.net/hpor/ped037.htm.

суръати кўникмалари)ни такомиллаштирувчи методлар; 2) алоҳида ўқувчига таъсир кўрсатиш методлари; ўқувчилар жамоасига таъсир кўрсатиш методлари; таълим ва тарбия жараёнининг технологик томонларини очиб берувчи методлар; ташкилотчилик ва коммуникатив малакаларни ривожлантирувчи методлар; педагогик талаблар қўйишнинг технологик усуллари; педагогик мулоқотни бошқариш малакасини ривожлантувчи методлар; жамоавий ижодий ишларни ташкил этиш методлари ва б.ш.

Педагогик техника – педагог томонидан ўзлаштирилган алоҳида ўқувчи (талаба, тарбияланувчи)га ҳамда таълим олувчилар жамоаларига педагогик таъсир кўрсатиш методларини амалда самарали қўллай олиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси бўлиб, у педагогик жараён самарадорлигини таъминлайди. Педагогик техниканинг асосий турлари қуйидагилар саналади: ўзини ўзи ҳиссий бошқариш, пантомимика, мимика, жест (гавда, қўл, оёқ ҳаракат)ларидан ўринли фойдаланиш, нутқ техникаси, алоҳида сўз ёки ифодаларни ифодалаш суръати (ритмика).

Педагогик технологиянинг муҳим белгилари – ҳодиса сифатида педагогик технологияга хос бўлган сифатлар. Педагогик технологиянинг муҳим белгилари қуйидагилар саналади: предметлилик (педагогик технология назариясига оид барча атама, тушунча, категория ва таъкидлар бир предметли ёки муайян соҳага тааллуқли бўлиши керак); бир-бирига мослик ёки тўлиқлик (педагогик технология назариясининг тили, унинг асосий тушунчалари, категориялари, тамойиллари, моделлари ва ҳ.о.); аниқлик (объекти маъносини икки аспектда: амалий (тажриба) ва семантик (ифодавий, назарий) жиҳатдан ёритади); текширувчанлик (назариянинг реал объектга мослик даражасини текширади); ҳаққонийлик (педагогик технология назариясининг асосий таъкидлари ишончли бўлиши зарур); тизимлилик (техно-педагогик қонунларни табақалаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи алоқалари ёрдамида ягона тизимга бирлаштириш).

Педагогик технология вазифалари – таълим-тарбия жараёнида технологик ёндашув асосида ҳал этиладиган ишлар. Таълим-тарбия жараёнида технологик ёндашув асосида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади: 1.Таълим (тарбия) жараёнининг умумий, яхлит лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Таълим (тарбия) жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш. 3. Таълим (тарбия) жараёни моҳиятини башоратлаш (тахмин қилиш) ва унинг мазмунини ишлаб чиқиш. 4. Таълим (тарбия) жараёни самарадорлигини таъминлашга ёрдам берувчи энг самарали, мақбул шакл, метод, усул, техник воситаларни танлаш. 5. Таълим жараёнида ўқувчининг эркин, мустақил фаолият кўрсатиши учун муайян шарт-шароитларни яратиш, уларда маълум кўникма, малакаларнинг шаклланиши учун вақт ўрнини белгилаш, уларнинг билимлари даражасини аввалдан ташхислаш. 6. Ўқувчилар фаолиятини йўналтириш, назорат қилиш ва баҳолашни

ташкил этиш. 7. Ишлаб чиқилган педагогик технология лойиҳасини жамаода синаш, мақсаднинг натижаланганлик даражасини таҳлил этиш.

Педагогик технологиянинг умумий дидактик тамойиллари – педагогик технологиянинг дидактик моҳиятини ифодаловчи асослар, бошланғич негизлар. Педагогик технологиянинг умумий дидактик тамойиллари қуйидагилардан иборат: бир бутунлик, яхлитлик; асослилик (фундаментлик); маданиятни англаш маданий ҳаётнинг ривожланишига мувофиқлик); таълим мазмунини инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш; ўқитиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш; таълимнинг узлуксизлиги; фаолиятли ёндашув

Педагогик технология - технологик лойиҳага асосланган таълим жараёнини ташкил этиш усули бўлиб, у аввалдан белгиланган муайян қоида ва талабларга жавоб беради (С.К.Исламгулова); таълим шаклларини такомиллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида, уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, тадбиқ этиш ва аниқлашнинг изчил методи (ЮНЕСКО); педагогик мақсадларга эришиш йўлида фойдаланиладиган барча шахсий, ускунали ва методологик воситаларнинг тизимли йиғиндиси ва уларнинг амал қилиш тартиби (М.В.Кларин); таълим жараёнига нисбатан ўзига хос ёндошув; ижтимоий-муҳандислик тафаккурининг педагогик ифодаси, технократик онгнинг педагогикага кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандарти (Б.Л.Фарберман); дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришиш, таълим жараёнини аввалдан лойиҳалаштириш (У.Н.Нишоналиев); ўқитувчининг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароит ва изчилликда таъсир кўрсатиш ҳамда мазкур фаолиятнинг маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган сифатларни шакллантириш жараёни (Н.Саидаҳмедов).

Педагогик технология тузилмаси – педагогик технологиянинг ўзаро боғлиқ бўлган қисмлари ўртасидаги ўзаро бирлик, уларнинг яхлитлиги. Педагогик технология тузилмаси икки турда намоён бўлади. 1. Педагогик технологиянинг вертикал (тик) тузилмаси. 2. Педагогик технологиянинг горизонтал (ётиқ) тузилмаси.

Педагогик технологиянинг вертикал тузилмаси қуйидагилардан таркиб топади: метатехнология (таълим жараёнида таълимий-ижтимоий сиёсатни амалга ошириш даражасини ифодалайди; мамлакат, минтақа, ўқув муассасаларига хос яхлит таълим жараёнини қамраб олади (м: ривожлантирувчи таълим технологияси, минтақавий таълим сифатини бошқариш технологияси, махсус таълим муассасаларда ташкил этилувчи тарбиявий ишлар технологияси); мезотехнология (соҳага оид педагогик технологиялар; маълум таълим ёки тарбия соҳаси доирасидаги фаолият (умумпедагогик ва умумметодик даража)ни қамраб олади (м: таълим

технологияси, тўлдирувчи таълим технологияси каби); макротехнология (ўқув жараёнининг алоҳида қисм (модул)лари, хусусий, тармоқли, дидактик, методик ёки тарбиявий вазифаларни ҳал этувчи фаолиятни ифодалайди (м: субъект ва объектнинг алоҳида фаолият турлари, маълум мавзуни ўрганиш, билимларни ўзлаштириш, материалларни такрорлаш, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш технологиялари) – модулли-тармоқли технология); микротехнология (кичик оператив вазифалар, субъектнинг таълим жараёнидаги индивидуал ва бошқа субъектлар билан кечадиган ўзаро ҳаракати (алоқа-шахсий даража)ни ифодалайди (м: ёзиш кўникмаларини шакллантириш технологияси, шахснинг алоҳида сифатларини тарбиялаш технологияси)).

Педагогик технологиянинг горизонтал (ётиқ) тузилмаси эса қуйидагилардан иборат: расмий-тасвирий (мақсадлар тавсифи, мазмун, метод ва воситалар, фаолият алгоритми, кутилган натижага эришишда қўлланадиган моделларни ифодалайди); илмий (объект ва субъект фаолиятини амалга ошириш, унинг мақсадга мувофиқлиги, режалаштирилганлиги, ташкил этилиши, мақсадни амалга ошириш ва натижаларни таҳлил этиш жараёнини ифодалайди); жараёнли-фаолиятли (маълум муаммони ҳал этиш йўллари илмий жиҳатдан асосланган, амалиётга тадбиқ этиш чоралари белгиланган бўлиши зарур).

Педагогик технология турлари – педагогик технологиянинг айрим белгилари, хоссалари, вазифаларига кўра муайян гуруҳларни ташкил этувчи кўринишлари. Педагогик технологиялар маълум белгилари, хоссалари, вазифаларига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади: 1. Фаолият кўрсатишга асосланган педагогик технология. 2. Бошқаришга асосланган педагогик технология. 3. Муайян ўқув-тарбия мақсадларини бажаришга сабаб бўлувчи омилларни яратишга асосланган педагогик технология (келгуси ўқув омилларини яратиш технологияси).

Педагогик технология хусусиятлари – педагогик технологиянинг ўзига хос, ажралиб турадиган белгилари, алоҳида жиҳатлари. Педагогик технологиянинг муҳим хусусиятлари: илмийлик (илмий-назарий, амалий ғоялар шаклланиш жараёнининг моҳиятини ифодалаш, ўқув-тарбия мақсади, мазмуни, шакл, метод ва усулларини илмий жиҳатдан асослаш, педагогик жараённинг умумий лойиҳасини ишлаб чиқиш); амалийлик (амалиётдаги тадбиқи ҳамда самарадорлик даражаси); тавсифийлик (режалаштирилган педагогик фаолият натижаларига эришишнинг мақсади, мазмуни, метод ва воситалар ёрдамида алгоритмли жараённи ёритиш).

Педагогик тизим – педагогик жараённинг бир-бири билан боғланиб, ўзаро муносабатда бўлган барқарор таркибий элементлар мажмуи. Педагогик тизим қуйидаги барқарор таркибий элементлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ифодалайди: таълим (тарбия) мақсади, педагогик жараён

субъектлари (педагог ва ўқувчи), таълим мазмуни (умумий, таянч ва касбий), педагогик жараён шакл ва методлари, моддий асос (воситалар).

В.П.Беспальконинг фикрича, педагогик технологиянинг асоси бўлган педагогик тизим қуйидаги элементлардан ташкил топади: 1) ўқувчи; 2) таълим-тарбиянинг мақсади; 3) таълим-тарбия мазмуни; 4) ўқув жараёни; 5) ўқитувчи ёки техник воситалар; 6) таълим-тарбиянинг ташкилий шакллари.

Ў.Қ.Толипов ва М.Усмонбоеваларнинг ёндашувларига кўра эса педагогик технологиянинг таркибий элементлари қуйидагиларни ташкил этади: таълим жараёнининг умумий лойиҳаси; таълимни ташкил этишга бўлган ижтимоий эҳтиёж; таълим мақсади; таълим мазмуни, шакл, метод, усул ва техник воситалари; ўқувчи фаолияти; ўқитувчи фаолияти; таълим натижаси.

Педагогик фаолиятнинг асосий йўналишлар – педагог томонидан ташкил этиладиган касбий фаолиятнинг муайян йўллари. Таълим муассасаларида педагоглар фаолияти методологик, таълимий, тарбиявий, методик, технологик, ижодий ва тадқиқотчилик каби йўналишларда ташкил этилади.

Педагогик фаолиятнинг ижодий йўналиши – ҳар бир дарс ва муайян тарбия жараёнига ўзига хос ёндашиш, оргинал лойиҳаларни яратиш

Педагогик фаолиятнинг методик йўналиши – таълим ва тарбия жараёнларини амалий жиҳатдан тўғри ташкиллаштириш, мақсаднинг натижаланишига эришиш

Педагогик фаолиятнинг методологик йўналиши – таълим ва тарбия қонуниятларини, шахснинг ёш ва психологик хусусиятларини билишдан иборат

Педагогик фаолият – педагог томонидан касбий мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган тизимли ҳаракатларнинг муайян шакли

Педагогик фаолиятнинг тарбиявий йўналиши – тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, таълим шакли, метод ва воситаларини тўғри танлай олиш, тарбия мақсадини аниқ белгилаш

Педагогик фаолиятнинг таълимий йўналиши – таълим жараёнини самарали ташкил этиш, таълим шакли, метод ва воситаларини тўғри танлай олиш, таълим мақсадини аниқ белгилашни ифодалайди

Педагогик фаолиятнинг тадқиқотчилик йўналиши – мавжуд педагогик муаммоларнинг ечимини топишга интилиш, улар юзасидан ўзига хос ечимларни тавсия этиш

Педагогик фаолиятнинг технологик йўналиши – таълим ва тарбия жараёнларини уларнинг таркибий элементлари ўртасидаги ўзаро изчиллик асосида моҳирона ташкил этиш

Педагогик ҳамдардлик (эмпатия) – педагог томонидан таълим жараёни иштирокчилари: ўқувчилар, талабалар, тарбияланувчилар, ота-оналар ва ҳамкасбларининг хатти-ҳаракатлари, ҳиссиётлари, ҳаётий интилишлари, табиатларини тушуниш, бошқалар нуқтаи назарини маъқуллаш асосида жамоадаги муносабатларни меъёрда ташкил этилишини таъминлаш; ўзгаларнинг ички ҳолатини, ўй-фикрларини ва ҳис-туйғуларини тушуна олиш; бошқаларнинг бошига тушган кулфат, фалокатлардан қайғуриш; ролларни қабул қилиш – оғир вазиятда бўлган кишиларнинг ўрнига ўзини тасаввур, мушоҳада ёрдамида қўйиб кўрган ҳолда улардаги ижобий ҳис-туйғуларини қайта тиклашга кўмаклашиш; ўзгаларнинг қайғу-аламларидан, кулфатларидан қайғуриш, кўнгилни кўтарувчи, таскин берувчи сўзлар билан оғир вазиятда қолган кимсаларга ижобий таъсир кўрсатиш бўлиб, бунда педагог ўқувчи шахси, унинг истакларини тушуниш ва шу орқали ўқувчиларга самарали таъсир этиш зарурлигини англайди.

Педагогик қобилиятни ривожлантириш – мутахассис сифатида фақат педагог (ўқитувчи)ларгагина хос бўлган қобилиятларни янада бойитиш ва такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитни яратиш.

Педагогик қобилиятни ривожлантиришда қуйидаги йўллардан фойдаланиш мумкин: ўз устида ишлаш фаолиятга ижодий ёндашиш; илғор иш тажрибаларни ўрганиш; “Устоз-шогирд” анъанаси асосида иш кўриш илмий-амалий конференцияларда иштирок этиш; мустақил равишда амалий машқларни бажариш; тренингларда фаол иштирок этиш доимий семинарлар фаолиятида қатнашиш; махсус адабиётлар билан танишиб бориш; визуал материаллар асосида машқлар бажариш. Педагогик қобилиятни ривожлантиришда қуйидаги шакллардан фойдаланиш ижобий натижаларни беради: анатомик-физиологик тайёргарлик; машқлар ёрдамидаги амалий тайёргарлик; қобилиятлиликнинг муайян даражасига эришиш; доимий равишда ўрганиб бориш; мавжуд қобилиятларни қайта тиклаб бориш; тренинглар ташкил этиш.

Педагогик қобилиятни ривожлантириш жараёнида қуйидаги методлардан фойдаланиш самарали саналади: ўзини-ўзи англаш; ўзини-ўзи тўғри баҳолаш; махсус машқлар; ишчанлик ўйинлари; тренинг; фаолиятга киришиш.

Педагогик қобилият – педагогга хос бўлиб, педагогик фаолиятни оқилона ташкиллаштириш ва олиб борилишига имкон берадиган, амалий вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда аҳамиятли бўлган хусусиятлар. Педагогик қобилият устувор хусусиятлари қуйидагилардир: педагогик такт (педагогнинг ўқувчилар билан турли фаолият шакллари

бўйича ташкил этиладиган мулоқотда мавжуд ахлоқий тамойиллар ҳамда ҳулқ-атвор қоидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ёндашиш малакаларига эгалиги); педагогик кузатувчанлик (ўқитувчининг ўқувчиларга хос бўлган ҳатто энг оддий хусусиятларни ҳам пайқаб олиш қобилиятига эгалиги); болаларга бўлган муҳаббат (ўқувчиларга меҳр қўя олиш, уларга меҳрибонлик кўрсатиш, ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, орзу-умидлари, ҳаётий интилишлари билан ўртоқлашиш, улар учун қийин бўлган вазиятларда ғамхўрлик қилиш); билимларни узатишга бўлган эҳтиёж (педагог сифатида ўзидаги мавжуд билимларни ўқувчиларга беришга интилиш).

Ф.Н.Гоноболиннинг ёндашувига кўра, педагогик қобилиятнинг қуйидаги турлари мавжуд: ўқувчини тушуна олиш қобилияти; ёш, психологик жиҳатдан барча ўқувчилар ўзлаштира оладиган материалларни тақдим эта олиш қобилияти; ўқувчиларнинг қизиқишларини ривожлантириш қобилияти; ташкилотчилик қобилияти; педагогик такт; ўз ишининг натижаларини кўра олиш ва бошқалар.

В.А.Крутецкий эса педагогик қобилиятни қуйидаги турларга ажратади: дидактик қобилиятлар (ўқув материалларини аниқ, осон тушунтириш, ўқувчиларда фанларга қизиқишни уйғотиш, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантирувчи қобилият); академик қобилиятлар (математика, физика, биология, кимё, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа фанлар асосларини пухта ўзлаштиришга имкон берадиган қобилият); перцептив-педагогик қобилиятлар (шахснинг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, ўқувчининг психик ҳолатларининг нозик жиҳатларини тушуна олиш қобилияти); нутқ қобилияти (шахснинг ўз ҳис-туйғуларини нутқ, мимика, пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан ифодалаб бериш қобилияти); ташкилотчилик қобилияти (ўқувчилар жамоасини уюштира билиш, жамоани жипслаштира олиш, педагог фаолиятини тўғри ташкиллаштириш қобилияти); авторитар қобилият (ўқувчиларга ҳиссий-иродавий таъсир этиш орқали улар ўртасида обрў қозониш имконини берувчи қобилият); коммуникатив қобилият (ўқувчилар билан мулоқотда бўлиш, уларга тўғри ёндашиш, биргаликда муайян мақсад асосида ўзаро педагогик алоқа боғловчи педагогик тактнинг мавжудлигини ифодаловчи қобилият); педагогик хаёл (педагогнинг ўқувчилар шахсини тарбиявий жиҳатдан лойиҳалаштиришда ўз хатти-ҳаракатлари натижаларини олдиндан кўра олишни таъминловчи қобилият); диққатни тақсимлай олиш қобилияти (педагогнинг бир вақтда ўз диққатини бир қанча жараёнга қарата олишини тавсифловчи қобилият).

Перцептив-педагогик қобилиятлар (лотинча perceptio – ўзлаштириш**)** – шахснинг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, ўқувчининг психик ҳолатларининг нозик жиҳатларини тушуна олиш қобилияти бўлиб, уни шакллантиришда ўқитувчининг ҳис-туйғуга, ҳиссиётга бойлиги, таъсирчанлиги, толерантлиги асосий ўрин тутади. Перцептив-педагогик қобилиятнинг асосий турлари касбий зийраклик; педагогик эмпатия;

педагогик интуиция саналади. Перцептив-педагогик қобилият негизида уч турдаги сезгирлик намоён бўлади. Улар: 1) объектни ҳис этиш (бу сезгирлик асосида ўқувчиларда кузатилаётган реал ҳаракатлар, қизиқиш ва эҳтиёжлари кўлами, уларнинг мавжуд ижтимоий ҳамда ўқитувчи томонидан қўйиладиган талабларга мос келиши баҳоланади); 2) меъёр ва ёндашувни ҳис қилиш (ушбу сезгирлик турли педагогик таъсир воситалари остида шахс ва ўқувчилар фаолиятида кечадиган ўзгаришларни белгилаш; қандай ўзгаришлар рўй берганлигини аниқлаш, уларнинг салбий ёки ижобий эканлигини, уларни қандай белгилар асосида баҳолаш мумкинлигини ифодалайди); 3) даҳлдорликни ҳис қилиш (мазкур сезгирлик ўқувчилар билан ўзаро муносабатда педагогга шахсий фаолияти ва ўқувчилар шахсидаги ютуқлар ҳамда камчиликларни баҳолаш; белгиланган баҳонинг ўқувчилар томонидан қабул қилинишини, қандай жавоб ва нима учун рўй беришини аниқлашга хизмат қилади). Ўз навбатида объектни ҳис этиш сезгирлиги ўзида қуйидагиларни намоён этади: тезкор, осон қиёслаш асосида ва ўқувчилар психологиясига чуқур кириб бориш; педагогнинг ўқувчилар билан ҳиссий тенглашуви; педагогнинг ўқувчилар билан фаол, аниқ мақсад асосидаги биргаликдаги фаолияти.

Релаксопедия (лотинча “relaxation” – қувватсизлик, заифлашиш, руҳан ёки жисмонан ҳолда тойиш; ҳолдан тойишни бартараф этиш педагогикаси) – таълим олувчиларда руҳий ва жисмоний толиқишларни бартараф этишга қаратилган педагогик фаолият

Рефлексия (лотинчадан “reflexio” – ортга қайтиш, акс этиш) – 1) кишининг ўз хатти-ҳаракатлари ва уларнинг асосларини тушуниб етиши, фаҳмлашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида фаолияти[9]; 2) шахсий кечинмалари, ҳис-туйғулари ва ўй-хаёллари моҳиятини фикрлаш орқали англаш[10].

Ритмика – айрим сўз ва бўғинларнинг айтилиш муддати ва тўхталиши, нутқ ва ифодаларнинг навбат билан ўз ўрнида ишлатилишини билдиради. Ўқитувчи нутқининг ташкил этилишида ритмика ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ритм (юнонча rhythmos < rjeo – оқаман) – нутқда товушларнинг муайян изчиллик, кетма-кетликда асосида такрорланиб келиши, яъни нутқ вазнини ифодаловчи муҳим хусусияти саналади. Нутқ оҳанги, тўхтамлар ҳам тингловчиларга бевосита кучли ҳиссий тасир кўрсатади. Нутқнинг ритми (вазни)га кўра ўқувчига узатилаётган билимлар, ўқув материалининг

[9] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Н – Тартибли / 5 жилдли. Учинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 380-бет
[10] Большая психологическая энциклопедия. – Москва: Эксмо, 2007. – С. 394

мураккаб ўринлари ўқитувчи томонидан аста-секин баён қилинади, осон ўзлаштириладиган қисмларини эса нутқни бир қадар тезлаштириб баён этиш мумкин.

Руҳий барқарорлик – руҳий-ҳиссий ҳолат (таъсирланиш)ларнинг давомийлиги ва барқарорлик даражаси. В.А.Сухомлинский ғояларига кўра руҳий барқарорликка эришишнинг муҳим шартлари қуйидагилардир: қош-қовоқни уюб юрмаслик; бошқаларнинг камчиликлари, нуқсонларини ошириб кўрсатмаслик; ҳазил-мутойба мойил бўлиш; хушмуомала бўлиш ва келажакка ишонч билан қараш.

Такт (даҳлдорлик) – бу ахлоқий ҳулқ-атвор, хатти-ҳаракат бўлиб, ўзида барча объектив ҳаракатларнинг оқибати ва уларнинг шахс томонидан субъектив қабул қилишни аввалдан кўра олиш, белгиланган мақсадга осонроқ эришиш йўлларини излашнинг намоён бўлишини ифодалайди.

Тарбия жараёнини лойиҳалаш – алоҳида олинган тарбия жараёнини самарали ташкил этиш учун барча омилларни инобатга олган ҳолда унинг лойиҳаси (схемаси)ни ишлаб чиқиш.

Тарбия жараёнини лойиҳалаш босқичлари – алоҳида олинган тарбия жараёнини самарали ташкил этиш учун барча омилларни инобатга олган ҳолда унинг лойиҳаси (схемаси)ни ишлаб чиқишни муайян изчилликда, қадам-бақадам амалга ошириш даврлари. Тарбия жараёнини лойиҳалаш қуйидаги босқичларида амалга оширилади: тарбиявий тадбир мавзусига доир материалларни йиғиш; тарбиявий тадбир мақсади ва вазифаларини белгилаш; тарбиявий тадбирнинг мазмунини ишлаб чиқиш; тарбиявий тадбир шакли, методлари ва воситаларини танлаш; тарбиявий тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш (давомийлиги) вақтини белгилаш; тарбиявий тадбир сценарийсини ишлаб чиқиш; ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, уларнинг фаоллик даражаларини норасмий (ўқувчиларни бу ҳақида хабардор қилмасдан) баҳолаш; лойиҳани амалий фаолиятда қўллаш; тарбиявий тадбирни ташкил этиш жараёни; тарбиявий тадбирнинг ўтказилиш ҳолати (самарали, самарасиз, муваффақиятли, муваффақиятсиз кечганлиги)ни муҳокама қилиш ва якуний хулоса чиқариш.

Тарбия жараёнини технологиялаштириш – аниқ мақсадга ва ижтимоий ғояга асосланиб, ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ташкилий-техник жиҳатдан уюштирилиши.

Тафаккур – ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг онгда тўлақонли акс этиши, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли.

Ташкилотчилик қобилияти – педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири бўлиб, у педагог томонидан таълимий ва тарбиявий жараёнларни илмий-назарий, методик ва ҳиссий жиҳатдан тўғри ташкил этилишини билдиради.

Таълим жараёнини лойиҳалаштириш – алоҳида олинган таълим жараёнини самарали ташкил этиш учун барча омилларни инобатга олган ҳолда унинг лойиҳаси (схемаси)ни ишлаб чиқиш.

Таълим жараёнини ташкил этиш – педагог томонидан таълим жараёнининг ташкилий, методик жиҳатдан уюштирилиши. Таълим жараёнини ташкил этишда қуйидаги шартлар инобатга олинади: таълим олишга бўлган эҳтиёж (ижтимоий ёки шахсий ТЭ); таълим олишга бўлган рағбат (мотив) (ТР); ўқувчи фаолиятининг мазмунини белгилаш (ЎФ); ўқувчи фаолиятини бошқариш (ЎФБ).

Таълим жараёнини технологик лойиҳалаш босқичлари – ўқитувчи томонидан муайян изчилликда, қадам-бақадам таълим жараёнининг умумий моҳиятини ёритувчи лойиҳаларни ишлаб чиқиш даврлари бўлиб, ҳар бир даврда муайян вазифалар ҳал қилинади. Яъни: 1) таълим жараёнининг умумий, асосий мақсадини белгилаб олиш; 2) таълим жараёнини реал муайян босқичларга бўлиш, ҳар бир босқич учун хусусий мақсадларни белгилаш, асосий мақсадни амалга ошириш йўлида жузъий мақсадларни ҳам ҳал этиб бориш; 3) ўқувчиларнинг билим даражасини олдиндан ташхис қилиш.

Таълим методи – ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти усули бўлса, таълим методикаси эса муайян ўқув предметини ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизими.

Таълим технологияси (инглизча “an educational technology” - таълим жараёнини юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этиш борасида маълумотлар берувчи фан, таълимот) – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқариш.

Тембр (французча timbre – қўнғироқ, белги, тамға, фарқловчи белги) – товушнинг товланишини ифодаловчи хусусият бўлиб, у товуш рангдорлиги, ёрқинлиги, юмшоқлиги ва алоҳидалигини ифодалашга хизмат қилади.

Технологик паспорт (педагогикада) – таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари, уларнинг технологик тавсифини ёритувчи ҳужжат. Таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув машғулотларининг технологик паспортида қуйидаги маълумотлар акс этади: машғулот мавзуси; маърузага ажратилган вақт; талабалар сони; ўқув машғулотининг шакли ва тури; ўқув машғулотининг тузилиши; ўқув машғулотнинг мақсади; педагогик вазифалар; ўқув фаолияти натижалари; таълим методлари; таълимни ташкил этиш шакли; дидактик воситалар; таълимни ташкил этиш шароити; назорат шакли.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг технологик паспортларида эса қуйидаги маълумотлар акс этади: тадбир мавзуси; тадбирнинг ўтказилиш санаси; тадбирни ўтказиш учун белгиланган масъул шахс; тадбир иштирокчиларнинг ёш кўрсаткичлари; тадбир иштирокчиларнинг тахминий сони; тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад; тадбирнинг ўтказилиш босқичлари; тадбир жараёнида ҳал этиладиган вазифалар; тадбирнинг ташкилий шакли; тадбирнинг таркибий тузилиши (режаси); тадбирда қўлланиладиган тарбия методлари; тарбиявий воситалар; тадбирнинг ташкил этиш шароити; тадбир натижаси; тадбир жараёнида иштирокчилар фаоллигининг таҳлили.

Технологик харита (педагогикада) – педагогик (таълим ва тарбия) жараённи бажарувчи ёки маълум объектга техник хизмат кўрсатувчи ўқитувчиларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳужжат. Таълим ёки тарбиявий жараёнда бажариладиган фаолият учун мўлжалланган технологик харита қуйидаги саволларга жавоб бера олиши лозим: 1. Белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган педагогик фаолият қандай босқичларни ўз ичига олади? 2. Ҳар бир босқичда аниқ қандай вазифаларни бажариш зарур? 3. Ҳар бир босқич вазифаларини бажаришда ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи (талаба)нинг фаолият мазмуни нимадан иборат бўлади? 4. Вазифалар қандай изчилликда бажарилиши керак? 5. Муайян вазифа айнан қайси вақтда бажарилиши зарур? 6. Ҳар бир вазифани бажариш учун қанча вақт талаб этилади? 7. Ҳар бир бажарилган вазифанинг аниқ натижаси қандай? 8. Вазифаларни бажариш учун қандай асбоб-ускуналар, материаллар ёки воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?

Технология (юнонча “techne” – маҳорат, санъат; “logos” – тушунча, таълимот) – ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида хомашё, материал, ярим фабрикат ва шу кабиларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалари ва шаклини ўзгартиришда қўлланиладиган усуллар (методлар) мажмуи.

Товушнинг ихчамлиги ва ҳаракатчанлиги – нутқ ҳосил қилувчи органлар фаолияти асосида ҳосил бўлган товушнинг бежирим, йиғинчоқ ва тебранувчан эканлигини англатувчи хусусият бўлиб, унинг мазмунига, тингловчиларга мослаб ўзгартирилишини англатади.

Товуш кучи – нутқ ҳосил қилувчи органлар фаолияти асосида ҳосил бўлган товушнинг қуввати. У товуш аппарати органларининг фаол ишлашига боғлиқ. Чиқарилаётган ҳаво оқимининг товуш тирқишига бўлган босими қанчалик катта бўлса, товуш ҳам шунча кучли бўлади.

Товуш пардози – нутқ ҳосил қилувчи органлар фаолияти асосида ҳосил бўлган товушнинг сайқали, безаги бўлиб, у товушнинг узоқ масофага узатилиши ва қаттиқлигининг таъминланганлигини билдиради.

Товуш – чиқарилган ҳавони хиқилдоқдан ўтиш пайтида овоз пардаларнинг тебраниши натижасида вужудга келадиган ҳодиса, садо, сас. Товуш бир муайян хусусиятларга эга. Улар: товуш кучи, товуш пардози, товушнинг ихчамлиги ва ҳаракатчанлиги, диапазон, тембр.

Фаолият: 1) англанган мақсад билан бошқариладиган ички (психик) ва ташқи (жисмоний) ҳаракатлар йиғиндиси; 2) шахс томонидан табиий ҳамда ижтимоий мақсадга мувофиқ ташкил этилувчи кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, кўриниши

Фикрлаш маданияти – педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири бўлиб, у педагогнинг мавжуд педагогик вазиятларни инобатга ола билиши, уларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тўғри қарорлар қабул қилиши ва уларни амалиётга самарали татбиқ эта олишини ифодалайди. Педагогик жараёнда педагогнинг фикрлаш маданиятига эгалиги уни тўғри, оқилона ташкил этишда одатий ҳамда махсус воситаларданн унумли фойдалана олишида кўзга ташланади

Шахсга йўналтирилган таълим – таълим жараёнининг асосий объекти ўқувчи (талаба, тарбияланувчи) бўлиб, унинг шахси, қадр-қимматини юқори ўринга қўядиган ҳамда асосий эътиборни интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарашини бойитиш, маънавий-ахлоқий тафаккурини ривожлантиришга қаратадиган педагогик фаолият тури. Шахсга йўналтирилган таълимнинг қуйидаги турлари мавжуд: муаммоли таълим; модул таълими; дастурий таълим; ривожлантирувчи таълим; ўйин технологиялари; интерфаол таълим; ҳамкорлик таълими; табақалаштирилган таълим; индивидуал таълим; масофавий таълим; мустақил таълим; инновацион таълим.

Шахс фаолиятининг асосий турлари – шахснинг ҳаётида фаол ташкил этиладиган фаолиятнинг муҳим кўринишлари бўлиб, улар ўйин, меҳнат ва ўқишдан иборат

Экстралингвистик тизим (инглизча exterior – ташқарида, немисча linguistik – тил) – гапираётган шахснинг ижтимоий вазифалари билан бевосита боғлиқ

ҳолда нутқнинг ташкил этилиши – нутқий танаффуслар, кулгу, йўталиш, нафас олиш, йиғлаш, тутилиш ва бошқаларни ифодаловчи тизим[11].

Янги ўқув материалини ўзлаштириш даражалари – таълим олувчилар томонидан янги ўқув материалини ўзлаштиришнинг муайян ҳолатини ифодаловчи меъёрлари, чегаралари. Янги ўқув материали таълим олувчилар томонидан бошланғич; алгоритмик, эвристик ва ижодий даражаларда ўзлаштирилади.

Ўйин – болалар томонидан катталарга хос мулоқотни, иш-ҳаракатларни, шахслараро муносабатларни имитациялаш (такрорлаб кўриш) асосида ижтимоий борлиқни билишга қаратилган фаолият

Ўқитувчи нутқи – педагогнинг таълим-тарбия жараёнида тил воситаларидан фойдаланиши. Ўқитувчи нутқининг асосий шакллар монолог (ўқитувчининг ўзига ёки ўқувчиларга қаратилган нутқи (ички ва ташқи монолог), диалог (ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ташкил этиладиган суҳбат) ва полилог (ўқитувчи ва бир нечта ўқувчи ёки ўқувчилар жамоаси ўртасидаги суҳбатни ифодаловчи нутқ) саналади. Педагогик жараёнда ўқитувчининг таъсирини кучайтирадиган омиллардан бири – унинг овози, унга хос бўлган хусусиятлар саналади. Ўқитувчи овозининг ёқимли ва жарангдор бўлиши ўқувчилар эътиборини ўзига тўла қарата олишини таъминлайди. Ўз овозининг таъсирчанлигини аниқлаш учун ўқитувчи овозининг қанчалик даражада кучли, ширадор ва ёқимли эканлигини билиши, шунингдек, зарур вазиятларда овознинг бу каби хусусиятларидан унумли фойдалана олиши зарур. Ўз овозида маълум камчиликлар борлигини сезган ўқитувчи уларни бартараф этишга ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун овоздан фойдаланиш ва уни яхшилаш техникаси устида изчил, доимий машқ қилиб бориши талаб этилади. Бинобарин, бир ёки икки марта қилинган машқ билан овоз хусусиятларини яхшилаб бўлмайди. Ўқитувчи овози ўзида қуйидаги хусусиятларни акс эттира олиши зарур: жарангдорлик (товушнинг тозалиги ва тембрнинг ёрқинлиги); кенг диапазонлик (овознинг энг пастликдан энг юқоригача бўлган даражаси); ҳаводорлик (эркин сўзлаганда яхши эшитувчанликка эга бўлиши); ихчамлик, ҳаракатчанлик; чидамлилик (узоқ ишлаш қобилиятига эга бўлиш); мослашувчанлик (динамика, тембр, мелодиканинг эшитилиш шароитига мослаша олиши); қарши шовқинларга нисбатан барқарорлик (халақит берувчи шовқинга тембр ва тесситуранинг ўзгариб туриши); суггецивлик (овознинг ҳаяжон ифодалаши ва бу орқали, қандай сўз айтилаётганидан қатъий назар, тингловчининг хулқига таъсир қилиш хусусияти). Педагогик фаолиятда ўқитувчи ўз нутқини ташкил этишда қуйидагиларга жиддий эътибор қаратиши зарур: адабий (шева сўзларининг қўлланилмаслиги) меъёрларига (кади – қовоқ, памилдори – помидор,

[11] http://dic.academic.ru/dic.nsf/socio/4789.

келутти – келяпти, картишка – картошка ва ҳоказо тарзида) амал қилиш; талаффуз (о, а, у ,ў, ф, в, п, д, т, х, ҳ, с, ц, ж, ш) меъёрларига (онор – анор, ухшаш – ўхшаш, палакат – фалокат, Ҳамит – Ҳамид, хам – ҳам, сентнер – центнер, ижтимоий – иштимоий каби шакллар) риоя этиш; келишик меъёрларига (Собирни укаси – Собирнинг укаси, ўқувчини дафтари – ўқувчининг дафтари, поездга келдим – поездда келдим ва бошқалар кўринишида) амал қилиш.

Ўқиш – ўқувчилар томонидан ўқув фаолияти усулларини эгаллаб олишга йўналтирилган фаолият

Қобилият – шахснинг осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусият[12]. Қобилиятнинг етакчи хусусиятларидан бири – нарса ва ҳодисалар моҳиятини ижодий тасаввур қилишдир[13]. Ҳар бир шахсда мавжуд бўладиган қобилият икки турга ажратилади: 1. Умумий қобилиятлар (шахс фаолиятининг асосий турларида намоён бўлади). Махсус қобилиятлар (касбий фаолиятнинг айрим турлари (м: математик, техник, мусиқа, тасвирий санъат, адабиёт (поэзия ва проза), жисмоний тайёргарлик ва бошқалар)да намоён бўладиган қобилиятлар).

Ҳис этиш маданияти – педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири бўлиб, у педагог томонидан таълим жараёни иштирокчиларининг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, ўй-фикрларини тушуна олиши, улар билан самарали мулоқотни ташкил этишини билдиради.

---

[12] Психология. Қисқача изоҳли луғат / Тузувчилар: М.Г.Давлетшин ва бошқалар. Масъул муҳаррир: М.Г.Давлетшин. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 1998. – 18-бет.

[13] Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул муҳаррир А.Мажидов. – Тошкент: “O’bekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 513-бет.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Авлоний, Абдулла. Танланган асарлар. – Тошкент: “Маънавият”, 2006.
2. Большая психологическая энциклопедия. Самое полное современное издание. – Москва: Эксмо, 2007.
3. Джуринский А.Н. История педагогики / Учебное пособие. Москва: ГИЦ “Владос”, 1999.
4. Кайковус. Қобуснома. Нашрга тайёрловчи С.Долимов. Тошкент: Ўқитувчи, 1986.
5. Кан-Калик В.А., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество. – Москва: Педагогика. 1990.
6. Кухарев Н.В. На пути к профессионалному совершенству. – Москва: Просвеҳение, 1990.
7. Муҳиддинов А.Г. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
8. Навоий, Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар. Ўн беш томлик. 13-том. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966.
9. Oila psixologiyasi / Mualliflar: G’.B.Shoumarov va boshqalar. Prof. G’.B.Shoumarov tahriri ostida. – Toshkent: “Sharq” NMAK, 2008.
10. Основы педагогического мастерства / Под ред. А.Зюзина. – Москва: Просвеҳение, 1989.
11. Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар / Маърузалар матни. Тузувчилар: А.Х.Қосимов, Ф.А.Ҳоликова. – Тошкент: ТАТУ, 2004.
12. Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
13. Сайидаҳмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Тошкент: Олий педагогика институти, 2003.
14. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
15. Тарбиявий ишлар методикаси / Педагогика институтлари учун ўқув қўлланма. Л.И.Рувинский таҳрири остида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
16. Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул муҳаррир А.Мажидов. – Тошкент: “O’bekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2010.
17. Худойбергенова Ў. Иқтидорли болаларни ўқитишга ихтисослашган мактаблар фаолияти самарадорлигини оширишнинг педагогик асослари: Пед.фанл.номз... дисс. – Тошкент: 2006.
18. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-том. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000.
19. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А – Д / 5 жилдли. Биринчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.
20. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Е – М / 5 жилдли. Иккинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.

21. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Н – Тартибли / 5 жилдли. Учинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007.
22. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари / Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1993.
23. Ҳолиқов А. Педагогик маҳорат / Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2010.
24. Ҳошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи / Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Тошкент: “Маънавият” нашриёти, 2005.
25. Husanov B., G’ulomov V. Muomala madaniyati / Darslik. – Toshkent: “Iqtisod-moliya”, 2009.
26. http://psi.webzone.ru/st/050200.htm.
27. http://psylist.net/hpor/ped037.htm.
28. http://dic.academic.ru/dic.nsf/socio/4789.
29. http://mirslovarei.com/content_ eco/pedagogicheskaja-kultura- 32491.html.
30. http://imp.rudn.ru/psychology/pedagogical_psychology/13.html.

МУНДАРИЖА

	Сўзбоши.....	3
1-бўлим	**Педагогик маҳорат ҳақида тушунча. Педагогик маҳоратнинг ўқитувчи фаолиятида тутган ўрни ва аҳамияти**.....	4
2-бўлим	**Педагогик фикр тарихи ва мактаб амалиётида ўқитувчи маҳорати масалалари**.....	22
1-қисм	Энг қадимги даврлардан эрамизнинг VII асрларигача бўлган даврларда ўқитувчи (мураббий), шогирд ва уларнинг жамиятдаги ўрни, педагогик фаолият борасидаги ижтимоий қарашлар.....	-
2-қисм	Шарқ мутафаккирлари асарларида таълимни методик жиҳатдан тўғри уюштириш, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатни оқилона ташкил этиш, мударрисларни танлаш ва уларнинг маҳоратига қўйиладиган талаблар ҳақидаги илғор фикрлар.....	28
	Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг таълим-тарбияга муносабати.....	-
	Абу Наср Форобий ва таълим жараёни.....	30
	Абу Райҳон Беруний таълимотида таълим масалаларининг ўрни..	33
	Абу Али ибн Сино қарашларида ўқитувчи фаолияти.....	37
	Юсуф Хос Ҳожибнинг педагогик фаолиятга ёндашуви.....	41
	Мирзо Улуғбекнинг устозлик фаолияти.....	44
	Алишер Навоий талқинидаги ўқитувчи образи.....	47
	Унсурул Маолий Кайковуснинг устоз-шогирдлик ғоялари.....	50
	Абдулла Авлоний ҳаётида педагогик фаолиятнинг ўрни.....	52
3-қисм	Юнон ва Рим файласуфларининг асарларида педагоглар ва уларнинг нотиқлик санъати тўғрисидаги ғоялар.....	56
	Сукротнинг таълимий ёндашуви.....	-
	Платон ва педагогик фаолият.....	58
	Демосфен ва таълим-тарбия масалалари.....	60
	Аристотелнинг ижтимоий тарбияга оид ғоялари.....	63
	Цицероннинг таълим тизимига муносабати.....	66
	Квинтиллианнинг нотиқлик санаъатига оид фикрлари.....	69
4-қисм	Я.А.Коменский, А.Дистерверг, К.Д.Ушинский ва бошқаларининг ўқитувчи, унинг касбий тайёргарлиги ҳамда педагогик маҳоратининг таълим-тарбия ривожидаги алоҳида ўрни борасидаги қарашлари.....	76
	Ян Амос Коменскийнинг педагогик қарашлари.....	-
	Адольф Дистерверг педагогик фаолиятининг етакчи ғоялари...	81
	Константин Дмитриевич Ушинскийнинг таълим-тарбияни такомиллаштириш тўғрисидаги фикрлари.....	85

5-қисм	Ҳозирги замон педагогикасида педагогик технология ва унинг моҳияти.....	90
3-бўлим	**Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият**.....	109
4-бўлим	**Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ**	123
5-бўлим	**Педагогик техника ҳақида тушунча. Педагогик техникани шакллантириш методлари**.....	129
6-бўлим	**Нутқ техникаси ва маданияти**	140
7-бўлим	**Педагогик мулоқот маданияти**.....	149
	Хотима.....	159
	“Педагогик маҳорат” фанидан изоҳли луғат.....	160
	Фойдаланилган адабиётлар.....	187

**Нигора Эркабоева, Маҳфуза Усмонбоева,
Марипат Иргашова, Наргиза Хўжаназарова**

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ:
СХЕМА ВА РАСМЛАРДА